

Ўзбек халқ ижоди



Кўп томлик

Оқ олма, қизил олма



Ўзбек халқ қўшиқлари

УЗБЕКИСТОН ~~—~~ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ
ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

ИБРОХИМ МУМИНОВ, ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ, МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ,
ШОНАЗАР ШОАБДУРАХМОНОВ, МАНСУР АФЗАЛОВ, ТУРА МИРЗАЕВ

Тупловчи:
МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ

Рассом
М. РЕЙХ

ҚУШИҚ—ДИЛ ТАРЖИМОНИ

Узбек халқ қўшиқлари тўртликларда ривожланган. Бу қўшиқлар иборанинг ўткирлиги, тилнинг соддалиги, мазмунининг тийранлиги билан ажralиб туради.

Буюк Октябрь социалистик революциясидан илгари яратилган қўшиқларнинг мазмуни кўпинча замон, изтиробли бўлган, куйи ҳам мунглидир. Диний, хурофий эътиқодлар, турли одат, расм-руслар, муҳаббат кечинмалари, оиласвий мозжаро ва ҳиссиятлар ниҳоят ҳазинлик билан ифодаланган. Бунинг сабаби боо, албатта. Маросим қўшиқларининг асосий ижодчилари ва ижрочилари хотин-қизларди. Улар турмушда эрксиз, ҳуқуқда тенгсиз яшаганлари устига, ҳаётнинг ҳам шафқатсиз силтоворларига биринчи навбатда шулар рўпара бўлганлар.

Маросим қўшиқларидаги турмушдан, адолатсизликдан норозилик, аччиқ қисматдан полиш вафот этганларга бериладиган йиғи-йўқловга ўхшаб кетади. Бу хотин-қизлар тақдирни билан боғлиқдир, албатта.

Кундошлик, кўнгил гашлиги баҳтга етакладиган, курсандликка чорловчи, ҳижронга сабаб бўлган зўравонликларни акс эттирадиган қўшиқлар бор. Ҳатто тўйда ҳам, азада ҳам айтиладиган қўшиқлар бор. Бу қўшиқлар тўйда, азада, яъни халқ йиғилган жойда айтилиб, барчанинг юрагига йўл топади.

Мен бу ерга келмас эрдим,
Ер келтириди мени.
Утга тушсан қўймас эрдим,
Ер куйдирди мени.

Худди мана шу қўшиқни бешик бошида ҳам айтидилар. Гўё бу билан она ўзига насиб бўлмаган баҳтга боласи эришишини тираб уни аллалагандай бўлади. Лекин кўп ҳолларда кейинги мисралардаги баъзи бир иборалар ўзгаради.

Қизил гул гунча-ю гунча,
Юракда дарду заманча.

Келиб ёнимга ўлтиргин,
Менинг баҳрим очилгунча.

Бу қўшиқнинг учинчи мисраси қўпинча вазиятга, ҳолатга қараб ўзгариб, унинг ўрнини «Кошки онам келса әди», «Раҳми йўқ келса әди», «Суйган ёр келса әди» каби мисралар эгаллайди.

Қўшиқдаги фикрлар лирик қаҳрамоннинг ҳаёти ва ҳодисанинг табиатидан келиб чиқади. Лурек қаҳрамоннинг вазифаси катта ба бениҳоя. Шу билан бирга турмуш ва табиат деталларининг аҳамияти зўрдир. Шу сабабли қўшиқ ижодчилари турмушнинг нозик ва муръқаб томонларини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам битта тўртликда ҳаёт манзарасини тугал фикр билан жонлантира олади. Соғлом ҳисдан саломат завқ пайдо бўлади. Шеърий табиат ҳам шунга боғлангандир. Ҳақиқатни санъет билан ифодалайди. Ижроцида ҳам юқоридаги хислатлар бўлиши керак. Агар қўшиқни ҳис, муҳаббат, шавқ билан айтмаса, әши тувшиларга завқ баҳш этолмайди.

Дарду алам келибдир,
Менинг бечора бошимга.
Сойда ўрдак сузадир
Кўздан оққан ёшимга.

Бу қўшиқ бадий жиҳатдан ҳам юксакдир. «Кўздан оққан ёшга ўрдаклар сузадир». Бу муболага қўшиқка алоҳида руҳ беради. Бу ўша турмуш, ўша айтувчи, тингловчилар руҳига мосдир. Қўшиқ халқнинг жонли овозида реал ҳаёт билан боғланган ҳолда, қаҳрамон кечинмаларига уланади, демак, унинг бутун мазмуни меҳнат, майшаг, ижтимоий турмуш билан боғланган.

Турмушда содир бўладиган воқеалар, мақсад йўлидаги курашда киз берган қийинчилклар, фам-андуҳ, шод-хуррамликлар қўшиқда ўзига хос бир тариқада акс эттирилади. Қўшиқ бўладиган шеър мусиқийлиги, таъсиричанилиги, омма бўлиги билан лоҳида ўрин тулади. Меҳнат қўшиқ билан енгилла шган, даҳшатларни қўшиқ, билан енгиллар. Қўшиқ билан оғир мушкуллар, мусибат, кулфатлар осон кўчган.

Қўшиқда қандайдир истак, яхшироқ қисматга интилиш, қандайдир юрак парвози әшитилади. Ҳеч ким қизиқмаган, ички маънога әга бўлмаган нарсаларни шеърга солиш кишига завқ ҳам бермайди. Мана шунинг учун ҳамма шеър қўшиқ бўлавермайди. Шеър ёзиш учун орзу қилинган нарсага мос тушадиган бир манзара тасаввурда бўлса, шунда шоир ҳақиқат ва гўзалликни ҳис этади, уни кўз олдига келтира олади, шунда ёрқин образ яратади. Қўшиқларда тасвиirlangan одамлар, образлар бизга ҳар томонлама феъл-атворлари, ҳис-туйғулари билан жуда яқиндирлар. Уларнинг турмуши, тирикчилик шаронти, ўраб олган музҳити танишдир. Фам-мусибатлари, шод-хуррамликлари тушунарли. Ҳақиқат билан нафас олиб қўшиқ даражасига етган шеър ҳаётни, одамларни яхши англаған, билган кишига қаттиқ, таъсири этади.

Сен қачон келдинг әшикка,
Мен билиб оҳ урмадим.

Чиққали хилват тополмай,
Ўлтириб қон йигладим.

Боришингни боғда кўрдим,
Келишингни кўчада.
Арзи ҳол айтай десам,
Учрамадинг тор кўчада.

Юқоридаги икки қўшиқнинг лирик қаҳрамони ва унинг руҳий ҳолати бизга маълум. Эрки қўлида бўлмаган, севгани билан очиқ гаплашиши ва кўриниши мумкин бўлмаган бир мунтазир маъшуқаннинг руҳий ҳолати жуда содда, аниқ ифодаланган. Бир эмас, бир нечанинг кўнглидагиси бўлиб эшитилади бу қўшиқ ва одамлар, булар бари менинг кўнглимдагилар, деб жон қулоғи билан тинглайди. Бу қўшиқлар боғли, дарвозали, деворли, кўча, шаҳар ёки қишлоқ жойда яратилгани кўриниб турибди. Бу шароитни ҳар томонлама биламиз, ҳис этиб завқланамиз, таъсиранамиз.

Одамчинг руҳий дунёси ва ҳаёт бойликлари тасвирида кўпчиликнинг содда қалби акс эттирилганда табиат ҳодисаси ва манзаралари ёрдамга келса, бузмай кўрсатилса, ундай шеър завқ ҳам, билим ҳам беради.

Дарё гошқин, сувлар тўлқин
Утолмайман, ёр-ёр.
Отим ориғ, рангим сариг
Етолмайман, ёр-ёр.
Отгинамни ориқ қилган
Шу майдо тош, ёр-ёр,
Тангинамни сариқ қилган
Шу қалам қош, ёр-ёр.

Бу қўшиқда ҳам табиатнинг қўзга кўринадиган ҳодисаси билан инсоннинг қўзиға кўринмайдиган ички кечинмалари тенг қўйилиб тасвиrlанган. Мантиқ ва шеърий тадриж бор.

Салбий ҳолни кўриш, ҳис этишнинг ўзи ижобий ҳолатга интилишни кўрсатади.

Самарқанддан чиққан от ем талашур,
Ёрим сизга алвон кўйлак ярашур.
Алвон кўйлак енги тор, ечишмайди,
Подшо золим орзулар ушалмайди.

Ҳаққонийлик, яхши ният, самимийлик оқилона фикрни, олижаноб интилишни, жўшқин ҳис-туйғуларни юзага келтиради. Подшонинг золимлиги, адодатсизлиги, орзуга эришишга йўл қўймаслиги қўшиқка хос ҳаққонийлик, самимийлик билан тараннум этилган.

Қўшиқ бўладиган шеърдаги латофат унинг табиийлигига, мусиқийлигига эканини ҳамма билади. Шу хусусият билан маънога ха-

лал берадиган сўз келтирилмай, балки маънога тобе сўзлар ишлати-
лади. Чунки бир сўз билан шеър бузилиши мумкин, мазмун билан
шакл мустаҳкам боғланган ҳолда кишига завқ берганидай, қўшиқда
содда тил, ўткир ибора, ёрқин образ, мантиқий пайвандлик ва шеъ-
рий тадриж киши табиатига йусиқий оҳанг бериб, одамни рақсга
келтиради.

Армочда қолма, қўэим,
Тўйигунча боққин ёрга.
Кўз юзига тушгандә,
Қараб бўларми ойга.

Мана бундай содда, самимий ва табиий яратилган қўшиқлар
санъат асари сифатида завқ бериб асрлар ошиб юради. Бунинг маз-
муни хурсандлик кайфиятини ифодалагани учун, фақат хурсандлик-
да, тўй-ҳашамларда айтилади.

Бу тўпламга кирган барча қўшиқлар Улуг Октябрь революция-
сидан илгари яратилган ҳалқ қўшиқлари бўлиб, улар Ўзбекистоннинг
ҳамма область ва районларидан ёзиб олинган. Қўшиқлар Ўзбекис-
тон Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт
институти фольклор сектори фондида сайданаётган хазинадан сара-
лаб олинди.

Тўпламни тузишда қўшиқларни маълум даражада темаларга бў-
либ чиқилди.

МУЗАФЯНА АЛАВИЯ



ТЕРМА ҚҰШИҚЛАР

Бу тоғлар қандай тоғлар,
Тоши бор тепаси йўқ.
Ваъдасида турмаган ёрнинг
Дарди бор, вафоси йўқ.

Гул гунча-ю гул гунча,
Нимага куйдирасан мунча.
Олдимда бўлмадинг бир дам,
Менинг кўнглим очилгунча.

Сен қачон келдинг эшикка,
Мен билиб оҳ урмадим.
Чиққали хилват тополмай,
Ўлтириб қон йигладим.

Эшигингдан ўтсам ман,
Дугорингнинг овози.
Юрагимни куйдирган
Суйган ёримнинг нози.

Бир кўрмадим ёримни,
Ҳар куни кўраман, деб.

Умид узмадим ёрдан,
Ўлмасам оламан, деб.

Қоронғи кеча билан,
Арифинг ичи билан.
Икки қўлим боғлансин,
Қизларнинг сочи билан.

Отаси бормикан ёрнинг,
Оғаси йўқмикан ёрнинг.
Мунчалар оҳ уради,
Севгани бормикан ёрнинг.

Ёр у ён ўтиб кетди,
Ёр бу ён ўтиб кетди.
Ёримнинг айтган сўзи,
Жонимдан ўтиб кетди.

Мен сафарга чиққанда,
Ёр эшигига қолган.
«Қачон келасан?» деб,
Қора кўзга ёш олган.

Осмонда менинг ойим,
Танда қолмади жоним.
Саломимни еткургил,
Узоқда менинг ёрим.

Тоғларда тўла каклик,
Мен ёрим билан гаплик.
Ховлида кўришганда,
Ўйнаб-кулишган татлик.

Мен бораймикин анда,
Ёр келармикин мунда.
Ёрга ёр керак бўлса,
Кўл солис келар мунда.

Ёр билан борайми ман,
Йўлида қолайми ман.
Кўнгил бермаган ёрнинг,
Кўнглини олайми ман.

Ёримни ташлаб келдим,
Тошкент деган жойга.
Оғзида айтган билан,
Чин кўнгли бўлак ёрда.

Ёр билан биз иковлан,
Бир маҳаллада жуфт бўлган.
Бошда ваъдамиз шундай,
Ҳеч бир айримас бўлган.

Доим оҳ-фигон билан,
Ҳеч нарса кўринмайди.
Ёрнинг кўзига қараб,
Ўтган кун билиммайди.

Хаёлим учиб кетди,
Тошкент йўлига қараб.
Кўзимнинг нури кетди,
Ёрнинг йўлига қараб.

Мен ўзим кичик боғда,
Қаклик боқар эдим тоғда,
Бойваччага сотдилар,
Мен қолдим алам-доғда.

Тош йўлда от чопсанг,
Түёғи тақиллайдир.
Қизига ўйин қиласанг,
Онаси вақиллайдир.

Кўрдингми бояғини,
Шафтоли таёғини.
Онаси қандай қилсин,
Қизининг саёғини.

Бу йўлларда адашдим,
Қани менинг йўлдошим.
Ҳориб-чарчаб келганда,
Сув берган қариндошим.

Сувлар шалдираб оқса,
Кўзимнинг нури дейман.
Ёр учун ўлиб кетсам,
Ўзимнинг шўрим дейман.

Кечалари мен бордим,
Итларингга ёлбордим.
Ваъда қилиб чиқмадинг,
Заъфарондек сарғайдим.

Очиқ сўзни мен айтай,
Тинглаб ол қулогингга.
Кечаси мен борайин,
Олиб чиқ гулбогингга.

Тошканингни йўлида,
Саватчаси қўлида.
Минг жон берсанг арзиди,
Севган ёрнинг йўлида.

Ёрдан келмади дарак,
Ишқ ўтига солган фалак.
Ўтгизида ёр тутиб.
Ёрга тўймаган юрак.

Атлас кўйлак киймайди,
Юр деганда юрмайди.
Қизлар ўзини мақтайди,
Маърифатхонга етмайди.

Осмондаги юлдузнинг
Шамчироги бормикин?
Жоним, юрагимни кўр,
Куйган доғи бормикин?

Ойни ойга отайми,
Ерим, сени кутайми,
Ерим, дардингда сенинг,
Остонангда ётайми?

Шийпончангга чиқсам ман,
Чор атрофига қараб.
Эшигимдан ўтгин сан,
Булбуллар бўлиб сайраб.

У ёқ ўтадир бир гул,
Очилибдир қизил гул.
Ёримнинг гулзорида,
Сайраб ётади булбул.

Севган ёр, сани бўйинг,
Қачон бўлади тўйинг.
Бўлса-бўлмаса тўйинг,
Қуchoқлаб ўпиб қўйинг.

Эшикни катта очинг,
Бўйингиз кўриб қолай.

Бир оз тоқат қилингиз,
Хидизга¹ тўйиб қолай.

Ўйнарга хаёлим бор,
Менинг юрагим жуда тор,
Ҳар вақт очилмайсан,
Сенинг бир хаёлинг бор.

Эшик олдида турадир,
Қора камзул киядир.
Нозик қизнинг билаги,
Тутмай туриб синадир.

Чаман гулзори бўлсам,
Суйган ёримни кўрсам.
Кўз олдимда ўлтиrsa,
Қучоғида жон берсам.

Жоним сенинг йўлингга,
Қачон кирай ёнингга.
Асло раҳминг келмайди,
Мендек севган ёрингга.

Аввалдан қолган экан,
Ошиқлар бўлиб юрмоқ.
Келинг, ёрим, ўйнайлик,
Энди йўқ қараб турмоқ.

Саъва деган қушчани
Махсар берсанг сайдайдир.
Савдогарнинг қизлари
Ақча берсанг қарайдир.

Оҳ, ёрим, тезроқ келинг,
Кўчаларда аста юринг.
Йўлингизда турарман,
Олмалик боқقا киринг!

Баланд тоққа чиқдим ман,
Йўл топиб тушарманми?
Сизинг учун куйдим ман,
Муродга етарманми?

¹ Хидингизга.

Булбул бўлиб сайрайман,
Ёримнинг гулзорида.
Мажнун бўлиб зорлайман,
Ёримнинг фигонида.

Бу кўча узун кўча,
У ёғига ўтманглар.
Қизини севганимни,
Онасиға айтманглар.

Осмондан олдим ойни,
Қўйнимга солай ёрни.
Олдида арзим айтиб,
Ҳолини сўрай ёрни.

Осмондан учиб ўтган,
Бир ёлғиз қора қарга.
Борсанглар салом денгләр,
Жоним Маърифатхонга.

Қўлтиқлашиб юрмоқлик,
Ёримнинг томошаси.
Бирпас суҳбат қурайлик,
Жонингни садофаси.

Булбул сайрамас бўлди,
Гуллар очилмас бўлди.
Душман сўзига кириб,
Ёрим қарамас бўлди.

Бораман демадингиз,
Ўйнашиб кулмадингиз.
Шартингиз қизил олма,
Тишлашиб емадингиз.

Бевафо экандирсиз,
Кўп жафо экандирсиз.
Айрилмасга сўз бериб,
Айрилган экандирсиз.

Бу оламга келиб топган,
Менинг меҳрибонимсан.
Сенга қилурман фифон,
Кўнгил армони жонимсан.

Боғингизга кирдим ман,
Шафтолизга тўйдим ман.
Қиё боқиб қарангиз,
Ўлар бўлсам ўлдим ман.

Боғингизга кирсам ман,
Шафтолингиз ажаб шоҳлик.
Ухлаб тушимда кўрсам,
Қора кўз тили тотлик.

Боғингдаги олмани,
Ҳамон ҳидласам, ёрим.
Мен гарив бечорани,
Сира хўрламанг, ёрим.

Бу ерлар ажаб ердир,
Ҳамон ҳайдасак лозим,
Боғ ичида ўлтирур,
Қора сочлик менинг ёрим.

Боғингга кириб кўрдим,
Олманг узгудай бўпти.
Шу қиз менинг севганим,
Олиб қочгудай бўпти.

Боққа кириб олма енг,
Боғнинг олмаси яхши.
Ёрга яхши сўзни денг,
Ёрнинг ваъдаси яхши.

Белингизга боғлайсиз,
Тумангизни солмайсиз.
Кўп оғир кунлар кўрдим,
Асли ҳолим сўрмайсиз.

Боғингда гулинг бўлсам,
Эшикда қулинг бўлсам.
Ҳеч армоним йўқ эди,
Ишқингда куйиб ўлсам.

Бугун кеча туш кўрсам.
Севган ёрим келибди.
Индамайдир сўзласам,
Нимадан кўнгли қолибди.

Булбул қўндирма боғингга,
Мени куйдирма доғингга,
Атлас кўйлак ярашур,
Сенинг ойдак жамолингга.

Эшигингдан чиқасан,
Сен ўзингни кўрсатиб.
Нега бундай қиласан
Мен ғарифни бўзлатиб.

У севганим, ёрим,
Суратинг келармикан.
Ёрга куйган юракнинг
Тозаси бўлармикан.

Бозордаги шойидан,
Сизга олиб бераман.
Қўйнимдаги ёримдан
Айрилганда ўламан.

Оқ отнинг қўйруғи,
Ёрга судралармикан.
Ўзимнинг ёрим бўлса,
Холимни сўрармикан.

Мен сафарларга чиқиб,
Отни миндим, қайрилдим.
Душман сўзига кириб,
Мен ёримдан айрилдим.

Ичмакка қимиз аччиқ,
Ичгандан кейин тотлиқ.
Оғзида новвот борми,
Қора кўз тили тотлиқ.

Эшигиде қизил гул,
От боғлайдир Набиқул.
Орқамдан ёмонлайди,
Мен ёримга номаъқул.

Қизил гул барги бўлай,
Доим олдингда турай.
Агар бевафо бўлсанг,
Ишқингда куйиб ўлай.

Уйдан айланиб чиқдим,
Рўпарада даҳлизга.
Мен ёримни бермайман,
Ўн беш ёшлик бир қизга.

Ўрмон ҳам тўқайзори,
Ўрдак билан тўла фози.
Менинг бу севған ёрим
Куйдирди уни нози.

Ўзим қарчигай бўлсам,
Илинтирсанг ўзингга.
Билагингга талпинсам,
Мени олсанг қўйнингга.

Тоққа чиқдим ародা,
Қайтиб тушдим пиёда.
Менинг севганим, ёрим,
Қизил гулдан зиёда.

Том тагида ўлтириб,
Том босдими, ёр сани?
Юзларинг сарғайибди,
Фам босдими, ёр сани?

Чекким келса чилимни,
Силаб қўяман ёрни,
Мени десанг сен, ёрим,
Савдо қиларман жонни.

Тўриқ отда қўриқ бор,
Оқ бўз отда қуйруқ бор.
Суяр бўлсанг яхши сев.
Мажнунлардан буйруқ бор.

Даричадан қарасам,
Ёрим тўлғаниб ётди.
Қайрилиб кетай десам,
Кўнглим ғамларга ботди.

Саҳарда сайраган булбул,
Кўнгил зеҳнини очди.
~~О~~ гулни,
~~О~~ севғига сочди.

Саҳарда сайраган булбул,
Худога нола айлайдир:
«Нодонга кўнгил берсанг,
Юрак-бағрингни доғлайдир».

Сайра, булбул, сайра,
Қизил гул шохи синснин.
Ёр айриламан дейди.
Айрилиб кўнгли тинсин.

Сенингдек нозик қиз,
Келмагандир оламга.
Ҳамма қизлардан ортиқ,
Суйган ёру жононга.

Суйган ёр тили тотлиқ,
Ажаб, кўнгли жуда қаттиқ.
Эшигидан чиқмайдир,
Мен келсам кеча отлиқ.

Суйган ёр қичик бошлиқ,
Ой юзлик, қора қошлиқ.
Эшикка чиқармайдир,
Ота-онаси бошлиқ.

Сариқ чечак сойда бор,
Сиздай ёрим қайда бор.
Сиздай ёрни севганда,
Кўнгилда нима ғам бор.

Дарё бўйи қамичлик,
Қамич ёнида ўрдак,
Мен сизга куйиб қолдим,
Ёрингиз борми бўлак.

Пичноқни солай десам,
Ёрим қўлимни тутди.
Икки қошини қоқиб,
Менинг кўнглимдан ўтди.

Дарвоза занжирини,
Йлиб қўйгали бўлмас,
Киши қўлида ёрим,
Олиб юргали бўлмас.

Мен бечорага жафо қилди,
Дилбаримдан жудо қилди,
Кўролмай адашимни,
Бир бошимга бало қилди.

Жон дўстим, жоним дўстим,
Кўргани келдинг ёнимга.
Ёр дарди мундоқ бўлса,
Даво топгил бу жонимга.

Жон ичидан жонон қиз,
Жонга ўтни ёқсан қиз.
Қора кўзли қалам қош,
Сочни узун ўрган қиз.

Тошкентингни йўлида,
Қамчидан ўтиш экан.
Бизни мунча куйдирган,
Қора қош хотин экан.

Чечак нимага ўсмайдир,
Кўм-кўк майса бўлмайдир.
Ёрим мендан араэдир,
Чарламасам келмайдир.

Чўллар ичидан кезсам,
Ёрим билан бир юрсам.
Тиззасига бош қўйиб,
Армоним йўқ жон берсам.

Чилон боққа кирмайман,
Чилон боғда илон бор.
Ёр ёнига бормайман,
Унинг бўлак ёри бор.

Ҳавода булут бормиди,
Қор, ёмғир ёғармиди?
Қиз учун жонлар бермоқ,
Шаъннингга равомиди?

Ҳасратим кўнгил ичра,
Ёримдан хабар келди.
Ширин сўзли қалам қош,
Қошлари камон келди.

Ҳаво тутилиб чиқди,
Кетидан қори борми?
Оламни кезиб келдим,
Сенингдек ёри борми.

Ҳижрон ханжарин солди,
Менинг жоним олғали,
Ёрим ёнимдан кетди,
Бошқа ёрга боргали.

Дутор чалиб ўлтирсам,
Ёрим келди ёнимга.
Ширин сўзини қилиб
Ўтни солди жонимга.

Дутор чалиб берай сизга,
Учириб келинг бизга.
Очилиб, сочилиб ташласангиз,
Ҳамма ҳайрон қолур сизга.

Дарё мундоғ оқарми,
Оқиб ерга тошарми.
Менинг қора кўз ёрим,
Мен билан доим яшарми.

Дардингни менга айтсанг,
Сенинг ҳолингга мен етсам.
Сендай севган ёримни,
Тошкентга бориб кўрсам.

Қизил гулим, қизил гулим,
Ажаб бевақт ҳазон бўлдинг.
Мени чўллар аро ташлаб,
Ўзинг йўлга равон бўлдинг.

Қошингнинг қаролиги,
Қўзингнинг зеболиги,
Жонга жафо қиласадир,
Ёримнинг балолиги.

Қарасам кўринмайдир.
Дарёда тиниқ тонгдир.
Менинг бўзлаганимни,
Суйган ёр қачон англар.

Кўзим учадир менинг,
Тошкентдан ёрим келур.
Ўзи келмаса ёрнинг,
Хуш хабар сўзи келур.

Қошнинг қораси сенда,
Ой юзингга мен банда.
Чақирганда келмайсан,
Юзи қаро шарманда.

Қошинг қорасин, ёрим,
Қора хатга ўхшатай.
Эрта оқшом келмасанг,
Бўйингни кимга ўхшатай.

Қибладан шамол турса,
Ёрим қандай юради.
Дўстдан кўп душмани бор,
Бунда қандай туради.

Қошингни қора, дейди,
Сочингни бало, дейди.
Агар ишқингда жон берсам,
Шаҳиди Карбало, дейди.

Ёрнинг ёнида боғдир,
Булбул қўниб сайрайдир.
Худо қўшган кўнгилни
Душман қандай айрадир.

Қора-қора қошлигим,
Узун-узун сочлигим.
Қора қошни деб юриб,
Қорда қолди ошлигим.

Қараб кўзларим толди,
Бир сўзингни бермайсан.
Нимадан кўнглинг қолди,
Чақирганда келмайсан.

Қошнинг қораси сизда,
Йигит кўнгил берур сизга.
Киши сўз бермаса бизга,
Емоллик қилмадим сизга.

Қошингиз қора экан,
Қўзингизга қуйдим ман.
Тилингиз тотлиқ экан,
Лабингиздан суйдим ман.

Қўш терак орасида,
Қўл берганингиз қани?
Ҳеч бир айримаймиз, деб,
Сўз берганингиз қани?

Қўлларида дастрўмол,
Ёр қўзида ёши бор.
Ёр кўнгли бўлак экан,
Кўнглида ҳам тоши бор.

Қизил олма гуллагандек,
Қизил гуллигим ёрим.
Оғзида новвот борми,
Ширин сўзлигим ёрим.

Эшигимни қоқдингиз,
Биздан нари ётдингиз.
Йўқмиди инсофингиз,
Зор-зор йиғлатдингиз.

Чумчуқлар чирқиллайди,
Бири боғда, бири тоғда,
Бизнинг қора кўз қайда —
Ўзи хоҳлаган жойда.

Булбул саҳар сайрайдир,
Модасидан айрилиб.
Қиз болалар йиғладайдир,
Суйганидан айрилиб.

Кеча уйқуда ётсам,
Оtingни қамчилаб ўтдинг.
Қарамасдан, сўзламасдан,
Юракка ўт солиб кетдинг.

Кошки кўрмагай әрдим,
Қўнгилни бермагай әрдим.
Сенга берган кўнгилни,
Танда асрагай әрдим.

Кетсанг кетавер, ёрим,
Кетсанг нима парвойим.
Бир бошим омон бўлса,
Ҳар ерда менинг ёрим.

Кўнгил бермасанг ёрга,
Ўқ тегмас экан жонга.
Кўнгилни қўйиб берсанг,
Юрак тўладир қонга.

Ёниб ўлмагай эрдим,
Куйиб кул бўлмагай эрдим.
Кўнгил бермасам эрдим,
Бунчалик бўлмагай эрдим.

Кўчат экдим кўп бўлди,
Бир қоронги боғ бўлди.
Ёрнинг берган ваъдаси,
Юрагимга доғ бўлди.

Кетиб борасан, ёрим,
Қачон келасан, ёрим,
Сенинг келмагинг мушкул,
Бир ўпиб қолай, ёрим.

Кечак бўлса ётмайман,
Эшигингдан ўтмайман.
Рост гапингни айт, ёрим,
Сенинг дардинг тортмайман.

Кет десанг ҳам кетмайман,
Кетма десанг ҳам кетмайман.
Орада икки қўниб.
Ёрим қошига етмайман.

Кичкина боғ гулзорлик,
Гулзор ичи булбуллик.
Кўнгил гули, эй қизлар,
Сизлар учун биз келдик.

Бой бобомнинг қизлари,
Сочи улсққа ўхшайдир.
Чақирсангиз келмайди,
Еғоч қулоққа ўхшайдир.

Кўринган қора тоғда,
Кеча-кундуз ёғди қор.
Айрилиб кетай десам,
Кичикликдан тутган ёр.

Юрак дук-дук урадир,
Ёғ олдига боргали.
Сўзи учун бораман,
Дардга дармон олгали.

Мен кирдим баққолликка,
Ип олдим чақаликка.
Менинг суйган ёримни,
Берди оқсоқолликка.

Мен энди бораманми,
Эшикда тураманми?
Чиқмас ёримни пойлаб,
Совуқда ўламанми.

Менинг ёрим чорлайди,
Борсам онаси сайрайди,
Боғнинг ичига кириб,
Менга пиқ-пиқ йиглайди.

Мен эдим сенинг билан,
Бўлмадинг менинг билан.
Сендей ёшга мен нодон,
Саргардон сенинг билан.

Менинг мақсадим булдир,
Сенинг олдингда жон берсам.
Оёғимда мадорим йўқ,
Бориб бошингдан ўргилсан.

Менинг ёрим ажаб доно,
Ажаб раъно, ажаб хушбўй,
Бу кечаси мен борай,
Даричангни очиб қўй.

Менинг ёрим сафар қилди,
Мени бунда ёрим йўқ.
Енар ўтга солиб кетди,
Қаримасга иложим йўқ.

Менинг дардимни сен тортган,
Сенинг дардингни мен тортгаň.
Кечалари тол чивиқдек,
Иккимиз чирмашиб ётган.

Мен сариқ, жоним сариқ,
Сарғайганимни ким билур.
Сарғайиб эшикда турсам,
Меҳрибон ёрим келур.

Мен бугун нима бўлдим,
Фамга мубтало бўлдим,
Бир кўриб жамолингни,
Ошиқи беқарор бўлдим.

Мени кўрган душманлар,
Бўлакларни кўрмайдир.
Душман сўзига кириб,
Ёрим мени сўймайдир.

Мен юраман тоққа,
Қамчи урдим отга.
Сен мени десанг, ёрим
Берма кўнглингни ётга.

Тошкентга кириб кузда,
Ётимман Қуло туэда.
Ёрим бўлди бойқушлар,
Қичқирди фироқизда.

Ёримнинг бўйи зебо,
Зебо бўйида гул бор.
Ширин сўзлари тотлиқ,
Ой юзида холи бор.

Ёрим ёнимга келса,
Бўйнимга қўлин солса.
Рўпарамда ўлтириб,
Роҳатланиб бир кулса.

Ер уйга келар бўлса,
Ёрим учун нима олай.
Жонимни харид қилиб,
Ёримни меҳмои қилай.

Ёрим боқقا борайлик,
Гулғунчалар терайлик.
Қизил гул очилибдир,
Булбул бўлиб сарайлик.

Ёр дардида билмайман,
Ўзимнинг йўқ-боримни.
Ёримдан билмасман,
Бир хабар оларимни.

Ёрнинг уйини тўзиб,
Боғда қизлар ўйнайди,
Қошини қоқиб қўйиб,
Ёрни қийнаб ўйнайди.

Ёр бўлса ярашгудек,
Душманлар қарашибгудек.
Ўзи уйқуда туриб,
Уйғониб кўз очгудек.

Ёр дарди ёмон экан,
Мен овора бўлмайман.
Борай десам йўл узоқ,
Софинсам кўролмайман.

Ёрим берган уч олма,
Учаласи қўйнимда.
Ухлаб чўчиб уйғонсам,
Ёрнинг қўли бўйнимда.

Юқоридан тушиб келдим,
Қора тогингдан ўйнаб.
Ёримга етарманми,
Чаман булбулидек сайдраб.

Юқоридан тушиб келдим,
Қўриқ сой йўли билан.
Ўйнасанг ўзинг ўйна,
Ҳар иш ҳам йўли билан.

Юқоридан тушиб желсам,
Икки бўрининг изи.
Кўиглимни олиб кетди,
Шу қашлоқнинг бир қизи.

Еримнинг заркокили,
Тушибди товонига.
Қизини ўпиб қўйиб,
Қолайми товонига.

Ерим бормаган тўйга,
Сўрамай боролмайман.
Еринг кўнгли кўп нозик,
Чой қўйиб ололмайман.

Емғир қаттиқ ёфмаса,
Уйдан ўтарми томчи.
Мен ёримни соғинсам,
Оёғим от, қўлим қамчи.

Ёр дейсан, етай дейсан,
Ёр қадрини билмайсан.
Ёр қадрини билганда,
Тонг саҳарлар йиғлайсан.

Ерим мени ўйлайди,
Борсам мени хўрлайди.
Хўрлаганча хўрласин,
Ёрдан кўнглим қолмайди.

Ерим берган уч олма,
Учиси уч бўлак экан.
Мақсадимга етмайман,
Бевафо дунё экан.

Ёр билан сарой солсам,
Гул билан минор қилсам.
Ёр кўнглига олмайди,
Ҳар қанча гуноҳ қилсам.

Ёр ҳужрасида ётиб,—
Деган сўзлари маъқул.
Ёр мени ёмонлайди,
Мен ёримга номаъқул.

Ерим келади сайраб,
Сунбул сочини тараб,
Мен эсимдан айрилдим,
Қора ҳўзига қараб.



Ёр бўлса тузук бўлса,
Қўлида узук бўлса.
Ўпсанг роҳат қиласан,
Икки юзи қизил бўлса.

Ёр эшигига туриб,
Бир жилва қилай дейди.
Ҳар хил қилиқни қилиб,
Кўнглимни олай дейди.

Ёр эшигига турсанг,
Мажнун бўлиб оҳ урсанг.
Ойдин кеча бўлганда,
Ёрнинг қўйнига борсанг.

Ёрнинг боғи бор экан,
Боғда анори бор экан,
Ёлғиз деб кўнгил берсам,
Бўлак ёри бор экан.

Ёр эшигидан ўтдим,
Олма шохини тутдим.
Сен уйингдан чиқмайсан,
Нола-фигон қилиб ўтдим.

Еримнинг қора сочи,
Иккига бўлгудек бўпти.
Шу дамда ўйин қилсам,
Қараб кулгудек бўпти.

Ёрнинг боғига кирсам,
Олма тугмадек бўпти.
Кичкинагина ёrim бор,
Қараб суйгудек бўпти.

Ёр эшигига туриб,
Бир жилва қиломайди.
Менинг борган вақтимда,
Уйида бўлолмайди.

Елбориб ҳар кун,
Ед этиб саҳар, тун.
Юрак-бағрим кабоб бўлди,
Бағримни қилибон хун.

Ер эшигига борсам,
Аччиқ қилиб қувлайди.
Мақсадига қарасам,
Айрилмоқни ўйлади.

Ерим менга боқмайди,
Имлаб қошини қоқмайди.
Кечакундуз оҳ урсам,
Бир қайрилиб боқмайди.

Енингдан кетолмайман,
Ишқ ўтини солгандек.
Хаёлим кетар ҳар ён,
Тариқлар сочилаандек.

Дарё бўйида толим,
Танлаб олдим толимни.
Ерим бевафо экан,
Сўрамайдир ҳолимни.

Юрагимни куйдирди,
Ишқ ўтида ўлдирди.
Ерим жуда нозикдир,
Мени жондан тўйдирди.

Оҳ ёрим, қилифинг ёмон,
Ишқилиб бўлгин омон.
Ишқ ўти менга тушди,
Дўзоҳ ўтидан ёмон.

Бошимни тошга урсам,
Тош бошимни ёргудек.
Ерим билан бош қўйисам,
Менинг бошим соғайгудек.

Гулмиди, ғунчамиди,
Ер сенинг бошингдаги.
Олмамиди, анормиди,
Ер сенинг қўксингдаги.

Тоққа чиқдим тол учун,
Оҳ урарман ёр учун.
Бир йил ўтида куйдим,
Бир фойдаси бор учун.

Ҳаводаги булутлар,
Ёмғир ёғиб ўтганмас,
Икки яхши бир бўлиб,
Муродига етганмас.

Лолахон дейму сизни,
Садарайҳон дейму сизни
Боғда битган олмадек,
Ўлтириб ейму сизни.

Ёрнинг мен торғмаган,
Жабру жафоси қолдими.
Бош уриб ҳам айланиб,
Кўрмаган кўчаси қолдими.

Ёрим умрим менинг,
Минг яшасам бир кунча йўқ.
Ишқ ўтининг олдида,
Дўзоҳ ўти учқунча йўқ.

Дилбарим, ойдек юзингга,
Бир жўра холинг бўлай,
Кеча ёнингда ётиб,
Кундуз гирифторинг бўлай.

Товланиб кўчага чиқсанг,
Ёнгинангда мен бўлай.
Ҳамманинг кўзи сенда,
Севган ёринг мен бўлай.

Қоп-қора хумор кўзинг,
Жоним фидо бўлсин сенга.
Жонидан кечган киши,
Ошно бўлсин сенга.

Мажнунтоллар ғилди,
Ёр әгилмайдир менга.
Келиб ҳолим сўрмайди,
Қандай кўнгил берай унга.

Эшик очиб қизга боқдим,
Қиз ой каби ўлтирур.
Юзлари ойдеккина,
Кўзлари ўйнаб турур.

Қош қораси бўлмаса,
Тошкент деган қанча йироқ.
Ақли ҳуши бўлмаса,
Ойдек қизлар бўлар йироқ.

Мен кетарман айрилиб,
Дарё сувидек лойланиб.
Мунча бағринг қаттиқдир,
Боқмадинг бир қайрилиб.

Бир китоб, икки китоб.
Ёр қўлидан бергәнми об.
Оlamда бормикан сира,
Менинг ёrimдай офтоб.

Сен қаёқдан келасан,
Чиройлигим, кўзи хумор.
Сенга кўзлар тегмасин,
Бўйнингга ос тилла тумор.

Сен мактабдан келасан,
Мен йигласам куласан.
Барча ишни биласан,
Сен меники бўласан.

Бугун хафалик етди,
Меҳрибон ёrim кетди.
Боққа борсам изи бор,
Менинг сабрим тамом битди.

Боғларни сайр этиб,
Қойил бўлдим боғингга.
Толеимнинг йўғидан
Елғончи бўлдим ёrimга.

Қора қошим бор менинг,
Учириб келарим бор менинг.
Қора қошим унда туриб,
Нима ишим мунда менинг.

Қошни қошга уласа,
Етарми қошинг мунда.
Инсоф ўзингга берсин,
Келар сув совуқ кунда.

Бевафо дунё буқун,
Унутар әкан ёрин.
Одам ҳарғиз унутмас,
Эскидан сўйган ёрин.

Қошингиз қаламдан қора,
Кипригингиз зеру забар.
Ўтингизда куяман,
Юрасиз сиз бехабар.

Мен қачон кўраман,
Лолаҳоннинг юзини,
Кўзгинамга суртаман,
Лолаҳоннинг изини.

Юқори томга чиқиб,
Олма отгандан ўргилай.
Тол чивиқдай тўлғаниб,
Турган бўйингдан ўргилай.

Атир иси берадир,
Боғдаги фунчаларинг.
Чин ваъдадаги ёрим
Охири айримадинг.

Ёр йироқда, биз фироқда,
Ваъдаси ёлғон бўлмасин.
Душманларим бирлашиб,
Йўлдан чиқарган бўлмасин.

Эшигингдан ўтаман,
Гулзордан гул тергали.
Гул теришим баҳона,
Ой юзингни кўргали.

Қошингизнинг қораси,
Майдонга тушди сояси.
Жуда узоқ бўлиб кетди,
Икки ёрнинг ораси.

Боқقا кирмоқ осондир,
Узум пишганда келинг.
Ёрни сўймоқ осондир,
Майли бўлганда келинг.

Гул эқдим, майса бўлди,
Шоҳ чиқарди ранг-баранг.
Ҳар кишининг ёри бўлса,
Кўзни очиб унга қаранг.

Оқ ойдин кечалар,
Оппоқ ойдин кечалар.
Гул биланрайхон буркайди,
Ёра юрган кўчалар.

Ойни осмонда десам,
Бу кўчада ой бор экан.
Ёрни мен чаққон десам,
Ёримдан чаққон бор экан.

Олма гули гул бўлмайди,
Қўлингга олсанг бир қучоқ.
Кишини ёри ёр бўлмайди,
Ўлгунингча жонга пичоқ.

Сен тирик дерсан мени,
Худди тирик ўлгандирман.
Тирик айрилган ёримнинг
Ўтида куйгандирман.

Ёримнинг қилган оҳини,
Тошкентдан тинглаб келдим.
Ёрга берган сўзимнинг
Охирин ўйлаб келдим.

Боқقا кирсам боқадир,
Булбул қанот қоқадир,
Лолаконга тасаддуқ,
Юракка ўт ёқадир.

Сенми ғариб, менми ғариб,
Чўлларда гиёни териб.
Икки йил умрим ўтди,
Лайли учун Мажнун бўлиб.

Ўлтириб йиглар эдим,
«Йиглама ёрим!» демади.
Қўлига рўмол олиб,
Кўз ёшларимни артмади.

Сой ичиди югуриб әдим,
Санчилиди оёғимга тикан.
Нима учун югурдим,
Ёр менга боқмас экан.

Боққа кирдим кечалаб,
Мен ёримни етаклаб.
Кичкина менинг ёрим,
Қизил юзи жон талаб.

Тоққа чиқдим тол учун,
Тўргай боласи бор учун.
Икки оёқни урдим,
Фойдаси йўқ ёр учун.

Кетди ёрим кўнгли қора,
Кетасанми демади.
Пиёлага чойни қуийиб,
Ичасанми, демади.

Енимда булбул қуши,
Ендириди ғамгин бўлиб.
Севганимнинг дардида,
Тунлар бўйи сарсон бўлиб.

Кечаси ойга қараб,
Айланур бошим менинг.
Ғам ичиди ёр келиб
Кўнглимни олур менинг.

Ҳавони туман босди,
Ойни кўргали бўлмас.
Кўнглимни гумон босди,
Ерни кўргали бўлмас.

Кеча бўлса ётмайди
Терак учида қарга.
Нега мунча йиғлайсан,
Вафо қилмаган ёрга.

Тоққа қараб тош отдим,
Чиройликка қош қоқдим.
Лолаҳон ухлаб қолса,
Дутор чалиб уйғотдим.

Ёрим тиккан дўпписи,
Шафтоли шохид қолди.
Чин сўзни беринг, жоним,
Кўнгил орада қолди.

Жоним бору жоним бор,
Зигирликда доним бор.
Лолаҳон деган қизни
Жоним бериб олгим бор.

Гуллар терасан ҳидлаб,
Гулзор ичидай иғлаб.
Үқиб юрган қизлардан,
Хотин оламан танлаб.

Уй битадир лой билан,
Сув оқадир сой билан.
Умрим ўтарми шундоқ,
Кўнгли қора ёр билан.

Зар дўппингиз бор десам,
Киймадингиз нимага.
Оқшом бўлса чиқ, десам,
Чиқмадингиз нимага.

Эшигим тиқиллайди,
Киринг десам қиқиллайди.
Ёримдан хабар келса,
Юрагим зирқиллайди.

Кетмакни хаёл айлаб,
Бог ичи билан йўл солдик.
Ёр билан тўла ўйнаб
Юракларга доғ солдик.

Ёрим кетди йироққа,
Ўтни солди юракка.
Ёримни излаб борсам,
Куйдирадир фироққа.

Чопонимнинг енги тор,
Энди қандоқ қиласман.
Мени куйдирган Лолаҳон,
Энди қандоқ юраман.

Гул очилиб қолипти,
Бориб кўрайлик тогни.
Севган ёр ўрта бўйлик,
Яшнатур гулу боғни.

Тогнинг боши тумансиз,
Кўриб қолиб қўймайсиз.
Қачонгача юраман,
Бир ваъдани бермайсиз.

Даста гулни даст кўтардим,
Шохи билан, барги билан.
Сен ҳали нодон экансан,
Мен Лолаҳон ёрим билан.

Қошинг қора бўлгунча,
Кўзинг қора бўлса-чи.
Менга ҳийла қилгунча,
Юзинг қора бўлса-чи.

Дард-алам келибдир,
Менинг бечора бошимга.
Сойда ўрдак сувадир,
Кўздан оққан ёшимга.

Отам Макка, онам Макка,
Туғилдим бир кун ўлмакка.
Оталардан мерос қолган,
Қора ерга кўмилмакка.

Отадек меҳрибон қайдा,
Онадек ғамгузор қайдा.
Бу ерларда сарсонман,
Улардек жонкуяр қайдा.

Отам бўлса ўлиб кетган,
Онам бўлса ўлиб кетган.
Қариндош бўлгани бирлан,
Кўнгиллар бўлинниб кетган.

Оқ саройинг бор экан,
Зар деворинг йўқ экан.
Ота-онанг бўлмаса,
Эътиборинг йўқ экан.

Мусофири шаҳрида юриб,
Фигон-фарёд уриб қолдим,
Дийдорини кўролмасдан,
Отамдан айрилиб қолдим.

Шу кўринган қора тогнинг
Сувлари оқар сойда.
Биз мунда ғарибликда,
Ота-онамиз қайдা.

Лочин деган қушларнинг
Уясида боласи бор.
Менингдек мусофирининг
Бу ерларда нимаси бор.

Мирзачўлнинг тепасида,
Жуп-жуп учади қушлар,
Ўйнаб ол тўйгунингча,
Ўлиб кетадир дўстлар.

Мен бунда бўларманми,
Балоларга қоларманми.
Кеча-кундуз жафо тортиб,
Ҳаловатлар кўрарманми.

Мен энди қандоқ қилай,
Ғамга қолган бошимни.
Кетай десам узоқ экан,
Софиндим адошимни.

Мен ўлсам отим ўчар,
Кўнгиллар армонда кетар.
Мени деган дўстларим,
Бошимдан йиғлаб ўтар.

Ғарибликда менинг кўнглим,
Менга бу ер макон бўлмас.
Ғарибликда ўлиб кетсан,
Ҳеч ким сизга тавон бермас.

Ғарид бўлдим, ғарид бўлдим,
Ғарид бўлганга йиғлайман.
Ғариблик шаҳрида юриб,
Адо бўлганга йиғлайман.

Дўст билан адошим йўқ,
Элга эътиборим йўқ.
Шу кўйда ўлиб кетсам,
Бошимда меҳрибоним йўқ.

Сен мени ёмон дейсан,
Билмайман ёмонликни.
Мен ўзим етим ўғиљ,
Тилайман омонликни.

Отам борми бу шаҳрингда,
Онам борми бу шаҳрингда.
Нима қиласай бу шаҳрингда,
Кетарман ўз маконимга.

Биродарлар хўш әнди,
Худойимга омонат.
Жону тан омон бўлса,
Кўришармиз саломат.

Отам сўрса, онам сўрса,
Гарифлик шаҳрида денглар.
Бир кўзи ёш, бир кўзи қон,
Қора ер қаърида денглар.

Ешим йигирмага етди,
Иягимга соқол битди.
Ёш кўнгил шу оламда,
Ким ҳам муродига етди.

Бир чархим бор шақилдоқ,
Қайнанам ўлсии қақилдоқ,
Офтоб чиқса бит қоқар,
Ўғли келса гап чақар.

Қарагай кесдим тоғда,
Сувлар оқади сойда.
Биз мунда қараб қолдик
Еру жўрамиз қайда.

Дарё мунча тошарми,
Узангидан ошарми,
Дарёдаги балиқлар
Ҳар тарафга шошарми.

Даладаги шўралар.
Оғимга ўралар.
Бизлар кетиб борамиз,
Яхши қолинг жўралар.

Мен борайин сой билан,
Ерим боқдан той билан.
Чўнтағида қанти бор,
Солиб ичинг чой билан.

Ерим чиқди әлакка,
Ўтлар солди юракка.
Қандай кўнгил чопади
Севганидан бўлакка.

Орқалиққа тол экиб,
Толи қолган бормикин.
Ўн бешида ёр олиб,
Ери қолган бормикин.

Туя ётар ўрнида,
Кўнгироғи бўйнида
Киз болани сўрасанг
Етмиш яшар қўйнида.

Бизнинг ўртоқ адига,
Сув опчиқсин кадига.
Кади боғи узилсан.
Келин бўлиб сузилсан.

Ака, ёрингни кўрдим,
Кўчада турган экан.
Эгилиб салом берсам
Тили йўқ ҳайвон экан.

Гул қистириб чиқмайсан,
Боғларингда гул йўқми?
Чиройингни очмайсан,
Кўнглингдаги ёр йўқми?

Терак барги қотмасин,
Шу кеча тонг отмасин,
Ёр чақирган кечаси
Кундошни уйғотмасин.

Отам кетди Тошкентга
Менга зебигардонга.
Зебигардон савлати,
Отагинам давлати.

* * *

Том бошида йўнғичқа.
Хой қиз, белинг ингичка,
Ингичка деб ғам еманг,
Энди кирдим ўн учга.

Яллама, ёрим, яллама
Яллолашайлик,
Бедодлашайлик,
Ариқ бўйи салқин экан
Ёнбошлашайлик!

Алдама ошнам, алдама,
Кетаман деб йиғлама,
Сувдан кўрпа, лойдан тўшак
Олиб бераман йиғлама.

Том устига том солган,
Устига болохона,
Ёр устига ёр олган
Жазоси қозихона.

* * *

Ёр дедим адо бўлдим,
Ғамга мубтало бўлдим.
Бир кўриб жамолингни
Ошиқи беқарор бўлдим.

Наманганга борманглар
Йўллар хатардир.
Ўриқ, олмасини
Пулга сотадир.

Ўриқ, олмасининг
Тагига борсам,
Илондек тўлғониб
Бир қиз ётадир:

Саҳарлари қичқирган
Чол хўроз яхши.
Ёр билан ўйнамоқقا
Наманган яхши.

* * *

Томга тариқ сочилган,
Хой бола, бола, омон ёр,
Оғзинг қурсин очилган
Жон ўлан ёр.

Том бошида беда бор.
Хой бола, бола, өмон ёр.
Майдасини элаб ол,
Зор ўлан ёр.

Орқалиқда толинг бор,
Қизга етар молинг бор.
Қизни олсанг танлаб ол
Йигитгина жонинг бор.

Оҳ мени шоҳим, ҳай-ҳай,
Сен мени шоҳим, ҳай-ҳай,
Кўзу қошингга дўлоним
Кел бери шоҳим, ҳай-ҳай.

Олма берсам олмайсан,
Беҳини берсам емайсан.
Қайси золим қизисан,
Алдаганга кўнмайсан.

Олмани отгим келадир,
Беҳини сотгим келадир.
Суйиб олган ёримга
Бир сўз айтгим келадир.

Ариқ бўйини ўйдим,
Қўлимга хина қўйдим.
Ёру жўрамдан кечиб,
Ёр сенга бино қўйдим.

* * *

Эшигинг олди солма,
Солмадан ўтиб сув олма,
Ҳар қўлингда тўққиз олма
Бизнинг ёрдан хабар борми?

Олмали боққа киринг,
Қизил олмалардан теринг,
Бир пиёла чойни олиб,
Газал айтиб бизга беринг!

* * *

Баҳрихон айтадики,
Қани менинг улфатларим,
Бир товоқ ош устида
Тортган мени қулфатларим.

Қош агар пайваста бўлса
Ўсмани гардон қилур.
Ёр агар нодон бўлса.
Ошиқни саргардон қилур.

Қош қоқаринг мен бўлай,
Киприк суваринг мен бўлай.
Ҳамманинг кўзи сенладир
Кўз туморинг мен бўлай.

Кичкинамда шўх эдим,
Муллога бердилар мени.
Аэроил келмай туриб,
Жонимни олдилар мени.

Толеим бўлса эди,
Ёнган чироқ ўчармиди.
Мен суянган тоғлар,
Ости билан кўчармиди.

Суйиб олган ёрингиз,
Ажаб муносиб ёр экан.
Қўлингизга сув қўймас,
Сурати ҳайвон экан.

Атлас кўйлак киймайман
Бижир-бижир гули бор.
Қиморбозга тегмайман
Кўкрагида жуни бор.

Эшик олди шосупа,
Шолар келиб ўйнасин.
Елғизгина ёримни
Шоҳимардон қўлласин.

Акбархоннинг кўк оти,
Кўкка қараб кишиайди.
Уни кўриб Турсуной,
Жиловидан ушлайди.

Бордим дарё кечгани,
Ўлтирдим сув ичгани.
Ёримдан келса хабар,
Қанотим йўқ учгани.

* * *

Ошқовоқни қайнатиб,
Чойнакка чойни дамлатиб,
Хушторларинг қон йиглатиб,
Энди қачон уйгонасан?
Дўст-дўст, яланг даврон.

Бир келиб, икки келиб
Вақтимни чоғ қилган қимор.
Чиккасига чув бериб,
Гўлахга ҳайдаган қимор.

Дўст-дўст, яланг даврон.
Наманганинг пилласи,
Ичидаги нимаси?
Қош устида дурраси,
Учиргани нимаси?

Дўст-дўст, яланг даврон.
Кўчада қатор толлар,
Ҳар шохida маржонлар.
Қиз олмаган йигитлар.
Ҳар кўчада сарсонлар.

Дўст-дўст, яланг даврон.

Юринг ўртоқ ўйнайлик,
Дарёларни бўйлайлик.
Балиқларга роз айтиб,
Бир худога йиглайлик.

Дўст-дўст, яланг даврон.

* * *

Бир ёрим бор аравакаш,
Оббермайди хонатлас.
Оббермаса хонатлас,
Яна битта аравакаш.

Иллило ёр, иллило.

Бир ёрим бор кўкнори,
Оббермайди кўк шойи.
Оббермаса кўк шойи,
Яна бошқа кўкнори.

Иллило ёр, иллило.

— Рўмолимни бер баққа,
Ҳазилингни қўй аққа.
Иллило ёр, иллило.

— Қачон кирдим қўйнингга
Қўйиб бергин бўйнимга.
Иллило ёр, иллило.

Ерим бекору бекор,
Ез бўлса гуллар экар.
Ўзи Қўқон кетганда,
Гулинин чумчуқ тўкар.

Ерим тўни беқасам,
Еқасига гул солсам.
Айтганимни олиб берса
Давлатида ўйнасан.

Чарх йигирсан пул бўлур,
Бошга даста гул бўлур,
Сендек-сендек йигитлар,
Эшигимга қул бўлур.

* * *

Қошингни қорасига
Хол бўлай орасига.
Асти раҳминг қелмайди
Бироннинг боласига.

Андижонга борай дедим, боролмадим,
Роҳатлар қилай дедим, қилолмадим.

От минсам ҳам ҳорийман,
Минмасам ҳам ҳорийман.
Суйиб олган ёримга
Минг боқсам ҳам тўймайман.

Бозор боши лой экан,
Бормасам бўлар экан.
Ўғлингиз ёмон экан,
Тегмасам бўлар экан.

Ёр ташлаб кетдинг мени,
Ҳардамхаёл этдинг мени.
Бўйларингни бир кўрсатиб
Кўрмакка зор этдинг мени.

Эшигингдан ўтар бўлдим,
Девонадан баттар бўлдим.
Сени истаб келиб, ёрим,
Яна кўрмай кетар бўлдим.

Худо урсин золимни,
Олиб қўйди ёримни.
Минг тиллога бермасдим,
Лабидаги холини.

Эшик олдида қўзи
Кўзининг қора кўзи.
Менгинани маст қилган
Ёримнинг ширин сўзи.

Қошинг асли қорадир,
Усма қўйганинг ёлғон.
Сенинг учун мен куйган,
Сенинг куйганинг ёлғон.

Кизил-қизил пиёзниңг
Пүсти тұла, ёр санам.
Үйланмаган йигитниңг
Дүсти тұла, ёр санам.

Қоши қора чиройлик,
Юринг уйға кирайлик,
Шамчироқни ёқайлик,
Қора қошни қоқайлик.

Ерим келадир яшнаб,
Зар кокилини ташлаб.
Хипча белини ушлаб,
Шакар лабини тишлаб.

Еринг бўлса шўх бўлса,
Юрса кўчалар тўлса,
Дўстинг кўриб суюнса,
Душманиңг куйиб ўлса.

Юрдим дарё кезига,
Учрадим ёр ўзига.
Уч кечаю уч кундуз
Тўймадим ёр сўзига.

Рўмолингиз кир экан,
Ювганингиз йўқ экан,
Мен сизга ошна бўлсам,
Билганингиз йўқ экан.

Чирманда чалолмайман
Қўлимни ололмайман.
Ёмон ёринг дастидан
Мажлисга¹ боролмайман.

Чилдирманиңг қасқони,
Банди борми осгани,
Ўйнасанг ўйнаб олгин,
Еринг борми тўсгани.

Дуторингни аста чал,
Нозик қўлинг толмасин.

¹ Киз тўйи маъносида.

Ошиқликни аста қил,
Ота-онанг билласин.

Оқ узум, оппоқ узум,
Сувга тушган қундузим.
Ой бориб, омон келгин,
Жоним садқа ёғизим.

Нашадан кайфим баланд,
Урушга борсам қайтаман.
Бўзахўрга гал бериб,
Кўкнорини чопаман.

Сув бўйида ўлтириб,
Сувни мунча лойлайсан?
Саллачангни дол қўйиб,
Юрагимни доғлайсан.

Ховлингда, терагингда,
Лочин бўлиб ўйнасанам,
Кўксингда, юрагингда,
Еринг бўлиб ўйнасанам.

Қизил гулинг қатма-қат,
Қиз ўстирганингга раҳмат.
Оздир, кўпдир мол берган
Куёв болангга раҳмат!

Олма пишганда келинг,
Тагига тушганда келинг.
Орқа сочим жамалак,
Белга тушганда келинг.

Асрар қизил гулингни,
Сақла қизил гулингни,
Баҳосига етмаса,
Узма қизил гулингни!

Том бошида турган қиз,
Сочини майдада ўрган қиз.
Жамалагин эшолмай,
Эшиб қўйинг деган қиз.

Омонми ё омонми,
Қопга тиққан сомонми.
Шунча йигит ичидა
Суйган ёрим ёмонми?

Сувлар шарқиллаб оқса,
Тегирмон нови дейман.
Ёримдан калтак есам
Пешонам шўри дейман.

Рўмолимнинг учини
Чифир десам чит экан.
Бизнинг ёрнинг кетгани
Елғон десам чин экан.

Оқ отингга кўк отим
Мингашиб келинг, ёрим.
Ўпай десам бўйим паст
Энгашиб келинг, ёрим.

Сув оқар гулдир-гулдир,
Суйганим қизил гулдир.
Суйганим келмай қолса,
Ўлганим ўшал кундир.

Сувни ёқалайди ғоз,
Мунча кўп ҳам қилманг ноз.
Мунча кўп ҳам қилсанг ноз,
Кўринасиз сарвиноз.

Бозорбошида писта,
Писта, майиз патнисда.
Айтворинг жон уста,
Бизнинг ёрлар олисда.

Бозорбошида узум,
Қарғашойида кўзим.
Шунисига ҳайронман
Ёрга ўтмайди сўзим.

Чинор шохида фанор,
Фанор лопиллаб ёнар.

Шу ёримнинг кўзлари
Фанордан равшан ёнар.

Бозорбоши тим бўлди,
Кесак отган ким бўлди,
Паранжига ўралиб
Имлаб ўтган ким бўлди.

Қизил гул ўймоқ-ўймоқ,
Ким экан ёрга тўймоқ,
Кайси номарднинг иши,
Қиз олиб жувон қўймоқ?!

Ол мани-я, ол мани,
Аравага сол мани.
Арава кўтармаса,
Жавобимни бер мани.

Боқقا бўстон соламан,
Соялаб ўтгин, ёrim,
Мен шаробинг totаман
Маст бўлиб ўтгин, ёrim.

Терак барги азоди,
Тол баргини ёзади.
Шу кўчанинг йигитин
Кўрсам қўнглим озади.

Тонг отару, тонг отар
Бағримдан совуқ ўтар.
Қиз олмаган йигитлар
Үйида қандоқ ётар.

Даладаги ғўзани
Қизлар қилди ягана,
Уйнаб юрган ёримни
Душман қилди бегона.

Ароғ ич-а, ароғ ич,
Оёғингда кўк ковуш.
Кўп йиғламанг, дадаси,
Ўзингиздан ўтган иш.

Том боши; беда боши,
Улфатим жўрабоши.
Оёғида гарч этик,
Юриши бозорбоши.

Болта урдим шотутга,
Мусофираман бу юртга.
Мусофириклар ўтди,
Юр кетайлик ўз юртга!

Бедапоянг бўш қолди,
Үртасида қўш қолди.
Келмайсанми, суйган ёр,
Шойи кўрпанг бўш қолди.

Сув оқади шайланиб,
Ичиди ўрдак айланиб,
Ёр чақирса борманглар
Ўлсин чарбог айланиб.

Тахта кўпприк битдими,
Шетдин¹ аскар ўтдими?
Аскарларнинг саломи
Ашхободга етдими?

Осмоннинг туманлари,
Йилқининг ғуонлари.
Сув десанг шарбат берар
Нанайнинг жувонлари.

Боғистоннинг қизлари
Олма, анор юзлари.
Сув десанг шарбат берар,
Боғистоннинг қизлари.

Тошкан йўли тош экан,
Ичканлари мөш экан.
Кечакетган Анорнинг
Икки кўзи ёш экан.

Тошкан йўли айлама,
Қовунлари тўллама.

¹ Шу ердан.

Кечакетган Анорни
Мусофири деб ўйлама.

Ерим ушлама мени,
Шаҳар тушиб чиқайин.
Қарғашойи чиққипти,
Сенга олиб чиқайин.

Араваси гупчакдор,
Бахмал камзул гажакдор,
Кечаги ваъда бир ваъда
Бугунгиси бўлакча.

Қошинг билан имлайсан,
Зулфинг билан товлайсан.
Қайси бойнинг қизисан
Улдирмоққа чоғлайсан.

Қошинг билан кўзинг шўх
Илоҳи ўлмагайсан.
Жаннатдаги ҳурларнинг
Бирори бўлмагайсан.

Саман от миниб сой кечдим,
Салқини менга тегмади.
Латта кимхоб тўн бичдим
Қийтиги менга тегмади.

* * *

Ҳой, менинг ёримсан,
Бўйнимда туморимсан.
Қоронги кечаларда
Ёниб турган чироғимсан.

Еш болалар ўйнайдир
Тол ёғочдан от қилиб.
Ошиқ йигит йиглайдир
Суйганини ёд қилиб.

Олманн отидим отганга,
Сим калавотда ётганга.

Ағиенгиз келмасин,
Биттагина ўпганга.

Олманинг оқига боқ,
Қайрилиб шохига боқ.
Отам сенга бермайдир.
Қайрилиб ёнингга боқ.

Оқдир билагим, оқдир,
Ердан толеим йўқдир.
Ердан толеим бўлса
Улсам армоним йўқдир.

Үсма қошни ўстирап,
Сурма кўзни суздирар.
Ўлим берсин упага
Совчиларни келтирап.

Чархимнинг бош парраси,
Чалмагининг сояси.
Бору йўққа кўнмайди
Бой акангнинг боласи.

Кавушим таги темир,
Юрсам кўчанг ўйилсин.
Маҳкамада суйганим,
Йиғлаб кўзинг ўйилсин.

Томга чиқиб ётайлик,
Сухсур келса отайлик,
У сухсурнинг патини
Суйган ёрга тақайлик.

* * *

Олма гулин тўкадир,
Юрсам акам сўкадир.
Кўп сўкмангиз, акажон,
Беш кун умрим ўтадир.

Айланаман, ёрларим,
Ўргиламан, ёрларим.
Кел деганда келмаган
Асқатмаган ёрларим.

Андижонда бир чинор,
Беклар отин қамчилар,
Ёр деган тилларингдан
Қанду новвот томчилар.

Том бошида беда бор,
Майдасини әлаб ол.
Соқолингда бурга бор,
Эркаламай гўрга бор.
Қизлар мажлис қилганда
Кампирларга нима бор.

Эшигингдан ўтволай,
Чилимимга дут олай.
Туянг борми, укаjon,
Карвон бўлиб етволай.

Ховузингнинг лабида
Пилла тортгим келади.
Қиз болани кўрганда
Олма отгим келади.

От бойладим ёнгоқقا,
Тобинг борми бўйдоқقا.
Тобинг бўлса бўйдоқقا,
Ўйнаб келгин бу ёқقا.

Аччиқ олма пишипти,
Торкўчага тушипти.
Торкўчангиз тор экан,
Йўлда базм бор экан,
Базмчининг қизлари
Шол кўйлакка зор экан.

Олов ёнсин ёғ билан,
Бағрим қуйсин доғ билан.
Ўйнамадим-кулмадим
Кўнглим суйган ёр билан.

Ёр келар сузуккина,
Қўлида узуккина.
Чорсида бир ёрим бор
Сендан ҳам тузуккина.

Чаманда гул очилди,
Чаккангга тақ, чаккангга.
Йўки кўзи хумори,
Ёрингга боқ, ёрингга.

Тутга чиқиб тут қоқдим,
Йигитларни есин деб.
Юпқа куйлакни кийдим
Оқ баданим кўрсинга деб.

* * *

Чаманда гул очилди,
Чаккангга тақ, чаккангга!

Тепкин-тепкин очилсан,
Юришингга гул сочилсан.
Сен менинг ёрим бўлсанг,
Кўриб баҳрим очилсан.

От миндим ола қашқа
Чоптирдим чағир тошга.
Борсанглар салом денглар
Бизнинг ёр қалам қошга.

Оташ кетаман, дейди,
Пойиз ётаман, дейди.
Ичига шалпар юклаб,
Андижон кетаман, дейди.

Олма-анорингга балли
Донаи холингга балли.

Терак бошида ҳакка,
Ярманка бизнинг пакка.
Тезроқ ҳайданг извошли,
Үрдада бўлай якка!

Терак экмай тол экинг,
Толнинг сояси яхши.
Жувон олмай қиз олинг,
Қизнинг қилиги яхши.

Тол кесганим йўқ эди,
Толдирдинг билагимни.
Ёр суйганим йўқ эди,
Ендиридинг юрагимни.

Тутга чиқиб тут едим,
Бир шохига тўймадим.
Ун беш яшар ёр олиб,
Дийдорига тўймадим.

Тегирмонинг бешпарра,
Мен чиқайин ошкора.
Имлакани билмайсан,
Қилиқларинг ёш бола.

Томга ёйдим тараша,
Бўйинг менга яраша.
Отанг менга бермаса
Эрта кўрсин томоша.

Ҳаводаги бўз тўрғай,
Сайрамасанг на бўлғай.
Ёлғизгина жонимни
Қийнамасанг на бўлғай.

Ой чиқса ойдин бўлур,
Кун чиқса кундуз бўлур.
Қиз боланинг қошлари
Телпакка қундуз бўлур.

* * *

Олмата деган жойнинг
Олмаси тўлар экан.
Гарифлик асар қилди
Келмасам бўлар экан.

Олма-анорингга балли,
Донайи холингга балли.
Гарифлик асар қилди,
Келмасам бўлар экан.

Қош остида қўзингиз,
Ошна бўлган ўзингиз,
Ошналикка ярамай,
Ташлаб кетган ўзингиз.

* * *

Бу тоғлар баланд тоғлар,
Фариб йўлини боғлар.
Фарибга фариб йиғлар
Биз фарибга ким йиғлар.

Омон, омон-о
Биз фарибга ким йиғлар?

Асакангнинг йўлида,
Илон кўрдим чўлида.
Минг жон бўлса берамиз
Суйган ёрнинг йўлида.

Олма оқиб келадир,
Беҳи қалқиб келадир.
Наманганинг қизлари
Кифтини қоқиб келадир.

Сой келди, сомон келди,
Сояси ёмон келди.
Урушга кетган йигитдан
Бизнинг ёр омон келди.

Ўқ оттим сойга тушди,
Сойдан сухсурлар учди.
Сухсур бўйлик ёргинам
Золим қўлига тушди.

Худо олсин золимни,
Олиб қўйди ёримни.
Минг тиллага бермасдим,
Лабидаги холини.

Тоғда барра қиёқдек,
Қошларингдан ўргилай.
Янги чиққан майсадек,
Мўйлабларингдан ўргилай.

Тоғдаги юрган кийикка
Мен нечук ვანжир солай.
Сен кишининг ёри бўлсанг,
Мен нечук қўнгил қўйай!..

Мен ўлай жума куни
Чиқсин жанозам чарх уриб.
Ҳовлиниң ўртасида.
Қолсин онам фарёд уриб.

Коса-коса сув ичарман,
Бу юрагим куйди деб.
Ҳар замон уйдан чиқарман,
Ёри жоним келди деб.

Ёшлигимда ўлмадим,
Биҳиштда жавлон урмадим.
Ҳовзи кавсар бўйида
Ҳурлар билан ўйнамадим.

Қашқарингнинг йўлида,
Турнақатор бўлди киши.
Бир чеким томокига,
Жонни сотар бўлди киши.

Бир чеким томокини
Ҳар жойга борсам топаман.
Бевафо ёр дардини
Ҳар жойга борсам айтаман.

Ўзи кетди савдога
Елғиз кишидек сарғайиб.
Ёр олиб ғам емагин,
Ғамсиз тўрамга бандаман.

Меҳрибоним кетди-ю,
Меҳри қўзимдан кетмади.
Меҳрибоним йўқ учун
Бирор мени ёд этмади.

Мен кетарман бош олиб,
Икки қўлимга тош олиб.
Меҳрибоним қолди деб
Икки қўзимга ёш олиб.

Мен ўлиб тупроқда ётсам,
Ҳар замон ўтгин, ёрхм!
Этагинг шамоли текса,
Оромлар олгай жоним.

Боққа кирсам боғ шамоли
Хайдаримни ёзади.
Уйга кирсам ғарип онам
Юрагимни ёзади.

Юрагим чойдишмиди,
Чойлар солиб қайнатасан.
Овозим булбулмиди,
Боққа кириб сайратасан.

Сув бўйида ўлтириб,
Сувни лойқатманг, тўрам,
Беқасам тўнни кийиб,
Юракни доғлатманг, тўрам.

Беқасам тўн ярашган,
Қоматингдан ўргилай.
Ёрим йўқ деб оҳ урган
Юраккинангдан ўргилай.

Қора қош, қайрилма қош,
Қошингга мағрур бўлмагин.
Барча давлат менда деб,
Давлат заволин кўрмагин.

Олманинг нозиклигидан
Кўринади донаси.
Барига шабнам тушибди.
Биз анинг девонаси.

Эшигингдан ўтаман
Гул кўтариб ҳам йўталиб.
Чин менга ошиқ эсанг,
Чиққин укангни кўтариб.

Қашқарингнинг йўлида
Йкки жувон келинг, деди.
Бошим оғрийди десам
Чойлар берай ичинг, деди.

Қоп-қорадир, қоп-қорадир,
Ёргинамнинг кўзлари.
Мавж урадир, мавж урадир,
Ёргинамнинг сўзлари.

Қош қораси бир бало,
Қоронғи бўлди бу ҳаво.
Барча дардга бор даво
Ошиқнинг дарди бедаво.

Қоп-қора қўй кўзлигим,
Жонлар фидо бўлсин сенга.
Жонидан тўйган йигитлар
Ошно бўлсин сенга.

Келди ёрим найлайин,
Бели ечилди бойлайин.
Ёрга ўрганган бу бош,
Елиз туролмас найлайин.

Оқ қофоздек ялтирайди
Янги ёр тутган киши.
Заъфарондек сарғаядир
Ердан айрилган киши.

Андижон кўринадир,
Пайванди жон кўринадир.
Киши ёри кишига,
Ширин забон кўринадир.

Олмали боқقا кириб
Шафтолини ерму киши.
Уз ёри уйда туриб,
Бегонани дерму киши.

Ой юзингга ойнаман,
Сунбул сочингга мен тароқ.
Хушласанг олдингдаман,
Хушламасанг кетай йироқ.

Олмали боқقا кириб
Олма шохин ирғитаман.
Энг баланд шохига чиқиб,
Янги ёр чорлатаман.

Янги ёрниңг бошига
Тилла жига ўрнатаман.
Эски ёрни кўчаларда
Зору зор йиғлатаман.

Тошга ёмғир кор қилурми,
Муттасил ёққан билан.
Давлатингиз кам бўлурму
Бир қиё боққан билан.

Қизил гулнинг равшани,
Айтоворинг ўшани.
Бир ёстиққа бош қўйиб
Билмайди андишани.

Сакрабон боғингга тушдим,
Бир қизил олманг учун.
Бир қизил олмангни уздим,
Сен қаландар ёр учун.

Дўст, ёргинам додимга ет,
Яна бевафо арзим эшиш.

Сакрабон томингга чиқдим
Қолди кафшимнинг изи.
Салом берсам алиқ олмас
Номусулмоннинг қизи.

Соч-да соч, дарёга соч,
Кел ман борай қўйнингни оч!
Сен агар жаллод эсанг
Бошимни кес, қоними соч!

Сим деган Фарғонага,
Бормай десам боргим келур,
Бу шароб аччиғ шароб
Ичмай десам ичгим келур.

Сим деган Фарғонаси
Юракларим қон айлади.
Беш қари бўздан чопон
Ёнбошларим зак бойлади.

* * *

Қошгинангга қўйибсан
Боғда битган ўсмани.
Мен худодан тилайман
Белгинаси тасмани.

Холларингдан, укажон, чиройлик!

Оқ бўз отим сой келди,
Сой ёқалаб ёр келди,
Қизил олма чечаги
Мағзи қизил ёр келди.

Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Алвон дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди.
Ота-онам бор эди
Нималарга зор эди.

Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Ариқ бўйини ўйдим,
Қўлимга хина қўйдим.
Ота-онамдан кечиб,
Ёр, сенга бино қўйдим.

Холларингдан, укажон, чиройлик!

Осмонда ой ботмасин,
Қиличда қон қотмасин.
Ёрим келган кечаси,
Сўфи азон айтмасин.

Бўйларингдан, укажон, чиройлик.

Бошингдаги дуррани
Косиб аканг тўқиган.
Овозингдан ўргилай,
Дутор чалиб ўқиган.

Холларингдан, укажон, чиройлик!

Эшик олди гул ҳовуз,
Гул тергани келганмиз.
Гулни баҳона қилиб,
Ёр кўргани келганмиз.
Холларингдан, укажон, чиройлик!

Эшик олди жуфт терак,
Жуфт теракка сув керак.
Қирчиллама йигитга
Ўйнашгани қиз керак.
Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Боғ айланиб чий тутдим
Келасан деб кўз тутдим.
Келмаслигинг эшитиб,
Коса-коса қон ютдим.
Холларингдан, укажон, чиройлик!

Анжандаги уч ўрдак
Уччаласи ҳам бирдак
Ўлтирган қора кўзлар
Очилиган қизил гулдак.
Холларингдан, укажон, чиройлик!

Олмани олиш деманглар,
Баргини болиш деманглар.
Кечакелган ёримни,
Бедана юриши деманглар.
Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Алвон олиб дорга сол,
Сочни ўриб белга сол.
Олган ёринг ёш экан,
Алдаб-сулдаб йўлга сол.
Холларингдан, укажон, чиройлик!

Олмани барги тахир,
Чой қилиб мени чақир.
Сен фақирга мен фақир
Қора кўзга ошно қил.
Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Отим оғнаб синдири
Қүшбошли әгаримни.
Сенга айтмасам бўлмас,
Ичимдаги дардимни.
Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Осмонга учар қушман,
Суяб олинг, беҳушман,
Асрасанг тоза асра,
Таги тоза кумушман.
Бўйларингдан, укажон, чиройлик!

Қошингнинг қорасига,
Хол бўлай орасига.
Асло раҳминг келмайди
Бироннинг боласига.
Холларингдан, укажон, чиройлик!

* * *

Отма мени тошлар билан, айланаман ёр-ай,
Ушиб кетай қушлар билан, ёрга майлым бор-ай.
Қушлар кетса, мен кетмайман, айланаман ёр-ай,
Кўзинг тўлсин ёшлар билан, ёрга майлым бор-ай.

Қошинг билан кўзингга, айланаман ёр-ай,
Ошиқ бўлдим ўзингга, ёрга майлым бор-ай.
Айтолмайман юзингга, айланаман ёр-ай,
Инсоф берсин ўзингга, ёрга майлым бор-ай.

* * *

Яллама ёрим, ялла, яллалашибайлик, дийдорлашибайлик,
Тўртта-бешта бир бўлиб ҳасратлашибайлик.
Қошинг қора хол битар,
Чарвоқчангга гул битар.
Чарвоғингнинг гулини
Сўраб борсам ким сотар.

Дод-а,вой қўнкавой,
Ҳар қадамингга сўлкавой.

Кўлимдаги узугим,
Чироқда ялтирайди.
Менинг битта ёрим бор
Иш деса қалтирайди

Оқ уйинг ёқилмасин,
Вассаси чопилмасин.
Менинг ёрим сен бўлсанг,
Нусхангдан топилмасин.

Оқ шойидан кўйлагим,
Кўринади билагим.
Менинг ёрим сен бўлсанг,
Қон бўлади юрагим.

Аравакаш бўлинг, ёрим,
Кирақаш бўлинг, ёрим,
Чиройликни кўрганда
Қийшаймай ўлинг, ёрим!

Кели гурунч олманглар,
Ичидা оласи бор.
Хотинликка тегманглар,
Уч-тўртта боласи бор.

Ёрим кетаман деб
Тўлиб ўлтирманг.
Райҳоннинг баргидай
Сўлиб ўлтирманг!

Қуралай кўзларингдан
Тўксанг ёшингни,
Оламан-кетаман
Шўрлик бошимни.

Олма билан бир урсам,
Қайрилиб боқди.
Чимматини кўтариб
Қошини қоқди.

Ҳовлингизда бодом бор,
Аста киринг одам бор.
Одам бўлса нетади,
Ўз йўлича кетади.

Ироқи дўппи тикманглар,
Ироқقا кетар йигитлар,

Бодом дўппи тикинглар,
Богда юрсин йигитлар.

Самарқанд сойида
Қошиқ ювганмиз.
Қошиқ ювган жойларда
Ошиқ бўлганмиз.

Чилдирманг чизилипти,
Занжири узилипти.
Сайра чилдирма, сайра,
Ёр кўнгли бузилипти.

Оқшомликка борайми,
Дарвозангда турайми?
Сен уйингда ётасан,
Мен совуқда ўлайми?

Жимжима дарё кўйлагинг,
Менга қараб ўйнагин.
Мен зеҳнингга ёқмасам,
Ерга қараб ўйнагин.

Боғингга кирай десам,
Тикандан қўраси бор.
Ёр билан ўйнай десам,
Олдида онаси бор.

Атлас кўйлак басма-бас,
Шойи кўйлак ранги паст.
Ёри қурғур беҳавас,
Кўрмадим орзу-ҳавас.

Ўчирма чироғингни,
Ушлама білагимни.
Ушласанг билагимни,
Куйдирма юрагимни.

* * *

Чўли биёбон
Чиннидан айвон,
Чинни айвон ичидা.
Йигитлар ҳайрон.

* * *

Боққа ўргатманг мени,
Нокка ўргатманг мени,
Ойда-йилда бир келиб
Ёмон ўргатманг мени.

Шолипоя марзаси,
Шол кўйлакнинг тозаси,
Тозасини олмаса,
Бирга ётманг жаззаси.

Кўчадан ўтманг, ёрим,
Бизнинг эшикда йўллар бор.
Намойишга очилган,
Бизнинг бодга гуллар бор.

Суйган ёр қизил гулдек,
Биз ишқида булбулдек.
Бир қиё боққанда жоним,
Биз эшигида қулдек.

Сув бўлса тиниқ бўлса,
Оқса ариқлар тўлса.
Ошиқ билан маъшуқа
Ен қўшни — яқин бўлса.

* * *

Пиёла рангига боқсам,
Менинг рангимга ўхшайди.
Ичидаги қаро чойи,
Юрак додимга ўхшайди.

Ўлимнинг әлчиси келди,
Қочайлик бофу бўстонга.
Қочган бирла қутулмасмиз,
Томоша қил, гўристонга.

Дарахтсиз ҳовлига кириб
Бошимдан офтоб ўтди.
Бўйингдан ўргилай, ёрим,
Сенинг қадринг ёмон ўтди.

Қошингнинг ханжари тегди,
Йиқилдим, чиқмади жоним.
Сенинг олдингда жон берсам,
Юракда қолмас армоним.

Наво дерлар, наво дерлар,
Навони бенаво дерлар.
Маҳаллангдан ўтиб борсам,
Танимасдан гадо дерлар.

Манам девонайи машраб,
Жаҳон бирла ишим борми?
Кўнгилни сенга бой бердим,
Менинг ақлу ҳушим борми?

Отаси ўлмаган ким бор,
Онаси ўлмаган ким бор?
Ўзининг юртидан чиқиб,
Мусофири бўлмаган ким бор.

Кизил гул тагида ширчой,
Ичиб хуморлар бўлдим,
Сенинг гулдек жамолингга
Ажаб девоналар бўлдим.

Кизил гул ғунча-ғунча,
Юракда дард-ғам анча.
Келиб ёнимда ўлтиргин,
Кизил гуллар очилгунча!

Кизил гул илдизиидурман,
Ёқангнинг қундузиидурман,
Мени кўп хўрлама, ёрим,
Бироннинг ёлғизидурман.

Қўқон йўли туман бўлди,
Поездга бир бало бўлди.
Келар ёрим келмас бўлди
Юрагим қон билан тўлди.

Намозшом бўлди, шом бўлди,
Кўзим йўлингда зор бўлди.
Келар бўлсанг, тезроқ келгин,
Юрагим тўла қон бўлди.

Гулим кетди, гулим кетди,
Қўлимдан булбулим кетди.
Мени ғамхонага ташлаб,
Ўзи сайру чаман кетди.

Қора отлик, қора тўнлик,
Мени кўргани келдингми?
Очилган лолазоримни,
Ҳазон ургани келдингми?

Отам нодон, онам нодон,
Сени менга соя қилган.
Ўзи шундай ўта кўйсин,
Ўртамизда кафил турган.

Отанг чақирдими каклик,
Онанг чақирдими каклик?
Қафаснинг қадрини билмай,
Учиб кетган нодон каклик.

Отам билан онам мени,
Машаққатлар билан боққан.
Азиз бошим ниёз айлаб,
Мозорларга чироқ ёққан.

Қизарив чиқсанг уйингдан,
Аканг айлансин бўйингдан.
Маҳаллангнинг бари хуштор,
Ўзингни феъли хўйингдан.

Қизарив тўнга сифмайман,
Магар кўрсам жамолингни.
Жаҳон-оламга бермасман,
Сени бир жўра холингни.

Мени ўлсин деган ўлсин,
Балога мубтало бўлсин.
Қўлига косасин ушлаб,
Кўчаларда гадо бўлсин.

Ҳаводаги булат бўлсам,
Учар қушлар билан юрсам.
Худо раҳматига олар,
Ўшал ёримни бир кўрсам.

Қора қошга тагдўз дўппи,
Ажаб гул-гул ярашибдири.
Сенингдек бекни кўрганда
Юрак-бағрим туташибдири.

Қошингни кўп қаро қилма,
Ука, менга залолинг бор.
Залол бўлса менга бўлсин,
Сенинг ўзга хаёлинг бор.

Отма мени тошлар билан, ҳай ёр-ёр, ёр,
Учид кетай қушлар билан, ҳай ёр-ёр, ёр.
Сен кетсанг мен кетмайман, ҳай ёр-ёр, ёр-а,
Кўзинг тўлсин ёшлар билан, ҳай ёр-ёр, ёр.

Қўй келади қўзи билан, ҳай ёр-ёр, ёр,
Бир-бирининг изи билан, эй ёр-ёр, ёр.
Бир-бирининг изини кўр, эй ёр-ёр, ёр-а,
Ҳамсоянинг қизини кўр, ҳай ёр-ёр, ёр..

* * *

Қизил гулни узмай қўйса сўлимас,
Шаҳрингизда мусофирилар юrimas,
Шаҳрингизнинг қизиқ расми бор экан,
Қўлда рўмол, кўзда ёши қуримас.

Борайми, бормайми бойлар боғига.
Кокилингдан бергин тумор боғига.
Тумор қилиб тақай бўйнигинамга,
Еринг бўлиб кирай қўйнигинангга.

Гулни кесдим, ҳужра солдим ўзимга,
Ёрим бўлсанг қулоқ согин сўзимга.
Қоронғидир кўринмайсиз кўзимга,
Яна қайтиб ялинасиз ўзимга.

Қизил гул қатма-қат гул арғувони,
Қизил гуллар эрур ошиқнинг қони.
Қизил гул тагига борсам кўрафман,
Сени жону дилим бирла севарман.

Қошингнинг қароси оламга машҳур,
Қизил олма берай қўйнингга ёшур.
Менинг берган олмам қўйнингда турсин,
Менга берган ваъданг ёдингда турсин.

Дарё мунча тошарми,
Узангидан ошарми,
Дарёдаги балиқлар,
Ҳар тарафга қочарми?

Тол кесдим хода бўлди,
Маржоним шода бўлди,
Энди рухсат беринглар,
Ашуласадо бўлди.

Даладаги шўралар,
Оёғимга ўралар.
Бизлар кетиб борамиз,
Яхши қолинг жўралар.

Ой чиқади даладан,
Қамчи софи лоладан.
Яхши-яхши болалар,
Чиқар мактабхонадан.

Оқсув юзли қалам қош
Чиқма, ёрим, яланг бош.
Кий ковушингни йўргалаб,
Ўйнашайлик икки ёш.

* * *

Юринг ўртоқ далага,
Қўйнимиз тўлсин лолага.
Тўлса тўлсин лолага,
Биз қолмайлик балога.

Тегиғмоннинг тошиман,
Қиз болалар бошиман.

Отам мени ўқитса
Қирқ йигитнинг бошиман.

Усма экилмасмиди,
Таги чопилмасмиди.
Эсизгина Пошхаон,
Тенгинг топилмасмиди.

Усма экдим, ўт босди.
Барги Қўқонни босди.
Чиқмай ўлгур чочпопик,
Йигитларни ғам босди.

Қошинг қорами, қундуз?
Кеча борайми, кундуз?
Кеча борсам аломат,
Кундуз борсам қиёмат.

Қизил гул бўлдим, сўлдим,
Ёр қўлида мис товоқ.
Ёр сени ўйлай-ўйлай,
Ғамга мубтало бўлдим.

Қизил гулинг ҳам савақ
Ёр қўлига мис товоқ.
Мис товоқ деб ёш олсам,
Ўйнасин бодом қовоқ.

Қошинг қора пайваста,
Сен баландда, мен пастда.
Иккаламиз ўйнайлик,
То ўлгунча ҳавасда.

Қарағай кесиб қўйдим,
Қуриса қаларман деб.
Шу ёрни танлаб қўйдим,
Буюрса оларман деб.

Қошинг Қашқар қамиши,
Тишинг заргар кумуши,
Бизнинг ёрни емиши,
Катта боғнинг кишмиши.

Ака, отинг уч яшар,
Урама жуллар ярашар.
Сендек оппоқ йигитга,
Биздек қаллиқ ярашар.

Қизил гул ҳавур-ҳавур,
Ү ҳам беш кунлик давур.
Үйнагани қўймайди,
Ери қурсин бесавур.

Қалдиғоч қаро бўлур,
Қаноти ола бўлур.
Ёшлиқда берган кўнгил
Айримас бало бўлур.

Қизил гул тарам-тарам,
Давлатим отам, онам.
Ёр деган кўнгил ҳуши,
Топилмас ота-онам.

Қошим қароси ўсма,
Номаҳрам йўлим тўсма.
Номаҳрам йўлим тўссанг,
Қошдан кетади ўсма.

Қошинг қаро деманглар,
Ўсма қўйиб келганман.
Ёринг ёмон деманглар,
Ўзим танлаб текканман.

* * *

Ман бодингга бормайман,
Анорингга тегмайман.
Энди ақлим кирипти,
Нодон билан юрмайман.

Оқ олма, қизил олма,
Олмага назар солма.
Отам сенга бермайди,
Ўз билганингдан қолма.

Сой ичида сандалча,
Сув уларнинг тахтидир.

Боши тўла заркокил,
Суйганининг бахтидир.

Мен борай кўча билан,
Теракзор ичи билан.
Йигит қўли боғлансин,
Қизларнинг сочи билан.

Ака, отинг саманми,
Юклаганинг сомонми?
Узоқ йўлдан келибсан,
Ёру жўранг омонми?

Сухсур деган қуш бўлар,
Тортсам пати бўш бўлар.
Ёр олдига борганда,
Йигит кўнгли хуш бўлар.

Сув оқар тош устида,
Саллачанг қош устида.
Суйганим әсга тушса,
Йиглайман ош устида.

Ёрим қайга борарлар,
Қоши қўзини сузиб.
Кимнинг ёри бўларлар,
Бизнинг кўнгилни бузиб.

Вагон келади шошиб,
Ичига фанор осиб.
Ичидаги бизнинг ёр,
Чинни пиёла чертиб.

* * *

Ғўзапоя ўтини,
Аччиқ экан тутуни.
Ҳеч бандага солмасин,
Хушторликнинг ўтини.
Дўст-дўст, хушторликнинг ўтини.

Сандиқ тўла сариқ гул,
Тақсам адо бўлмайди.

Суйган ёрнинг дардини,
Айтсам адо бўлмайди.
Дўст-дўст, айтсам адо бўлмайди.

Гул юбордим, гул юбордим,
Гул юбормасга салом.
Узини шаҳзода айлаб,
Кўзга илмасга салом.
Дўст-дўст, кўзга илмасга салом.

Кўзга илмасанг мени,
Кўзингдан ўргилай сени.
Чориёри босафо,
Оллога топширдим сени.
Дўст-дўст, оллога топширдим сени.

Гул дебон севдим сени,
Гулдан баттар қилдинг мени.
Энди севмайман сени
Йўлингга зор этдинг мени.
Дўст-дўст, йўлингга зор этдинг мени.

Гулнор гулнор эмасми,
Орқаси майдон эмасми.
Ер қадрдон бўлмаса,
Кўнглинг вайрон эмасми.
Дўст-дўст, кўнглинг вайрон эмасми?

Эшик олди қайрагоч,
Болта урсам теги тош.
Бир ёстиқда икки бош,
Иккаласи қалам қош.
Дўст-дўст, иккаласи қалам қош.

Эшигингдан ўтаман,
Тўғрисига йўл солиб.
Мен ёнингда ётаман,
Анорингга қўл солиб.
Дўст-дўст, анорингга қўл солиб.

Сой ичида саксон тош,
Сойдин ўтолмай қолдим.

Ойшахонга ишониб,
Хотин ололмай қолдим.
Дўст-дўст, хотин ололмай қолдим.

Сой ичидা арава,
Соявони бормикин.
Соявоннинг ичидা
Соҳибжамол бормикин.
Дўст-дўст, соҳибжамол бормикин.

Гул дебон севдим сени,
Гулдан баттар қилдинг мени.
Энди суймасман сени,
Ахир адо қилдинг мени.
Дўст-дўст, ахир адо қилдинг мени.

Гулни гул дерму киши,
Гулни тикони бўлмаса.
Ёрни ёр дерму киши.
Ёрнинг вафоси бўлмаса.
Дўст-дўст, ёрнинг вафоси бўлмаса.

Ойнаворлик уй ичидা
Уйнашайлик иккимиз.
Янги чиққан чирмовиқдек
Чирмашайлик иккимиз.

Эй ука, дардим ёмон,
Бошимни олиб кетаман.
Ҳамма ёр сендеқ бўлса,
Дунёдан ёрсиз ўтаман.

Гулни уздим, хумга солдим,
Нам эканини билмадим.
Бошида чақмоқи телпак
Кал эканини билмадим.

Ошна бўлдим тутилдим,
Тўтининг занжирига.
Ҳеч илож тополмадим,
Парвардигор тақдирига.

Гули сафсарни қўринг,
Сувга қараб қайриладир.

Бевафо ёрни кўринг,
Ўлмай туриб айриладир.

Ариқ лабида юлгин,
Сен менинг ёрим бўлгин.
Сен менинг ёрим бўлсанг,
Дунё тургунча тургин.

Ариқ тўла сув оқар,
Сув тагида қум оқар.
Сийганим ташлаб кетса,
Менга кулиб ким боқар.

Олмани отдим теракка,
Қайтиб тушди юракка.
Бориб айтинг дўхтурга,
Малҳам қўйисин юракка.

Бөғ айланиб шафтоли,
Учган кимнинг капитари.
Айтсам адo бўлмайди,
Вафосизнинг дафтари.

* * *

Жувори экдим кечки,
Енидан қилди бачки.
Ёргинам эсон келса
Бегижон укам ёрларим
Беҳол укам ёрларим.
Ҳар мозорга беш эчки.

Ғўзапоя шалқироқ,
Мен ёримга шол белбоғ.
Шол белбоғинг бўлмаса,
Ўзим бўлай шамчироқ.

Сув келар гулдур-гулдур,
Сийганим қизил гулдир.
Сийганим топилмаса,
Ўлганим ўшал кундир.

Сув айланиб оқмайди,
Ёр қайрилиб боқмайди.
Ёр қайрилиб боққанда,
Бир қилиги ёқмайди.

Олма гули нопармон,
Излаб сени топарман.
Излаб сени топганды,
Үнг бетингдан ўпарман.

Олма гули гул әмас,
Тақсам чаккамда турмас.
Ўзганинг ёри ёр бўлмас.
Бирпас ёнингда турмас.

* * *

- Эшигингда нелар бор,
Чаманнорингдин.
- Ўрдак билан ғозлар бор,
Бўйлорингдин.
- Ўрдак ўлиб ғоз қолсин,
Чаманнорингдин.
- Душман ўлиб, дўст қолсин,
Бўйлорингдин.
- Шогузарда уйинг бор,
Чаманнорингдин.
- Ўртасида гули бор,
Бўйлорингдин.
- Ез бўлса сайрайдиган,
Чаманнорингдин.
- Бақадан булбули бор,
Бўйлорингдин.
- Чигир-чигир қалдироҷоч,
Чаманнорингдин.
- Чигирламай бола оч,
Бўйлорингдин.
- Кечаси бораҳ бўлдим,
Чаманнорингдин.
- Гижирлатмай эшик оч,
Бўйлорингдин.

* * *

Қарғалар учса қарайлик,
Марғилоннинг йўлига.
Ҳиди келса маст бўлайлик,
Ҳандалакнинг бўйига.

Ҳандалак бўйликкинам,
Сиз унда зор, биз бунда зор.
Иккаламиз тўти қушнинг
Боласидай интизор.

Интизорлик торта-торта
Танда тоқат қолмади.
Йўлчибиндек саргайиб
Учарга ҳолат қолмади.

Йўлчибиннинг ҳолини
Юрган йўловчидан сўранг.
Биз фақир бечорани
Ақли расо ёрдан сўранг.

Мен ғарибнинг ҳолини,
Ақли расо ёр билмаса.
Кўз ёши дарё бўлиб,
Оққан балиқлардан сўранг.

Гул бўлиб, булбул бўлиб,
Сайраб шохингга қўймадим.
Абришимдек эшилиб,
Шакар лабингдан сўрмадим.

Ёнгинангга ҳужра солиб,
Дийдоргинангга тўймадим.
Ўлсам армонда кетарман,
Юзни-юзингга қўймадим.

* * *

Ерим, ёшман, ёмон йўлга бошлама,
Кокилимдан ушлаб чоҳга ташлама.
Кокилимдан ушлаб чоҳга ташласанг,
Номаҳрамсан, билагимдан ушлама.
Ажаб ёрларим.

Ака, баландингга чиққим келадир,
Тиззанга бош қўйсам уйқум келадир.
Уйқумнинг келгани айни номозшом,
Номозшом бўлмайин кўнглим паришону
Ажаб ёрларим.

Мен ҳам ёrim бор деб юрган эканман,
Ёrim ўйнар экан билмас эканман.
Жабру жафоларни ўзимга олиб,
Ташлаб кетарини билмас эканман.

Ажаб ёрларим.

Ака, сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди.
Бориб айтинг отамминан, онамга
Мусулмоннинг қизи золимга тушди.

Ажаб ёрларим.

* * *

Ховлиchanгда гул кўрдим,
Шохида булбул кўрдим.
Ҳеч кўрмаган ёrimни,
Ухлаб тушимда кўрдим.

Эшик олди Ойдинкўл,
Ойна солсан ботмайди.
Мен ёrimни соғиндим,
Хат юборсан қайтмайди.

Суйиб олган ёrimни
Сунбул дарди бор әмиш.
Обтобадан сув ичолмай,
Кунда дарди бор әмиш.

* * *

Дарёning нарёғида аттор бувам,
Оқ ипак, сариқ ипак сотар бувам,
Оқ ипак, сариқ ипакнинг ториман,
Андижон кетган йигитнинг ёrimан.

Беқасам тўн ичида,
Нимча баҳмал бўйи бор.
Бу сўзи орқасидан,
Бир пиёла чойи бор.

Эшигингда калавот,
Кўрпачани солиб ёт.
Отам сенга бермайди,
Кечалари йиглаб ёт.

Тоғдан келар тўрт отли,
Тўрттави ҳам бўз отли.
Бўз отлининг ицида,
Менинг ёрим сумбатли.

Толга чиқдим тол учун,
Чумчук бола бор учун
Томдан ўзим ташладим,
Қоши қора ёр учун.

Қошинг қора тўтидай,
Саксовулнинг ўтидай.
Иккаламиз ўйнайлик,
Далада ўсган қўзидаи.

Рўмолим бөр мушкили
Ўйнашмоққа ишқим бор.
Ўйнашмоққа қўймайди,
Орамиэда душман бор.

* * *

Дутор чалиб ўлтирсам,
Хаёлимга сен келдинг.
Арзинг бўлса менга айт,
Софинганингни билдири.
Жон укажон, укажон,
Софинганингни билдири.

Дутор чалиб ўлтирсам,
Тори узилиб кетди.
Хаёлимга сен келгач,
Кўнглим бузилиб кетди.

Дўппи тикким келади,
Ўзим кийгим келади.
Рўпарамда ўлтирганга
Тегиб олгим келади.

Дўйпи тикдим тўқ сариқ,
Ака, бошизга лойиқ,
Худойим тақдир қилса,
Бўйиз бўйимга лойиқ.

Эшик олди зардевор
Зардеворнинг гарди бор.
Ошибидан қолипти,
Ичи тўла дарди бор.

* * *

Оқти, оқти, оқти,
Аминахон оқти,
Ҳасан-Ҳусанлар билан
Сойларга ботти.

Уни кўриб онаси
Билагидан тортди.
«Тортманг, онажон, тортманг»,
Деб сойга оқди.

Аминанинг кавушини
Сойлардан топди.
Қилган саёҳатлари
Қон бўлиб оқти.

Гишт кўприкнинг тагида
Уч кунча ётти.
Чилвир-чилвир соchlари
Балчиққа ботди.

Ялли, ялли, ялли,
Яллининг боши.
Аминахоннинг ёнига ботган
Сойларнинг тоши.

* * *

Ман бўлмишам эй дода, санга ҳамдам,
Гул юзингга, ёрей, тушади шабнам.
Гул юзингга, додей, тушса шабнам, айланай,
Дона-дона хол бўлсин, ёр-е, душман ўлсинвой
жон-е.

Аскарлар келаро раста-растада
Ярми балатта-ё, дода, ярми паста.

Бўз отга урманг нўхта,
Газот куни минманг ахта.
Кишинаб қолар майдон ичра.

Бир отим бор жийрон қашқа
Сакрай билмас тогу тошга
Ҳар кимнинг ёри бошқа
Ўшай олмас қалам қошга.
Қўшиғимиз адош бўлди,
Энди сиз бошланг бўлак-бошқа.

* * *

Саидаҳмад томинг баланд,
Томингдан номинг баланд.
Йигитларга қўл қўйган
Падарингга минг лаънат!¹

Ўзини ўзи чоғлаган,
Белини маҳкам бойлаган
Ночор кетган йигитлар.
Бахмал пўстин оғир деб,
Отга солган Саидаҳмад.
Йигитларни ёмон деб,
Хатга солган Саидаҳмад.

Сув ичиға чўп тушди,
Йигитлар хатга тушди.
Онасини йиғлатиб,
Йигитлар йўлга тушди.

Оқ олма оқиб келди,
Йигитларни есин деб.
Оқ подшодан хат келди,
Талабкори келсин деб.

Поез² қараб келиши,

¹ Марғилонда мардикор олганда айтилган.

² Поез — поезд.

Йигитларнинг кетиши,
Янги мингбоши бўлиши
Мавлонбойнинг ўлиши.

Сандиқ устида бўхча,
Йигитлар гули ғунча.
Улгир подшо қўймайди
Гул бўлиб очилгунча.

Мавлонбойнинг дўпписи
Девор тагида қолди.
Мавлонбекнинг ўлиги
Ўрда тагида қолди.

* * *

Булбул қайдা сайрайди —
Қишлоғимнинг бошида, алёр,
Ёрим қайдা яйрайди —
Севганининг қўлида, алёр.

Қозиқ устида кокилча,
Қиз бола гули ғунча, алёр,
Йигит хазон этади,
Гул бўлиб очилгунча, алёр.

Зебигардон хўп гардон,
Аслаҳаси қумушдан, алёр.
Билагим қўйинг жон ёрим
Безор бўлдим ўпишдан, алёр.

* * *

Рўмолимнинг учисан,
Уч ошиқнинг бирисан.
Уч ошиқнинг ичида,
Сен кўзимнинг нурисан.

Ариқ бўйи музлама,
Қўй гўштини туzlама.
Ўз ёринг уйда туриб
Бегонани кўзлама.

Эшик таги бостирма,
Бостирмаға осилма.
Дадам сенга бермайди,
Оламан дёб осилма.

Рўмолим бор ойгули,
Ўртаси чойдиш гули.
Акаси берган пули,
Укасига чой пули.

Рўмолим учи чигит,
Саройда саккиз йигит.
Шунча йигит ичидা
Бизнинг ёр мирза йигит.

Рўмолимни олибсан,
Олиб дорға солибсан.
Рўмолимни беролмай,
Уволимга қолибсан.

Мен боғингнинг бурчида,
Садарайҳон ичидা,
Неча сандай йигитлар
Рўмолимнинг учидা.

Эшик олди аймоқи,
Бизнинг дўппи қайтоқи.
Сени менга бермаган,
Онанг ўлсин шаллоқи.

Шоҳи кўйлак киймоқчи,
Рўпарамда турмоқчи.
Қайси бойнинг ўғлисан,
Бизга ошиқ бўлмоқчи.

Тол баргини әгиб ол,
Чол ҳам бўлса тегиб ол.
Чол ҳам бир кун ўлади,
Ери, суви қолади.

Тол барги толим-толим,
Толда қолди рўмолим.
Орқам тўла ҳайдарим,
Ҳар жойда харидорим.

Араванинг тиркиши,
Тош бошида бир киши.
Мен сенга лойиқмидим,
Тақдирнинг қилган иши.

Сочимни қияй десам,
Уволидан қўрқаман.
Ёримдан чиқай десам,
Мингбошидан қўрқаман.

Чарх йигирдим арқоққа,
Дадам берди қассобга.
Қассоб обкелган гўштни
Итқитвордим бобоққа.

Ачам чойдиш қўйдилар,
Қайнамасин дедилар.
Бизни узоққа бериб,
Келолмасин дедилар.

Чироқ ёнар ёғ билан,
Бағрим куяр доғ билан.
Ўйнамадим, кулмадим.
Кўнглим суйган ёғ билан.

Бозорга борган бойла,
Дедомга салом дена.
Дедом мани сўраса,
Юрибди омон дена.
Қошиқда оши дена
Кўзида ёши дена.

Чарх йигирмай ўлгурлар,
Чақилиб кетди йигитлар,
Шоҳи киймай ўлгурлар,
Шаҳид бўлди йигитлар.

Салла ўраманг, ёрим,
Салладан дўппи яхши.
Ўйнаш ўйнаманг, ёрим,
Ўйнашдан ўзим яхши.

Тепсанг сандиқ очилур,
Гул бошимга сочилур.
Теккан ёрим сан бўлсанг,
Қайдин баҳрим очилур.

Ўсмани қўяй десам,
Сурма қўйиб қўйдилар.
Севганим бунда қолиб
Чолга бериб қўйдилар.

* * *

Толга чиқиб тол бўлдим,
Тушолмай беҳол бўлдим.
Ўз тенгимнинг ичида
Мунча бетоле бўлдим.

Ўсма экмаган бошим,
Қоралар олмаган қошим.
Ўз тенгимнинг ичида
Қўримайди кўз ёшим.

Эшигим олди айвон,
Кўчадан ўтди карвон.
Салом берсам алиқ олмас,
Ҳовлингда борми ҳайвон.

Ўсма эқдим суялиб,
Барги чиқди буралиб.
Суйган ёрман ётайлик,
Оқ чойшабга ўралиб.

Наманганинг йўллари,
Пиёланинг гуллари.
Чой ичганда ярашган,
Бизнинг ёрнинг қўллари.

Олмани отган отам,
Беҳини сотган отам.
Ноқобилга қиз бериб,
Жабрини тортган отам.

Мен бу ерлик әмасман,
Ери сувин билмасман.
Ери сувин билганда,
Чарласанг ҳам турмасман.

Чойнагимнинг шамаси,
Памил чойнинг тозаси.
Алдаганга кўнмаса,
Ҳеч гапирманг жаэзаси.

Мундан бордим у юзга,
Отим тайғонди музга.
Тайғонгани муз яхши,
Ўйнагани қиз яхши.

Аноринг дона-дона,
Кўйингда мен девона.
Анжики боши лола,
Ҳар ёнда гулу лола.

Ўсма қўйиб андоз қил,
Сурма қўйиб пардоз қил,
Суйган ёринг келганда,
Гапирмасдан араз қил.

Бундан бордим беш-бешга,
Сигир олдим ўн бешга.
Сути, қаймоғи сизга
Жабру жафоси бизга.

Масжид бўлса мадраса,
Ўртасида йўл бўлса
Бир одил подшо бўлса,
Ҳар ким суйганин олса.

Ариқ бўйида ялпиз,
Ёлпизнинг шоҳи ёлғиз.
Мен сенга борай десам,
Үйда эгачим ёлғиз.

Шаршарадан тош келур,
Хумор кўздан ёш келур.
Сени менга қўшсалар,
Эшитганга хуш келур.

Шойи кўйлак шайдонда,
Ўйнашайлик майдонда.
Бирга чойлар ичайлик,
Доданг солган айвонда.

Эшигингда тутинг бор,
Хурмачада сутинг бор.
Маҳаллангдан ўтмайман,
Думи калта итинг бор.

Анжан¹ бормай ой ботган,
Ҳулкар чиқмай тонг отган.
Ухлар вақти келганда,
Боласи йигълаб уйготган.

* * *

Кичкина чарбог ичинда,
Айланур бошим мени.
Ёр юрган кўчаларда,
Тўкилур ёшим мени.

Ёр юрган кўчаларни,
Супурай сочим билан.
Чанги чиқса сув сепай,
Кўздаги ёшим билан.

Булбулим учди қўлимдан,
Қайда меҳмондир бугун.
Булбулимни йўқотиб,
Кўнглим паришондир бугун.

Боғбонинг ўлмасин,
Боғбон менингдек бўлмасин.
Далада қўй ҳайдаган
Чўпон менингдек бўлмасин.

Ёргинам мендан кечиб,
Арш устига солди ватан.
Не гуноҳим бор экан,
Душманлар қилди беватан.

¹ Андикон.

Ёргинам нодонгинам,
Рўянга бўяйин сени.
Тўрт тарафдин ёр тутиб
Кўзингни ўяйин сени.

Ёр экансан билмадим,
Дилдор экансан билмадим.
Кашмири тилинг билан
Алдар экансан билмадим.

Оқ илон, оппоқ илон,
Офтобда ётганинг қани.
Мен ёмондан айрилиб,
Яхшини топганинг қани.

Бевафо деб англадим,
Бағримга тошлар боғладим.
Бевафо сен ёр учун
Тун кечалар қон йиғладим.

Мен сени ёrim десам,
Орқангда ёринг бор экан.
Икки юзинг қип-қизил
Лабингда холинг бор экан.

Дам-бадам томга чиқиб,
Ёrim йўлига боқаман.
Кўкрагим захга бериб
Танамга ўтлар ёқаман.

Ой әмасман, кун әмасман,
Кунда-кунда чиққани.
Чашмаи булоқ әмасман,
Эшигингдан оққани.

Раъно гулни кеча уздим,
Лайли бўлдим беқарор.
Ёр, сенинг ақлингни берсин,
Менга ҳам сабру қарор.

Кўргани келдингми сен,
Куйдиргани келдингми сен?

**Куйиб ўчган ўтларим
Ендиргани келдингми сен?**

**Дуторим ғум-ғум этадир,
Ичида моши бормикин.
Сен билан юрган йигитнинг
Кўзида ёши бормикин.**

**Кўрмайин босдим тиканни,
Тортадирман дардини.
Кўрсам эрди босмас эрдим,
Тортмас эрдим жабрини.**

**Кет десанг Қашқар кетай.
Йўлда ёлғизлик ёмон.
Ёлғизлиқдан ким ўлипти
Ҳаммадан хўрлик ёмон.**

**Мен ўзим уста бўлиб,
Солдим ёғочга рандани.
Бевафо ёр дастидан,
Кийдим қулоҳу жандани.**

**Мен сени қўрмабмидим,
Ганжиравон кўчасида.
Қўлларингда даста гул,
Онҳазратим ҳужрасида.**

**Мен кетар бўлдим ёrim,
Арзим баён айлаб кетай.
Меҳрибоним қолди деб
Чўлларда қон йиглаб кетай.**

**Мен бу ерга келмас эрдим,
Ёр келтирди мени.
Ўтга тушсан куймас эрдим,
Ёр куйдириди мени.**

**Мен кетарман, сен қоларсан,
Йиглагайсан зор-зор.
Излагайсан, томмагайсан
Ҳеч менингдек ғамгузор.**

Мен сени жўп биламан,
Кўнглинг менга мойил эмас.
Канчалар зор йиғласам,
Сендан мурод ҳосил эмас.

* * *

Бизнинг боғда беда бор,
Майдасини әлаб ол.
Бизнинг уйда қизлар бор
Чиройлигин танлаб ол!
Алла, алёр, алла..

Ака, ҳайитинг бўлай,
Қулфи қалитинг бўлай.
Оқ чой ичган жойингда
Пиёлаларинг бўлай.
Алла, алёр, алла.

* * *

Шишайи гумбаз ичида
Саккиз олма сақладим.
Саккиз олма емасдим,
Жон дадамга сақладим.

Жон дада, жоним дада,
Душзиби боргим келади.
Оқсаройда ўтириб
Тамаки чекким келади.

Атлас кўйлагим енги,
Воҳ-воҳ юрагим кенги.
Бутун дунёни излаб
Топмадим бўйим тенги.

Атлас кўйлак енги тор,
Енг ичида хати бор.
Хатни олиб ўқисам,
Суйганимнинг оти бор.

Атлас кўйлак киймайман,
Хилпиллатиб юрмайман.
Қиморбозга тегмайман,
Кунда калтак емайман.

**Гулбар рўмолинг бўлса,
Курпа қатида турса,
Олифта ёринг бўлса,
Ўйнаб ёнингда турса.**

**Рўмолимнинг учини,
Тугмаганга тугдирай.
Қошимга ўсма қўйиб,
Куймаганни куйдирай.**

* * *

**Атлас кўйлагим дорда,
Ёр чақирадир боғда.
Ёр чақирсалар боғда
Мен ўзим нима доғда.**

**Ака отинг кўкмиди,
Кўк бедаси йўқмиди.
Мунча менга қарайсан,
Суйган ёринг йўқмиди.**

**Бошнимдаги сим дока,
Симга илдирманг, ака.
Мен сизга ошно бўлдим,
Кишига билдирманг, ака.**

**Билагимнинг оқлиги,
Билагузугимнинг йўқлиги.
Кўнглимнинг яримлиги,
Суйганимнинг йўқлиги.**

**Ака, ҳовли йўлингиз
Чинни баҳмал тўнингиз.
Бориш-келиш қилмайсанз,
Кимдан қолди кўнглингиз.**

**Ака, дедим билмадинг,
Кўнглим учун кулмадинг.
Айни саҳар бўлганда,
Кел бўйингдан, демадинг.**

**Ака, отинг бўзмиди,
Юклаганинг тузмиди,**

Асти назар солмайсан,
Танлаганинг қизмиди.

Оқсаройнинг қизлари,
Үйнармикин-яшинармикин,
Қўлларида тилла узук
Дадалари заргармикин.

* * *

Юз нозу карашма, ноз билан ўргилай,
Ноз билан айланай!
Сочин тарайдир қизгина
Қани-қани?
Мана-мана, мана-мана!
Сочин тарайдир қизгина.
Ёрим шитобингиз нима,
Бизнинг гуноҳимиз нима?
Ноз билан ўргилай,
Қани-қани?
Мана-мана, мана-мана!
Ўсма қўяди қизгина.

* * *

Биз Қашқардан чиққанда
Ўрдалари бўш қолди, ёра.
Қашқар деган шаҳрингда,
Суйиб олган ёр қолди.
Суйганим тасаддуғингман-а.

* * *

Қошим ўсадир,
Чилимга най бўлай деб,
Қизлар ўсадир,
Йигитга ёр бўлай деб.
Чилим айтадир —
Лоқчалари бошимда.
Қизлар айтадир —
Кулфат менинг бошимда.

Мен йиғлаб ўтай
Қўчаларинг лой бўла қолсин.
Қамишлар кўкариб,
Чилимга най бўла қолсин.

* * *

— Соӣ бўйида турган йигит,
Қошу кўзин сузган йигит,
Билагузугим олган йигит,
Энди бергин билагузугим.

— Соӣ бўйида турганим йўқ,
Қошу кўзни сузганим йўқ,
Билагузугинг олганим йўқ,
Олганлар берсин билагузугинг.

— Ҳаво ҳавога дуч келур,
Қизлар йигитга хуш келур.
Севинчиси ўпиш бўлур,
Энди бергин билагузугим.

— Ҳаво ҳавога дуч келмас,
Қизлар йигитга хуш келмас,
Севинчиси ўпиш бўлмас,
Олганлар берсин билагузугинг.

— Оқ отингга ёл бўлайин,
Оқ юзингга хол бўлайин.
Ёринг йўқдир ёр бўлайин,
Энди бергин билагузугим.

— Оқ отимга ёл бўлсангиз,
Үнг бетимга хол бўлсангиз.
Ёрим йўқдир, ёр бўлсангиз
Кармондадир билагузугингиз.

* * *

Ёрим кетаман дейди,
Кетказгани қўймайман.
Алла, алиёр, алла.
Расталарда чим босиб,
Ўтказгани қўймайман.
Алла, алёр, алла.

Бизнинг ҳовли паст ҳовли,
Сопол билан кўтарган.
Шу кўчанинг қизлари,
Упа билан оқарган.
Алла, алёр, алла.

Бизнинг боғда бир каклик,
Оёқлари пўпаклик.
Бизнинг ёрни сўрасанг,
Тили ширин қўқонлик.
Алла, алёр, алла.

Буидан бордим кесганга,
Ултиридим сув ичганга.
Қандай қўнгил бераман,
Ўйнаб йўлим тўсганга,
Алла, алёр, алла.

Боғ айланиб чий қўра,
Киз бўлсанг рўмол ўра.
Хуштор ёринг келганда
Онажонингдан сўра.
Алла, алёр, алла.

Бедана бўлиб учдим,
Шолипояга тушдим.
Тақдиримдан айланай,
Косиб болага тушдим.
Алла, алёр, алла.

Боғ айланиб бозингдан,
Ўлдим сенинг нозингдан.
Ўлдирворсанг, кўйдирвор
Қуралай келган кўзингдан.
Алла, алёр, алла.

Боғинг бўлса қўра қил,
Ўғлинг бўлса мулла қил,
Муллаликка кўимаса,
Сатангларга жўра қил!
Алла, алёр, алла.

* * *

Гулни уэдим новдадан
Гулдек тўрамга бандаман.
Белида шойи қийик,
Нозик тўрамга бандаман.

Узи кетди савдога
Ерсиз кишидек саргайиб.
Ер олиб ғам емаган
Беғам тўрамга бандаман.

Тахта кўприк қулфи занжир,
Ваъда шундайми тўрам.
Ваъдани ёлгон қилган,
Номард тўрамга бандаман.

Дарёдан чиққан балиқни
Қўйворинг бўйласин.
Кимнинг кўнгли кимда бўлса
Қўйворинг ўйнасин.

* * *

Қош агар пайваста бўлса,
Ўсмани гардон қилур.
Ер агар нодон бўлса,
Ошиқни саргардон қилур.
Гайра-гайра дам-бадам,
Ороми жоним сен менинг,
Ширин забоним сен менинг.

Ойга ўхшайдир юзинг,
Чўлпонга ўхшайдир кўзинг.
Мунча ҳам золим экан
Хуирезга тарсо кўзларинг.
Гайра-гайра дам-бадам,
Ороми жоним сен менинг,
Ширин забоним сен менинг.

Қоралар, қоп-қоралар
Ошиққа маъшуқ мўралар.
Ер билан ўйнай десам,
Қўймайди бахти қоралар.
Гайра-гайра дам-бадам,
Ороми жоним сен менинг,
Ширин забоним сен менинг.

Боқقا кирсам боқасан,
Имлаб қошингни қоқасан.

Қоқма десам қоқасан,
Бир балога тоқасан.
.Гайра-гайра дам-бадам,
Ороми жоним сен менинг.
Ширин забоним сен менинг.

* * *

— Ер, нималар девдим сизга,
Яна нималар девдим сизга?
Атласлар олинг ва ё бизга.
Атласлар олинг ва ё бизга!

— Ҳа, атласларни кийволиб,
Ҳа, атласларни кийволиб,
Ҳилпиллаб келасиз-а, бизга
Ҳилпиллаб келасиз-а, бизга.

— Ер, нималар девдим сизга,
Яна нималар девдим сизга,
Ўсмалар олинг ва ё бизга!

— Ҳа, ўсмаларни қўйволибон,
Яна ўсмаларни қўйволибон.
Учириб келасиз-а, бизга,
Учириб келасиз ва ё бизга.

— Ер, нималар девдим сизга,
Яна нималар девдим сизга.
Сурмалар олинг ва ё бизга.

— Ҳа, сурмаларни қўйволибон,
Ҳа, сурмаларни қўйволибон.
Сузилиб келасиз-о, бизга.
Сузилиб келасиз ва ё бизга.

— Ер, нималар девдим сизга,
Яна нималар девдим сизга,
Маҳсилар олинг ва ё бизга.

— Ҳа, маҳсиларни кийволибон,
Ҳа, маҳсиларни кийволибон,
Йўргалаб келасиз ва ё бизга,
Йўргалаб келасиз ва ё бизга.

— Ер, нималар девдим сизга,
Яна нималар девдим сизга.
Шол рўмол олинг ва ё бизга.

— Ҳа, шол рўмолни ўраб слив
Буралиб келасиз ва ё бизга,
Буралиб келасиз ва ё бизга!

* * *

— Бозор борайми, қизим,
Шалпар олайми қизим?

— Йўқ-йўқ, жон дадажон,
Аста очилмайди кўзим.

— Бозор борайми, қизим,
Атлас олайми, қизим?

— Йўқ-йўқ, жон дадажон,
Аста очилмайди кўзим.

— Бозор борайми, қизим,
Тиллақош олайми, қизим?

— Йўқ-йўқ, жон дадажон,
Аста очилмайди кўзим.

— Мадраса борайми, қизим,
Мактабга берайми, қизим?

— Ҳа-ҳа, жон дадажон,
Энди очилади кўзим.

* * *

— Онажон, она!

Бошгинам оғрийди.

— Бошгинангдан онагинанг айлансин,
Нималарга оғрийди.

— Бозорларда бўлар экан,
Заргарларда турар экан.
Уни оти тиллақош
Ўшанга оғрийди.

— Онажон, онажон!
Бўйнигинам оғрийди.

— Бўйнигинангдан онагинанг айлансин,
Нималарга оғрийди?

— Бозорларда бўлар экан,
Заргарларда тураг экан.
Уни оти бўйин тумор
Ўшанга оғрийди.

— Онажон, онажон!
Кўзгинам оғрийди.

— Кўзгинангдан онагинанг айлансин,
Нималарга оғрийди?

— Бозорларда бўлар экан,
Атторларда тураг экан,
Унинг оти сурмача
Ўшанга оғрийди.

— Онажон, онажон!
Қулоққинам оғрийди.

— Қулоққинангдан онагинанг айланси,
Нималарга оғрийди?

— Бозорларда бўлар экан,
Заргарларда тураг экан,
Уни оти олтин сирға
Ўшанга оғрийди.

* * *

Қизил гул ғунчау ғунча,
Юракда дард-ғам анча.
Мен ҳам дардим айтай пича,
Кўзинг ғафлатга боргунча.

Атлас кўйлак оқи бор,
Тумор қилиб тақиб ол.
Ешлигингда ўйнаб ол,
Ахир бир кун ўлим бор.

Оқ қоғоздек товланди,
Почча пўстин тўнингиз.
Мунча ҳам ширин бўлар,
Ҳар бир айтган сўзингиз.

Қибладан келган шамол,
Райхонимни қуритди.

Кундошликнинг алами
Дармонимни қуритди.

Оқ уйинг баланд экан,
Үйнарга хилват экан.
Үйнасам ўйнаб олай,
Бир келиб кетмоқ экан.

Оқ балиқдек оқариб,
Турган юзингдан ўргилай.
Гулу наргисдек қулиб
Турган кўзингдан ўргилай.

Қоши қора барно йигит,
Қошингда бир қиши қишлиайн,
Пиёлага чойни қўйиб,
Енингда нимкор ишлайин.

Янги чакмон ранг-баранг,
Раъно бўйингдан ўргилай.
Пиёлага чойни қўйиб,
Қўлларингдан ўргилай.

* * *

Осмонга қарасам,
Наққошлик мачит.
Бир кеча бораман,
Жонимдан кечиб.

* * *

Катта кўлдан найча кесдим,
Янги боғдан олича.
Мен ёримни чақираман
Овозимнинг борича.

Қошинг билан кўзинг шўх,
Илоҳи ўлмагайсан.
Биҳиштда икки гул бор.
Бириси бўлмагайсан.

Қумрихон, Қумрихон,
Ёнгоқ ўйнаб ютади.
Акалари келганда
Пашшахона тутади.

Қумрихон ўзи ўзи,
Остида йўрма дўзи.
Йўрма дўзи ярашган,
Ўз ёридан адашган.

Арава қўшдим далага,
Қўйним тўлди лолага.
Тўлмай ўлсин лолага,
Учраб қолдим балога.

* * *

Наманган кўчасин тор деб йиғлайман,
Бўйимга муносиб ёр деб йиғлайман.
Бўйимга муносиб ёрни бермасанг,
Берган омонатинг ол деб йиғлайман.

Тегирмон бошига қамчим тушибдир,
Ўн беш яшар қизга ҳушим тушибдир.
Ўн беш яшар қизнинг қурбони бўлсам,
Ўн беш тилла харжлаб қўйнимга солсам.

* * *

Томда ётай, томда ётай,
Бир кесакни менга от.
Бир кесакда турмасам,
Аста келиб ёнимга ёт.

Ошно бўлмай туриб,
Ноошно бўлди ёрим,
Этагини қистириб,
Йўлга равон бўлди ёрим.

* * *

Тор ҳовлида катта тол,
Соя бўламан, дейди,
Бувам тенги кекса чол,
Сени оламан, дейди.

Сочопугим учида,
Кўзмунчоги бир шода.
Йигламаган қиз борми
Шу бевафо дунёда.

Заргар ясар тиллақош,
Келинчаклар тақсин деб.
Йиглайман маржон ёшим.
Оқ юзимга оқсин деб.

Учоқ бошида қумғон,
Атрофим баланд қўргон.
Кўнгил берган ёримни,
Кўролмасдан бағрим қон.

* * *

Рўмолим бор айлансин,
Ер белига боғлансин.
Ўртадаги ойгули
Ёрим менга боғлансин.
Ҳай ёрай, ёрингман.

Рўмолим бор гажимсиз,
Ҳилпилласа қайтаман.
Кўнглимда бор неча сўз,
Сизга қандай айтаман.
Ҳай ёрай, ёрингман.

Алвон дўппим бор эди,
Бошгинамга тор эди.
Неча яхши йигитлар
Гапиришга зор эди.
Ҳай ёр, ёрингман.

Рўмолим бор сўзани,
Мен ичмайман бўзани.
Мен ичганда бўзани
Қандай топай мирзани.

Куяди жоним менинг,
Йўқдир хабардорим менинг.
Ўтни олиб сувга солинг,
Куймасин жоним менинг.

Боққа кирсам айланади,
Бошгинамдан капалак.
Қўлгинамга ярашади,
Ёр берган шохонак.

Шохонакнинг шохлари
Тилла узукка боф бўлур.
Ёрнинг айтган ҳар сўзи
Юраккинамга жо бўлур.

Ариқ бўйида сомон,
Сомоннинг чанги ёмон.
Кундош кундошни кўрса,
Рангига ўчгани ёмон.

Боф ичида боғчаман,
Гул ичида фунчаман.
Жувон ўлгир қарғама,
Очилмаган фунчаман.

Субҳидам салқин экан,
Кирдим, дамимни олайин.
Етимлик ёмон экан,
Ота-онамдан қолмайин.

Мен сариқ, рангим сариқ,
Сарғайганимни ким билур.
Кечалари ухламай,
Йиғлаганимни ким билур.

Юрарман кечаю кундуз,
Тилайман ой билан юлдуз.
Нигорим келмадиг ҳаргиз
Қарорим бормиди сенсиз.

Оталиклар, оналиклар
Бу дунёда кулар, ўйнап.
Отасизлар, онасизлар
Бу дунёдан йиғлаб кетар.

Сув келади бошидан,
Ҳазратимнинг қошидан.

Ақагинант айлансан,
Кўзгинангнинг ёшидан.

Саҳар вақтидаги булбул
Ажаб бир хуш наво қилди.
Танамдаги азиз жоним
«Учаман!» деб ҳаво қилди.

Гўристон ҳаддига чиқсам,
Фақири бойини кўрсам.
Мен ҳам шундай бўларман деб
Алардин ибратин олсам.

Мени ким қарғади, дўстлар,
Бу дардга мубтало бўлдим.
Кафани бўйнимга чулғаб,
Талабда бир қаландарман.

Қора ласдан кўйлагим,
Қонларга тўлди юрагим.
Сариқ ласдан кўйлагим,
Саргайди ранги рўйларим.

* * *

Иигит: Ўзим келдим ёнингга,
Бир гап сўрай, айтасан.
Бойнинг ўғли мен бўлиб
Совчи қўйсам нетасан?

Киз: Бойнинг ўғли сен бўлиб,
Совчи қўяр чоғингда,
Қаттиқ касал мен бўлиб
Тўрда ётсам қайтасан? 7

Иигит: Қаттиқ касал сен бўлиб,
Тўрда ётар чоғингда
Ҳаким-табиб мен бўлиб
Бошингга ўтсам нетасан?

Киз: Ҳаким-табиб сен бўлиб
Бошимга ўтар чоғингда,
Жонсиз мурда мен бўлиб
Гўрда ётсам қайтасан?

Йигит: Жонсиз мурда сен бўлиб,
Гўрда ётар чоғингда
Гўрковбачча мен бўлиб
Гўрингни очсан нетасан?

Киз: Гўрковбачча сен бўлиб,
Гўрни очар чоғингда
Бир қоп тариқ мен бўлиб
Сочилиб ётсан қайтасан?

Йигит: Бир қоп тариқ сен бўлиб
Сочилиб ётар чоғингда,
Жўжали товуқ мен бўлиб
Териб есан нетасан?

Киз: Жўжали товуқ сен бўлиб
Териб еяр чоғингда
Юрган шақал мен бўлиб
Қириб кетсан қайтасан?

Йигит: Юрган шақал сен бўлиб
Қириб кетар чоғингда
Етган қўппак мен бўлиб
Ҳав-ҳав этсан нетасан?

Киз: Етган қўппак сен бўлиб,
Ҳав-ҳав этар чоғингда
Сувда балиқ мен бўлиб
Чўкиб кетсан қайтасан?

Йигит: Сувда балиқ сен бўлиб
Чўкиб кетган чоғингда
Тўр ташлаган мен бўлиб
Ушлаб олсан нетасан?

* * *

Қишлоғимнинг созиман,
Қўлдан учган ғозиман.
Суйганимга бермасанг,
Улганимга розиман.

Қора чойнак қўйдилар,
Қайнамасин дедилар.
Суйганимга бермайин,
Үйнамасин дедилар.

Олма деб отдилар мени,
Беҳи деб сотдилар мени.
Қари чолга узатдилар,
Кейин жабрини тортдилар.

Уйгинамда ўлтирсам,
Тупроқ бошимга тушди.
Үн беш яшар ёшимда
Рўзгор бошимга тушди.

Мени отам отдилар,
Бойваччага сотдилар.
Бойваччаси қурисин,
Рангим сомон әтдилар.

Олманинг оқини кўр,
Синдириб шохини кўр,
Суйганимга бермасдан
Қизингнинг ҳолини сўр.

Қошларинг инно фатаҳно,
Кипригинг зеру забар.
Мен сенга ошиқ бўлибман,
Сен юрарсан бехабар.

Эшигинг олди ариқ,
Иргиб ўтолмайман, ука.
Сен ўзинг соҳиб ақл,
Мен ўргатолмайман, ука.

Қошинг қошимга тўғри,
Бойваччанг менга чўри.
Атлас кўйлак чиқинти
Бевафо ёрнинг шўри.

Учқўрғону, Учқўрғон.
Майсасига мол қўйган.
Ўлим бергур сатанглар
Ўнг бетига хол қўйган.

Ичмадим жумор тортиб,
Маймоқ туяга ортиб.
Шулмиди вафойингиз
Бизларни арzon сотиб.

Шом бўлди, завол бўлди,
Йигитга увол бўлди.
Бир неча сатанг қизлар,
Ўсмани йўғон қўйди.

Тамаки солиб берди,
Туянинг тўпонидан.
Тагимга солиб берди
Олчинбарг чопонидан.

Бир келиб кўрмайдими,
Икки келиб кўрмайдими.
Ранги рухсорим кўриб,
Раҳмлари келмайдими.

Куяди жоним менинг
Ўчоққа соглан чаладек.
Рангигинам сарғайтириб,
Бандида қолган олмадек.

Оҳ урарман, оҳ урарман,
Оҳларим туткай сани.
Кўз ёшим дарё бўлиб,
Балиқлари юткай сани.

Қош қораси бир бало
Қоронги бўлди бул ҳаво.
Ҳамма дардга бор даво,
Ошиқнинг дарди бедаво.

* * *

Том устига том солдим,
Устига болохона.
Ёр устига ёр суйган,
Етиши сомонхона.

Дарвазанинг тагида
Арралаган толи бор.

Бизни ёрнинг лабида,
Тишлаб олган холи бор.

Рўмолимни тенг бўламан,
Аммамга келин бўламан.
Аммам келин қилмаса,
Оташга тушиб кетаман.

Рўмолим бор ойгули,
Рўмол олиб бер, банги.
Рўмол олиб бермасанг,
Жавобимни бер, банги.

Сочимни тарамайман,
Ойнага қарамайман.
Хотирингни жам қилгин,
Мен сени хоҳламайман.

У ёнимда тарогим,
Бу ёнимда ойнагим.
Рост айтгин ўртоғим,
Ярашганими гажжагим?

Эшик очиб ой кўрдим,
Чойнак тўла чой кўрдим.
Авжи ўйнар вақтимда
Юзи қора ёр кўрдим.

Боққа кирдим шўрага,
Кўнглим кетди ғўрага.
Худойим ўғил берса,
Дадасига жўрага.

Илон тили биламан,
Чиён тили биламан.
Урмай, сўкмай юрсангиз
Ўғил туғиб бераман.

* * *

Саврихоннинг рўмоли
Тўзмасмикан қирғофи.
Маҳмудалини куйдирган
Қоши билан қовоғи.

Саврихонлар ош ичди,
Қошиғи ерга тушди.
Уни кўрган Розиқжон
Йиғлаб ортидан тушди.

Саврихоннинг сақичи
Остонага ёпишди.
Маҳмудалини сўрсанг
Чорвоқчада топишди.

Саврихон ўзи аймоқ,
Мўминжонлар келганда,
Олиб чиқиши қаймоқ.
Саврихон ўзи оқил,
Орқаси тўла кокил.
У кокилга ишонган
Мадалилар беақл.

Саврихон сувга чиқди,
Обдастаси сополдан.
Мўминжонлар келганда
Якандози чопондан.
Саврихоннинг кўйлаги
Этаги адал-бадал.
Саврихоннинг ўйнаши
Мўмин деган дарбадар.

Тамаки солиб берди,
Дардинг бўлса тортгин деб.
Кўрпани солиб берди,
Ухламасдан ётгин деб.





ХОРАЭМ ҚУШИҚЛАРИ

* * *

Ғамза билан олиб жоним,
Ўсар қаро зулфинг санинг.
Сабо тонгнинг насимидин
Ўсар қаро зулфинг санинг.

Езласам ёрнинг боғида,
Қишиласам кўксин тоғида,
Субҳидам саҳар чоғида,
Ўсар қаро зулфинг санинг.

Тонг юлдузи порлаб-порлаб,
Шон билан зулфинг тараб,
Тонг саҳарларда ялтираб,
Ўйнар қаро зулфинг санинг.

Хижронда бўлдим ҳайрона,
Сўрсам лабинг қона-қона,
Сан каби йўқдири жонона.
Ўсар қаро зулфинг санинг.

Солиб юргин алларингни,
Рақиб қўрсин бўйларингни,
Оқ юзингда холларингни,
Босар қаро зулфинг санинг.

Сумбул ҳайрон зулфинг кўриб,
Булбул нолон юзинг кўриб,
Ел билан юзга тарқалиб,
Ўсар қаро зулфинг санинг.

* * *

Осмондаги ойлара,
Гул кўрмаган сойлара.
Ўн уч ёшда сотилди,
Гулбикачим бойлара.

Осмондаги юлдузлар,
Ёрни сўрап қул қизлар.
Севганига етолмай,
Сўлиб кетди кўп юзлар.

Осмондаги бўз тўргай,
Парвозингни ким кўргай.
Қиз олиб жувон сотган,
Хонларга ўлим бергай.

Шойи қўйлак киймайман,
Ялтирайди қуёшда.
Бой ўғлини севмайман,
Кундош қилиб бу ёшда.

Қанот қоқар тоғларда,
Дов юракли бир бургут.
Чин қўнгилдан севган ёр,
Жафо чеккан нор йигит.

* * *

Югурсам олдингда, шоҳ, эмсан лаби зилолинг.
Айлар мени фирибда юз узра икки холинг.
Отинг изи тўзлари кўзимга сурмадирким,
Юзга боқарға тоб йўқ басдур менга хаёлинг.
Сени дебон сардирбанда келиб жомдин,

Биллаҳки ҳам ушбу кун менга бўлур висолинг.
Қолмади зарра армон ажалдан йўқ парвойим
Мақсадга етсам энди талабим санинг висолинг.
Андалиб умид айлар қўрса ёрнинг жамолин,
Ҳам нақш, ҳам нигори қўриб қадди камолинг.

* * *

Бу қулбайи эҳзона хуршид жаҳон келди,
Гўёки ўлик әрдим бу жисмима жон келди.
Ноз ила қалом айлаб, ёриға салом айлаб,
Боғ ичра хиром айлаб ул шоҳ жаҳон келди.
Овози саманлардек, донишда Искандардек,
Қаҳр айласа аждардек чун нур аён келди,
Бошим йўлида қурбон, ўлтирса надир армон,
Ул лаъли лаби ҳандон ҳам писта даҳон келди,
Жомига солиб оташ, ҳам маҳваш, ҳам дилкаш,
Мастона юриб маҳваш ҳалқ ичра ниҳон келди.
Ул Андалиб шайдо, очилди гули ҳамро,
У сарви қади раъно чун нур аён келди.

* * *

Сарҳовуз бўйида бир туп қараман²,
Қачон бўлса шу йигита бораман.
Ётган пайтларимда ёдима тушса,
Ухлай олмай оҳлар уриб тураман.
Шойи рўмолимни шамол олибди,
Шамол қурғай уни олиб қолибди.
Айёр экан шу ўрамнинг қизлари,
Яхши ёрим ёмон йўлга солибди.

* * *

Йигит: Эгнимда кўк кўйлак, ёқамда илмак,
Бор экан қаҳр этмак, йўқ экан кечмак.
Менинг бир мақсадим белингни қучмак,
Яна сизга жонон жингир жумалак,
Опа-бибингиза шойидан кўйлак.

¹ Шоир Андалибининг бу шеърлари Хоразм тўй қўшиқларига
кириб кетган.

² Қайрагоч.

Киз: Ҳориб келиб ҳовузингдан сув ичлим,
Сени дедим, ота-онамдан кечдим.
Янгандан оғзидаң бир сўз әшитдим,
Жоним олиб жингир дейди жумалак,

Иигит: Қизил гул очилар ҳавога қараб,
Оқшомлар ётаман ўрнимда йиғлаб.
Кўйма мунда менинг бахтимни боғлаб,
Яна жонон сиза жингир жумалак,
Опа-бибингиза шойидан кўйлак.

Киз: Камзуллар тикаман садафлар билан,
Олдингга чиқаман адаблар билан.
Мендан қутулмассан бу гаплар билан,
Жоним олиб жингир дейди жумалак,
Бунинг учун бўлманг Тошкентда ҳалак.

* * *

Ука, айтай десам, кўнглинг хуш эмас,
Олиб кетай десам, бошинг бўш эмас,
Ошиқлиги қиласиган иш эмас,
Ука, менда сабру тоқат қолмади.

Мен қарадим йўлгинангга ош қўйиб,
Сен кетарсан юрагимга тош қўйиб,
Етолмадим бир ёстиққа бош қўйиб,
Ёрим, менда сабру тоқат қолмади.

Эшигинг олдидан ўтдим кўрмакка,
Бир тилинг бормади «Ҳорманг!» демакка,
Уялдим мен гул юзингни кўрмакка,
Жоним, менда сабру тоқат қолмади.

Кўлингга тақибсан тиллодан узук,
Кошларинг қорадир, кўзларинг сузук,
Бормикин оламда сендейин нозик,
Сира менда сабру тоқат қолмади.

Эшигинг олдидан ўтсам ой бўлиб,
Кавушингга тармашардим лой бўлиб,
Етолмадим бир кўрпага жой бўлиб,
Асло менда сабру тоқат қолмади.

Ҳафтада бир бўлар қишлоқ бозори,
Йўрга мингандарнинг йўқдир озори,
Балки сени бузган ола, бевори.
Сира менда сабру тоқат қолмади.

* * *

Попогини олиб йўлдан ўтади,
Сўранг опа, қайси ерга кетади,
Айтмай кетғанлари ҳайрон әтади,
Шундай экан, ёрни олиб нетади.

Олти пахса деворингдан ошаман,
Эшикка келганда хабарлашаман,
Иккимиз ҳам жаҳл устида юрибмиз,
Кечирим сўраса қучоқлашаман.

Этигинг ўқчаси ўн икки парда,
Мен қайдан дуч бўлдим ошиқлик дарда.
Иккимиз ҳам ишқ ўтида ёнамиз,
Бермасмикан шу болага онамиз.

Қоронғида қора кўрдим қўзингни,
Туқсан ойга ўхшатаман юзингни.
Отам чақирганда бормагин, дединг,
Энди келсанг билиб сўзла сўзингни.

* * *

Учак-учакка боқади,
Орқамни шамол қоқади.
Шу әлатда бир бола бор,
Бай-бай, жонимни ёқади.

* * *

Орқамни бераман буюқ нарвона,
Салом деб юбордим Тошкент боргона.
Тошкентдаги оғаларим соғ бўлгай,
Юрган ерларида вақти чоғ бўлгай.

* * *

Онамиз ёrima «Болам!» дедилар,
Ёримдан бизларга салом, дедилар.

Келган-кетганлардан ёрни сўрасам,
Хат ёзибди қоши қалам, дедилар.

* * *

Сарҳовуз бўйинда сариқ от кўрдим,
Солланиб чиққаним бир мурод кўрдим.
Бедов отни суғормоққа чиққанда,
Ёргинамни машъал чироқдай кўрдим.

Еошимда чугурма, астари ола,
Қадримни билмадинг, эй, нодон бола.
Мард экан деб айтган эдим сиримни,
Номард бўлиб ёйдинг боримни.

* * *

Сочини ювганлар орқага ташлар,
Ошигин кўрганлар кунда бир яшар,
Орада душманлар ўтдай тұташар,
Душманни куйдириб кунда кел, ёрим.

Қораман тагида қараб турганим,
Қора қошли, рўмол ўраб турганим,
Сен у ёқда, мен бу ёқда турганим,
Душманни куйдириб кунда кел, ёрим.

Шоий кўйлагимни киймасам бўлмас,
Яқосин дазмоллаб илмасам бўлмас,
Энди сен болани севмасам бўлмас,
Душманни куйдириб кунда кел, ёрим.

* * *

Оқ терак бошинда ойнам қолибди,
Отамдан, онамдан кўнглим қолибди.
Отамга, онамга дунё керак, мол керак,
Менга бўлса севгили бир ёр керак.

Ойнинг ёруғида ҳар кимни кўрдим,
Ёрим келмади деб ўтиридим, турдим,
Гулнинг шохосида булбул қидирдим,
Менга бўлса севгили бир ёр керак.

Ишқи печак чирмашади челлара,
Кўк матири ярашади беллара,
Айтиб қўйинг, Ҳевадаги ўжара,
Менга бўлса севгили бир ёр керак.

* * *

Туяқушлар сувсиз ерда қезарми,
Икки ошиқ бир-биридан безарми,
Боғдаги гулини душманлар узарми,
Севганимга тездан бормасам бўлмас.

Опа, енг учингга ҳавасим кетди,
Енг учиндан йиртиб берасим кетди.
Ҳамма қизлар севган ёрина етди,
Мени отам севганимга бермаса бўлмас.

Сувларга борасан қўлингда кўза,
Арзимни айтайин севар ёр сиза,
Дўст бўлиб тушибдир душманлар иза,
Тездан севганимга бормасам бўлмас.

* * *

Чечалар, чечалар, жоним чечалар,
Ёмғир ёғса ҳўл бўлади кўчалар.
Софиниб кўрганда севар ёримни,
Кун тез ботгай, узоқ бўлгай кечалар.
Дарё тошса сув оқади сой билан,
Умринг ўтар бўлди оҳувой билан.
Икки ошиқ бир-бирига қўшилса,
Тенг бўлмасми янги туққан ой билан.

* * *

Орқа ёқдан келди учови бирдай,
Ичинда ёргинам очилган гулдай.
Қошида жўраси танланган дурдай,
Қўшиқ айтса овозвлари булбулдай.
Қалъадан чиқасан отинг ўйнатиб,
Туш отингдан, чой бераман қайнатиб.
Намозшомда кетма мени йиглатиб.
Оқ сийнамдан жой бераман яйратиб.

Боқقا борсам, боқаним бор қўлимда,
Сувга борсам чиқоним бор йўлимда.
Чиқонимнинг ойнаси бор қўлинда,
Менинг ойнам Саргиздонинг йўлинда.

Эшигинг олдлари Найманди, ёрим,
Найманнинг сувлари лойланди, ёрим.
Энди биэдан умидингни узавер,
Ешқага бошимиз бойланди, ёрим.

Қаттиқ ердан чиққан чечак сўлмасин,
Хеч бир ошиқ иккимиздай бўлмасин.
Иккаламиз бир ваъдага келганда,
Орамизга душман кириб қолмасин.

Қўлимда узугим уч айланади,
Бола бизни кўрса хаёлланади.
Хаёлланма, бола, ўзим бораман,
Душманлар жонига ўтлар соламан.

Айвонингни тўрт мушин¹да қороман,
Сен кетган сўнг мен ким билан қоламан.
Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан,
Мен қоламан уйда кўз ёшим билан.

Осмонга қарасам, айланар бошим,
Мени ташлаб кетаверди йўлдошим.
Мени ташлаб кетса кетсин йўлдошим,
Ҳар ерда бўлса ҳам тутар кўз ёшим.

Костюмлар киясиз иккидан, учдан,
Душман сўзи билан кечдингиз биздан.
Душман сўзи билан кечсангиз биздан,
Биз кеча билмадик сиз қора кўздан.

* * *

Қора сочим яғринимда, белимда,
Менинг ёрим ўзи Манғит элинда.
Жоним фидо бўлсин ёрнинг йўлинда,
Бирга ишлаб, бирга яшасак, ёрим!

¹ Бурчак.

Қора папоғингни қоқиб кийсанг-чи,
Қараб турганингча бери келсанг-чи,
Тез фурсатда яхши жавобинг бериб,
Биргаликда кўнгил хушласак, ёrim.

* * *

Сариқ матонгни сачоги сўлқим,
Севимсиз ёларнинг қучоги салқин.
Сенинг қучоғингда ёта билмадим,
Ичимнинг дардини айта билмадим.

Папоғингни босиб кийма кўзингга,
Ошиқликни ўйин билма ўзингга.
Ошиқликни ўйин билсанг ўзингга,
Зор этаман босиб кетган изимга.

Орқа ёқда бир боғинг бор анжиорли,
Қачон борсам эшикларнинг занжиорли.
Оқ сийнамни аёз урди, оч энди,
Үйқу мендан мазалими, кеч энди.

Қизил гулни әкасиз-да кетасиз,
Эккан гуллар битмай қолса нетасиз.
Онда-сонда кўриб менга гап айтиб,
Бўлмагур сўз билан ҳайрон этасиз.

* * *

Ичимда ўтим бор, порлаб ёнаман,
Хилидан айрилган ёлғиз сўнаман.
Қўлимдан не келсин бир қиз боламан,
Ёrim, сени излаб қайга бораман.

Қўлимда челагим, сувга бораман,
Гапга тутма, бола, кечга қоламан.
Ёридан айрилган баҳти қораман,
Ёrim, сени излаб қайга бораман.

Йўлим тўсма золим, элга қайтайин,
Юрак дардларимни унга айтайин.
Армоним йўқ ўлсам унинг йўлинда,
Ёrim, сени излаб қайга бораман.

Пешанамда ажаб ишлар бор экан,
Ажаб замон севишганлар хор экан,
Қозиси бадкирдор, мулла хар экан,
Ёрим, сени излаб қайга бораман.

* * *

Эшиқдан ўтади қамчисин олиб,
Қозувлар қозади ерларни ёриб,
Мен сизга не дедим, кўнглингиз қолиб,
Менга қарамайсиз қовоқни солиб.

Еш пахсага лой отади ўзлари,
Бизга қараб жавдирайди кўзлари.
«Ҳорманг!» десам, «Лаббай!» дейди тиллари,
Бунча ширин шу йигитнинг сўзлари.

Бир бало кеётир¹ ободан тўйга,
Отини юбориб баланддан уйга.
Отам юбормайди мени шу тўйга,
Жоним қурбон, от устидаги бўйга.

Отиздан келади қўлида кўза,
Айланиб-айланиб қарайди биза.
Биз ҳам ошиқ бўлдик шу қора кўза,
Сиз севсангиз, жоним берай мен сиза.

* * *

Осмондаги учиб ўтган турналар,
Менинг гул ёримга хабар берингиз.
Сизлардан сўраса «Қайдা кўрдине?» деб,
Севишган, кўришган жойда дейингиз.

* * *

Юрагимни тифи ҳижронинг,
Қилворди пора-пора.
Бу дардимни кимга айтай,
На даво топай, на чора.

¹ Келаётир.

* * *

Эшигингдан ўта-ўта йўл этдим,
Бир ўтганда рўмёлимни йўқ этдим.
Рўмолим олиб берибсан аллакимлара,
Соф севгини совурмагин еллара.

Гул боғидан гул узатар бир бола,
Гул юзини кўрган тушар хаёла.
Қараса әкан суйганим деб бир йўла,
Шуни дейман меҳригиёси борми,
Ё азалдан қилган дуоси борми.

Учакка¹ чиқувдим ойни кўрмоққа,
Ойнинг баҳонаси ёрни кўрмоққа.
Ёр юрибди отизинда, челинда,
Бизга деган беш гуллиси белинда.

Бир йигит бор, ёrim десам ярашар,
Катта-кичик ой юзига қарашар.
Мени кўрса синглим дейиб сўрашар.

Олма деб отганинг кесак әкан-ей,
Кошки олма бўлса есак әкан-ей.
Иккимизни ошиқ-маъшуқ дейдилар,
Кошки ошиқликни билсак әкан-ей.

Эшигингдан мен ўтаман кўрмакка,
Бир олма бермайсан бўлиб емакка.
Аввал ўрганувдим aka демакка,
Энди уяламан ёrim демакка.

Учакка чиқувдим соз саси келди,
Соз билан жаранглаб ёр саси келди.
Илож бўлса борар эдим ёнига,
Ўзи келмай ўтлар солди жонимга.

Кел деганда, келаверсанг бўлмийми,
Кет деганда, кетаверсанг бўлмийми.
Кел деганим, менинг жоним деганим,
Кет деганим, менинг жоним деганим.

* Том.

Қора қош бўлса-да, зил бўлса етар,
Ўнг бармоқ синса-да, бўғимдан битар.
Ҳар ерда юрса ҳам соғ бўлса етар,
Ўзим ҳар жойдаман, хаёлим сенда.

Эшикдан ўтганда сўкасан мунча,
Сен менинг нимамсан, кутардим шунча,
Ҳеч ким кўринмайди кўзимга сенча,
Ўзим ҳар жойдаман, хаёлим сенда.

Ёрим келади деб ҳовуз ўйдирдим,
Теварагин қизил гулга тўлдирдим.
Шоҳларига шайдо булбул қўндиридим,
Ўзим ҳар жойдаман, хаёлим сенда.

Ултириб әдим тут тагида туташиб,
Бир бола келаётир ҳаддидан ошиб.
Оёғига янги өтиқ ярашиб,
Ўзим ҳар жойдаман, хаёлим сенда.

Чой ичган косани қўйдим минора,
Ошиқлик йўлина тушдим пиёда.
Ҳамманинг ёридан ёрим зиёда,
Иккимиз ҳам яшагаймиз дунёда.

Тақиё таги кўк парчанинг нақшидан,
Сен боладан айрилмасам яхшиман.
Кечалар кезма деб зорлар қақшайман,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

Баландда турибсан қўлим етмайди,
Сендан бошқа ёрга кўнглим кетмайди.
Йигитнинг сараси сендан ўтмайди,
Бола менга манзил-макон бер дейди.

Ёр келади, ёр келади, дедилар,
Олма билан нор келади, дедилар.
Орзу-армон билан тиккан тақямиз,
Ёр бошига тор келади, дедилар.

Беш пахса чарвоғинг чөлча кўринмас,
Менинг ёрим йўл юришга эринмас.
Келавер, жонингдан жоним айлансан,
Ер келар кечаси эшик илинмас.

Дарвоғадан чиқиб туриб керинган,
Қадам босиб йўл юрмакка әринган.
Ўн тўрт кунлик ойдай бўлиб кўринган,
Ўн тўрт кунлик ойга манзил суюрим.

* * *

Маъшуқи жоним кўргони келдим,
Ҳарна буюрсанг, қиалгони келдим.
Лутф айла, менга қоши камоним,
Шакар лабингдан сўргони келдим.
Ошиқларингга наззора айла,
Сенга ўзимни сотгони келдим.
Кўрсат ўзингни, мен бир кўрайин,
Ойдек жамолингга тўйгони келдим.
Лаб ташналарга қилғил тараҳум,
Остонангизда ётгони келдим.
Хўбларнинг хўби бўлдим гирифтор,
Ишқинг ўтида қўйгони келдим.
Шаҳло қўзингга жоним тасаддуқ,
Сумбул сочингни ўргони келдим.
Эй, қадди нозик, қилғил тараҳум,
Арзимни сенга айтгони келдим.

* * *

Бир йўла боқдим, ҳайрона қилдинг,
Ақлу ҳушимдан бегона қилдинг.
Ҳар нарса қилдинг, жонона қилдинг,
Шаҳзодаликдан девона қилдинг.

Жоним пояндоз ҳар бир сўзингга.
Ширин экансан шаҳду шакардан.
Ҳар илтифотинг асли азалдан,
Кўзингда кўзим мастона қилдинг.

Қўйгин қадамни бизлар томонлар,
Кетмоқда энди юзи сомонлар,
Очилсни юзингдан гуллар, чаманлар,
Келмай қолай деб сарсона қилдинг.

Арава қўшма, оқ юзларинг чанг бўлар,
Қўл булгама, элу юртга танг бўлар.
Кор ёққан оқшоми келманг, из бўлар,
Изни кўриб, элу юртда сўз бўлар.

Сарҳовуз бўйига келиб тушсангиз,
Чилим берай, чой берайин иссангиз.
Менинг бир гапим бор, сиз битирсангиз,
Жонимни бераман, мени десангиз.

Боққа киринг олма, узум есангиз,
Уйга киринг, тилла ката минсангиз.
Жонимни бераман, мени десангиз,
Ўнгайи келганда ўйнаб-кулсангиз.

Камзул қилиб кийиб кетди олани,
Ихлосгинам урсин сендай болани.
Борибман, қора чоламан,
Эгнидаги еловагайни оламан.

Чарх йигирсам, пул бўлади, янгажон,
Бошим тўла гул бўлади, янгажон.
Хеваликнинг манман деган йигити,
Эшигимда қул бўлади, янгажон.

Ховузингга уч турли гул сенаман,
Уч қора кўз бор, қайсисин ўпаман,
Кичкинаси келиб кетди ёнима,
Уртанчаси ўт солади жонима.

* * *

Тамакини солинг чилимга,
Бир сўз келди тилимга.
Олиб келинг чилимни,
Мен сўзлатай тилимни.
Чилим айтадир: «Лахча менинг бошимдадир,
Ҳар жойда аламзада менинг қошимдадир.
Ошиқ кишининг ўлтириши қўчанинг боши,
Қўлида рўмол доим оқар қўзининг ёши.
Кўз ёш билан рўмолини ҳўл қилса бўлур,
Бир ғамза билан ошиқларни қул қилса бўлур».

* * *

Йўл билмасанг, сўра йўлни билгандан,
Улган яхши нола чекиб юргандан.
Улар бўлдим бевафонинг дардидан,
Ҳасрат қилдим ичу тошим тўлгандан.

Чилим чеккан бангиларнинг бириман,
Дуо борми, жоду борми, билмайман.
Утган ойнинг ўн бешида кўргандим,
Яхши ҳамки, ичиб оғриб ўлмайман.

Осмонга қарасам, уч кунлик ойлар,
Меҳмон бўлиб тушган Гурланга бойлар,
Олдида самовар пишқириб қайнар,
Кўлида чинниси жингирлаб ўйнар.

Товуш берди дарвозанинг тумими,
Жоҳил бола келиб тутди қўлими.
Кўрсатади тангасининг пулинини,
Танга керак эмас, дийдоринг керак.

Камзулимнинг ичидаги ёрим, ёт мени,
Ана бозор, ана харидор, сот мени,
Ана бозор, ана харидор ўтмасам,
Ана майдон, ана милтиқ, от мени.

Узоқдан қарасам, қоши қорадир,
Қоши қора бола ўтлар соладир.
Жоҳил бола жойинг келса, ол мени,
Тегишишмоқ гапларинг жоним оладир.

Қора сочим ёзринимни қуршайди,
Ернинг кўзи ўз кўзимга ўхшайди.
Ернинг кўзи ўз кўзимга ўхшаса,
Душманларнинг танда жони қақшайди.

* * *

Эй, ёронлар, биродарлар,
Дунёдан армонли кетдим.
Қараб турган қиз-жувонлар,
Найлайн, армонли кетдим.

Умрим ўтди қонлар ютиб,
Кобирга ерларга ботиб.

Үлмадим оёқ узатиб,
Найлайнин, армонли кетдим.

Кулбам, айвоним йиқилди,
Үйимга қора тикилди.
Болаларим етим қолди,
Найлайнин, армонли кетдим.

Дунёда иззат кўрмадим,
Завқу сафо ҳеч сурмадим.
Гуноҳим надир, билмадим,
Найлайнин, армонли кетдим.

Кўрмадим ҳузур-ҳаловат,
Доим ишим бўлди меҳнат.
Бошимда қамчи пата-пат,
Найлайнин, армонли кетдим.

Дунёда емадим барак¹,
Болаларим бўлди ҳалак.
Бахт бизларга бедарак,
Найлайнин, армонли кетдим.

Энди менинг чиқар жоним,
Оқизди қирмизи қоним.
Турмакка йўқдир мадорим,
Найлайнин, армонли кетдим.

Фарёд қилмоқ вақти етди,
Қамчилар жонимдан ўтди.
Золим хон зулмини этди,
Найлайнин, армонли кетдим.

* * *

Сувмикан деб ариқлардан ҳатладим,
Баҳона билан оғамларга қатнадим.
Сен болани оқ сийнамда сақладим,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

Қораман тагини қора дедилар,
Еримни шу кунлар бола дедилар.
Шунга сенинг умринг зоя дедилар,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

¹ Чуввара.

Сув бўйига чиқдим чойнак ювмоққа,
Худодан қўрқаман жавоб бермоққа.
Бандадан ўёлдим кеча бормоққа,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

Узоқлардан кўринасиз ўзингиз,
Биздан ҳам бошқага тушди кўзингиз.
Айтотмайсиз аввалгидай сўзингиз,
Келавер, жонингдан жоним айлансин.

* * *

Ерим бўлсанг келмасмидинг ойлардан
Пул кўтариб олмасмидинг бойлардан.
Насибам бўлмади оқ саройлардан,
Мен нега ёнаман, шунга ёнаман.

Дарвозадан ҳайдаб чиқар қўйини,
Кеча-кундуз мен чекаман оҳини.
Ҳар замон оҳ уриб йўлга қарайман.
Олислан кўргазар узун бўйини.

Айвонингга гул экаман наҳаллаб,
Бир замон ётмадим ёнингда терлаб.
Зор бўлганда уйғонаман саҳарлаб
Мен нега ёнаман, шунга ёнаман.

Болани кўрганда ёнавераман,
Бир қараса дунё молим бераман.
Онамдан, отамдан яхши кўраман,
Мен нега ёнаман, шунга ёнаман.

Ати зинда қўш қўшади солланиб,
Мен бораман бўйларингдан айланиб.
Мен борганда бўйларингдан айланиб,
Онанг айланмаса ўзим айланиб.

Оқ айвоннинг ўра¹симам, онажон,
Бир болангни сарасиман, онажон.
Ултирганда қизил гулман, онажон,
Тик турганда лоласиман, онажон.
Ҳовузнинг бўйида гулнинг донаси,
Юбормайди Тўхтажоннинг онаси.
Юбормаса юбормасин онаси,
Ҳали туриб тўйга кетар ҳаммаси.

¹ Устун.

Дарвозадан чиқиб туриб кўраман,
Оталарим билиб қолса, ўламан.
Отам, онам дейман билиб қолмасин.
Ешгина жонингга завол бўлмасин.

Бизнинг ёрнинг камзулини енги йўқ,
Шу томонда бизнинг ёрнинг тенги йўқ.
Мен ёримни мақтагандан айтмайман,
Юсуф пайғамбардан унинг ками йўқ.

Аравасини губир-губир ҳайдайди,
Араванинг устида бола не дейди.
Қулоғимга қалтис тегди бир гапи,
Бугун туриб эртан бораман, дейди.

Сариқ гул тагида сарғайиб ётдим,
Яхши ёр ахтардим, ёмон ёр топдим.
Яхшини ахташиб ёмон топганда
Ёмон ёр қурисин жазамни тортдим.

Эшикдан ўтади белинда отма,
Жонингдан айланай, ҳар жойда ётма.
Кўп бўлади гуж йигитнинг душмани
Дўст бўлиб сирингни ҳар жойда айтма.

* * *

Қора чўгурмангнинг гуллари бурма,
Буралиб, товланиб тўғримда турма.
Келавер жонингдан, жоним айтаман
Етавер, устингга кўрпа тортаман.

Қораман оғачинг ёнари бўлмас,
Енганда ўтининг ҳунари бўлмас,
Келавер жонингдан, жоним айтаман.
Йнги ёр тутганинг қарори бўлмас.

* * *

Олис ердан келдим сени кўрмакка,
Сиё зулғинг тараб-тараб ўрмакка.
Юрса йўл инжилмас оёқларингдан,
Зулғингни тараган тароқларингдан.

Олисдан мен кўрдим манглайинг ёзиқ,
Кийганинг хулладир, белларинг нозик.
Билакка ярашар олтин билагузук,
Кумуш сирға осган қулоқларингдан.

Чинорнинг зинаси қирқ зинапоя,
Туришинг ўхшайди осмонда оя.
Юртингда қадринг йўқ бўлибсан зоя.
Бир жавоб олмадинг одамларингдан.

Эгнингга кийганинг бари даройи
Юртингнинг одами бари саройи.
Оқ юзингда туққан рамазон ойи,
Улсам айрилмасман қучоқларицдан.

Юзларинг ўхшайди шам еган оя,
Оқ юзингга сиё зулфларинг соя.
Базм айлаб ўлтириб тилло сароя,
Шакардин ширинроқ дудоқларицдан.

Юртимдан чиқиб эдим айни номозшом,
Мени кўриб нега чиқмадинг оқшом,
Сени кўриб кўнглим бўлди паришон,
Юрганда сочилган сочбоқларингдан.

Тақёндаги туморингни бураман,
Ваъда берган жойларингда турман,
Кирганда, чиққанда жавоб ураман,
Ерим сенинг бодом қовоқларингдан.





ЛАПАРЛАР

Лапарнинг аввал боши мармар тоши,
Чит рўмолни ҳўл қилган қўзнинг ёши.
Чит рўмолим ҳосаё, қўлимда чинни косаё,
Қизлар лапар айтганда йигитлар қулоқ солсаё.

Лапар айтсанг тўйда айтгин, сулув қизлар қочаро,
Очилмаган гул ғунчани булбул келиб очаро.
Эй булбул, мунча сайрайсан тоги тошни ўйдириб,
Иссиқ, совуқ сув ичасан мой юрагинг куйдириб.

Кўзам олиб сувга чиқсам оҳ урадир бир йигит,
Кўзам қўйиб қулоқ солсам ёрдан айрилган йигит.
Ёрдан айрилган йигитнинг ёри мен бўлсаммикин,
Қўлига қирғий бериб кўксида жон берсаммикин.

* * *

Дарёning нарёғида бир туп ғўза,
У ғўзанинг тагида олтин кўза.
Жон янга, жоним янга, арзим сизга,
Ўйнашга рухсат беринг қора кўзга.

Оққина кептар боради жойига,
Кўп ошиқ бўлманг бироннинг ёрига.
Кўп ошиқ бўлган бироннинг ёрига
Осиладир оқподшонинг дорига.

Оқподшо подшолигини талашур,
Оқ қўлим кифтингга солсам ярашур.
Ўнг қўлим шона-шона, ҳар қўлимда бир шона,
Кетарингда бера кетгин қизил олма нишона.

Мундин кетсам бозор ичра бораман,
Бозор бориб ёрга тароф оламан.
Тарофли сочинингга ватан қиласман,
Шу замонда лапарчи мен бўламан.

Лапаримни айтсам соғинаман,
Соғинганда сафар кетиб бораман.
Сафар кетсам мунда ёрим, қоласан,
Айтган тилим олмайдиган боласан.

Орқада савдогарлар бўлди қалай,
Келади карвонларда қанд билан чой.
Йилқидан қулун бойлаб минармиз той,
Сен ёрни кўрмаганга бўлди талай.
Худойим агар ўнглаб тез келтирса,
Сенингдек паризодни ўзим олай.

Сочинг ёйиб юв дағи бугун тара,
Менга совчи келди деб йўлга қара.
Қошинг қалам сен ёрнинг кўзинг қора,
Қошинг қора бўлса ҳам ўзинг сара.

* * *

Далада қовун полиз, лапар айтинг ёрим холис,
Айт деганда айтмайди, гап билмаган бетамиз.
Оқила, зеҳнингни қўй сенинг ҳадрингга етамиз,
Тобинг бўлса жадал айт, бемаҳал йўлда қайтамиз.

Эрта билан тонг отиб кун чиқади,
Куруқ оғиз лапардан не чиқади.
Шўр-шўр ерингдан шўр чиқади,
Узук берсанг бизлардан пул чиқади.

Лапар айтдик қочдингиз ким билади,
Лапар билган йигитлар тўй беради.
Ариқ бўлса ҳовлисига сув киради,
Пулга лапар айтган қиз қул бўлади.

Қизлар маржон соладир оқ сандиққа,
Ортирганин сақлайдур қари сандиққа.
Лапар айтинг, қарз бўлдик сизлар тўқинг,
Кафши солай, шу ёрим тасаддуққа.

Шафтоли пишти тўкилди небало ширин экан,
Дунёнинг ширинлиги ота билан она экан.
Ота бўлиб, она бўлиб ўлим бўлмаса экан.
Ўлганларга беҳишт бўлиб, дўзах бўлмаса экан.

Лапар айтиб ишқингизда куяман ёр,
Лапарни айтиб-айтиб бўламан зор.
Лапарни сизга маъқул қиласман деб,
Доимо халқ ичида бўламан хор.

Тоқатим йўқ энди сизга лапар айтсан,
Қўнглим йўқдир энди сизга лапар айтсан.
Бу Чимкентда кўрмадим сиздек паризодни
Ҳеч бир раҳм этмадингиз йиғлаб ётсан.

Даричадан бошни боққан, дилбарим,
Ғамза бирла қошни қоққан, дилбарим.
Дил бериб дилдор эканин билмадим,
Сояси гулзор эканин билмадим.

Кичкина чарбоғ ичида шоҳ булбул ўзи,
Отга миниб қамчи солган бойбаччаларнинг ўзи.
Чой ичиб оғзингни артган дастрўмолинг мен бўлай,
Отга миниб қамчи солган мен бўйингдан ўргилай.

Байт-байт дедилар байти шундоқми, тўрам,
Үқиган мулло тўрамнинг шарти шундоқми, тўрам.
Үқиган мулло тўра очгин китобингни кўрай,
Отам билан онамни солгин беҳиштга, мен кўрай.

Кичкина чарбоғ ичида чарх уриб ётган йигит,
Салласин кўксига қўйиб оқ уриб ётган йигит.
Болохонангга чиқай шотниу нарвон билан,
Йиқилиб ўлсам кетарман ранж тўла армон билан.

Эй ёрим, отинг нима аввал баҳор
Лабларингни сўрмайин қолдим наҳор.
Бошқанинг лабини сўрсам заҳри бор
Эй ёр, шакар лабингнинг қанди бор.
Ховлингдан ҳовлингга тушсан
Гул ётур шохи билан,
Юрагимга ўтни солди гул япроғи билан.

Гул очилмасми бугун, гуллар сочилмасми бугун,
Беадаб биздан ўтибдир ёр кечирмасми бугун?
Бизнинг уйнинг орқасида икки туп оличаё,
Оличага ўрганибдур кўккина қирғичаё,
Кўккина қирғичани қанотлари бир найчаё,
Бизни ёрлар юборибди тилладан туморчаё,
Бизни ёрлар юборса тилладан туморчаё,
Мен анга қайдин топай кўмушдан ёрлиқчаё.

Гулни чаккага қўйиб ўйна ёр,
Молим бериб деворимдан бўйла ёр.
Бирин айтсан лапарнинг бири қолади,
Ростин айтсан бариси мингтacha бор.
Лапар айтдик, сафарлар энди қариди,
Аввал оқшом шу расмлар бориди.

Қошингни қаро қилмай қўзингни ало қилма,
Муллохўжага бориб мени бир бало қилма.
Қошминан киприк ораси бир бўғин,
Ишқингда икки букилдим кел бугун.

Дарёнинг ўртасидан йўл соламиз,
Қизил гул новдасидан уй соламиз.
Қизил гул новдаси тарам-тарам
Бизнинг ёрнинг қошлари қийган қалам.

Қизларжон, қайнар булоқقا бошламанг,
Моли кўп деб бой боласин хушламанг.
Мол деган қўлнинг кири ювса кетар,
Тирик қулга мол битар, ўлган кетар.

Оқ ғўза, малла ғўза суғурайлик,
Қайрағоч тагларида йигирайлик.
Қайрағоч қаттиқ ёғоч синмас экан,
Қариндошга қиз берган тинмас экан.

Дарёning нарёғига қўй берамиз,
Тўтиқуш боласига тўй берамиз.
Тўтиқуш боласига ипак керак,
Ёр билан ўйнамоққа юрак керак.

Ёр билан ўйнай-ўйнай синди билак,
Дунёning моли билан битмас тилак.

Андижондан ариқ олдим Марғилонга оқтиё,
Олдимдан бир қиз ўтадир хўп зийнимга¹ ёқдиё,
Олма оттим, қайрилиб ёнига бир йўл боқтиё,
Олма теккан жойларда сувлар тўлиб оқдиё.

Лапар айтмоқ савобдир, саккиз ёшимдан айтдимо,
Қўлларимда даста гул субҳидамдан қайтдимо.
Субҳидамнинг салқини синдириди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафонинг дардини.

Бевафо ҳаргиз вафодор ўлмади,
Тол ёғоч асло мевадор бўлмади.

Қизларжон томга қўёдир бўзини,
Савдогарга кўрсатадир ўзини.
Савдогар савдо қиласидир мол учун,
Йигитнинг топган моли қизлар учун.

Дарёning нарёғида ҳайҳайлаган.
Қамчисининг сопига зар бойлаган.
Қамчисини қайириб отга солган,
Ўз ёрини ёмонлаб хатга солган.

Дарёning нарёғида шафтолизор,
Шафтолизор тагида қизлар бозор.
Отангиз берар бўлса биз харидор,
Онангиз тилларидан худо безор.

Сувдан сувчи келади сувни лойлаб,
Үн бешимда ўлтиридим ўрин тахлаб.
Яхшини ўйлаб умид, орзу билан,
Бир ёмон олди-кетди баҳтим бойлаб.

¹ Зеҳнимга.

Тахта-тахта дарвозангни чертиб ўттим билмадинг,
Югурниб томингга чиқдим уйқудан уйғонмадинг,
Уйқу-уйқу дейсан-а, уйқуда қасдинг бормиди?
Бизлар кетиб борамиз айтарга арзинг бормиди?

Каклигим қаҳ-қаҳ урадир шотеракнинг шохida,
Пастга тушмай қошига ўсма тилайдир каклигим.
Ўсмаси ёмон экан қулф урмади,
Ваъдаси ёлғон экан бир келмади.

Юқоридан келаман биласанми,
Отим ария тиласа берасанми?
Оting арпа тиласа шивит есин,
Оқ кўйлагинг кир бўлса онанг ювсин.

Тошкентга пул юбордим савағичга,
Сени отанг берипти сайроғичга.
Сени отанг берсалар сайроғичга,
Ахир номус келадир қиз бояқишга.

Баҳор-баҳор, ёрим келадир саҳаро,
Ул ёрни баҳор десам турган-битгани заҳаро.

Осмонда ой бордир, бармоғимда хол бордир,
Орқамга қайтиб боқсам, қоши қора ёр бордир.
Қора қошга етайлик, қайрилма қошга етайлик,
Қора қош қайрилмаса дунёдан шундог ўтайлик.

Қовун палак тагидан топдим тарвуз,
Оғам кетиб боради қолдим ёлғиз.
Мен ёлғизга сен ёлғиз туман тўққиз.
Самарқандда чачвоғим, сочим қундуз.

Юқоридан келаман от ўйнатиб,
Қўшхонангнинг тушаман ёр йўқотиб.
Қўшхонангнинг эшиги арчамиди,
Ойимларни кийгани парчамиди.

* * *

Лапар айтиб бораман, лакарни кимга соламан,
Тўхтаб туринг, жон ака, миরза оғамга соламан.
Мириза оғам олмаса обло ўётга қоламан.

* * *

Дарчадан мўраламанг: бошим яланг,
Боқсангиэ, боқмасангиз қошим қалам.
Қошимнинг қаламлигига отгин мени,
Ошиқлик бозорида сотгин мени.
Ошиқлик бозорида олмасалар,
Кипригингдан ўқ ясаб отгин мени.

Оқ узум, қора узумни уздилар,
Ширасини тогорага сувдилар.
Кимнинг ўғли, кимнинг қизи дедилар,
Иккаласи холавачча дедилар.

Дарёning нарёғига уйларингиз.
Оқариб кўринади бўйларингиз.
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз.
Бизданам ортиқмиди суйганингиз.

Оқ уйингга олма тердим санамадим жупми, тоқ,
Рўпарамда ўтириби қоши қора, юзи оқ.
Қоши қора, бети оққа ким берар аччиқ шароб,
Кўзлари ўтдай ёнадир қилди бағримни кабоб.
Кичкина тугма түгдим олтин эмасмикин-о,
Бориб сўранг бизнинг ёрдан ошиқ әмасмикин-о?
Ошиқликни ўзи билиб куйиб ўлмасмикин-о.

* * *

Дарёning у юзида минораман,
Минорага суялиб гул ёнаман.
Ярми оқ, ярми қизил пиёламан,
Ёрга салом бергани ўёламан.
Бир салом, икки салом қариндошга.
Токай салом бераған бағри тошга.

Дарёning нарёғига минораман,
Югуриб бориб минорага суёламан.
Ичи заррин, сирти кумуш пиёламан
Мен сени ёр дегани ўёламан.

Қизларжон қиммат бозорин қиздирур,
Йигитни ота-онадин беzdирўр.

Шул қизни шу ишига розимиз,
Кези келса қош қовоқни суздиур.

Кич-кичкина сандиғо, сойдин ўтолмай қолди-ё,
Маккани¹ бозор қилиб олтин жигалар олди-ё.
Макка йўли шода-шода марварид,
Рўпарамда ўлтиради қоши қора ҳур йигит,
Қоши қора ҳур йигит асло ололмайсан мени
Чачвогим сенинг баҳонг, сарсон қиларман сени.

Дарёning нарёғида қўш ҳайдаган, ёр-ёр
Бир ҳайдаган ерини беш ҳайдаган, ёр-ёр.
Ҳовлисида тути йўқ от бойлаган, ёр-ёр
Ҷўнтағида пули йўқ ёр танлаган, ёр-ёр.
Ёр танлаган қўйнига илон кирсин, ёр-ёр,
Эгарлаган отига шайтон минсин, ёр-ёр.

* * *

Қизларжон, ҳурланди ҳурдай бўлмади,
Қоши кўзи бари бирдай бўлмади.
Қизга берган қалин молинг қайтиб ол,
Үнг бетида жўра холи бўлмади.

* * *

Қизил-қизил олма тердим тепа шохидан эгиб,
Бир йигит ўтиб борадир белбоги ерга тегиб.
Салом берсам алик олмас, тол хивичдек эгилиб,
Ўстирган онангга раҳмат, ўлмагайсан кўз тегиб.

* * *

Қошингнинг қораси айлана келган,
Анорнинг соясида рўпара келган.
Анорнинг сояси сойга сарандоз.
Янги чиққан шолпар ёрга пояндоz.

У ҳовлидан бу ҳовлига сув оқар,
Мен ўлсан ота-онамни ким боқар.
Сен ўлсанг ота-онангни мен боқай,
Сен ёқмаган шамчироқни мен ёқай.

¹ Маккажўхори.

* * *

Оғамжон отланди кетди Сир бўйига овга-ё,
Үрдак билан ғоз отибдири гажжаклари совға-ё,
Ул гажжак гажжак эмасдир ола-ола пати бор,
Мен оғамдан ўргиламан Шоқаландар оти бор.
Шоқаландар оғамо, мирза қаландар оғамо,
Уйлари олисадидир қайларда меҳмон оғам-о.

* * *

Бошингдан ўргилай, ёrim,
Қўлингга сув қуяй доим.

Қўлингга сув қуёлмасам,
Шаҳид ўлсин менинг қоним.

Лапарчи борадир хонга додга,
Менинг отим қўшманглар ёмон отга.
Менинг отим қўшсанглар ёмон отга,
Қандай жавоб бераман қиёматда.

Дарёning нарёғида қошиқ ювган,
Ким дегани ўғлисан ошиқ бўлган.
Ошиқ бўлсанг, ҳар ойнинг бошида кел,
Бизнинг маҳалла кўп ёмон, ёшида кел.

* * *

Эшик олди бир тўп олма шохлади-ё, кетди-ё,
Мен нима дедим ёrimга отланди-ё, кетди-ё.
Қўлларидан ушласам, ушлама ёrim, деди-ё,
Жон омон бўлса келарман сарғайма ёrim, деди-ё.

Сарғаярман, сарғаярман сариқ ипак рангидек,
Эгиларман, букиларман ошпичноқнинг бандидек.
Ошпичноқ банди кумуш, бизнинг ёр келмас эмиш,
Бизни ёр келай деса жўралари қўймас эмиш,
Жўралари ўлса экан, бизнинг ёр келса экан.

* * *

Сув қуайбман жийда майдон бурчига,
Хол тушибдири келиннинг юзига.

Кирмасинлар ўзгаларнинг сўэига,
Охирига пушаймони урадир ўэига.

Жийда кесдим, сувга солдим сув бўлиб оқармикин,
Чин кўнглимни ёрга бердим, оғрисам боқармикин.
Оғридим боқолмади, қўйлар олиб қоқолмади,
Жон отам, жоним онам юртларда эмчи қолмади.

Эшигингга супа боғлай, лой қилиб қоним билан,
Чин менга ошиқ бўлсанг, хизмат қилай жоним билан.
Чин менга ошиқ бўлсанг, томдан ўзингни ташлагин,
Ота-онаңг сўраса беморман деб йиғлагин.

* * *

Оғамжон уй солибдири паст-пастгина,
Ичига гул битибдири қат-қатгина.
Гулидан олай десам тикони бор,
Сувидан ичай, десам илони бор.

Гулидан узмай девдим уэдирдилар,
Сувидан ичмай девдим ичдирилар,
Ота-онаам уйидан кўчирдилар.

Ота-онаам уйида меҳмон эдим,
Олтин тахтнинг устида ўйнар эдим.
Олтин тахтнинг устидан тойдим тушдим,
Кўлимга қайчи олиб баҳмал бичдим.

Баҳмал бичган қўлимни доғи бошқа,
Қўқон кетган акамнинг оти қашқа.
Отининг қашқалиги манглайида,
Тилининг ширинлиги танглайида.

Чилла кирса нор туялар маст бўлар,
Йигит ўлса баланд тоғлар паст бўлар.
Қари ўлса бир худонинг қарзиидир,
Йигит ўлса бир худонинг ҳастиидир.

* * *

Дарёдан оқиб келади оқ ёғоч,
Оқ ёғочга ин қўйибдири қалдирғоч.

Қалдирғоч қанотига қил боғлади,
Бизни ёр келмасликка бел боғлади.

Чархимнинг қулоғидан қил ўтади,
Мен сенга лапар солсам йил ўтади.
Эски сомон устига янги сомон,
Менга лапар топмаган оғзи ёмон.

Тегиғмонга буғдой солдим, кам эканин билмадим,
Шу кишига лапар солдим, гунг эканин билмадим.
У томдан бу томга сакрайди малла мушук,
Менга лапар топмаганнинг оғзи қийшиқ.

Музни тешдим, сувни ичдим лой эканин билмадим.
Хотини ўлган йигитнинг бой эканин билмадим.
Хотини ўлган йигитга эри ўлган йўқмиди,
Биргина ёлғиз бошимга гули раъно йўқмиди.

Лапарчи гўё йигит дерлар сени,
Эгилмас пичоқ эдим эгдинг мени.
Қўлингдан келмас экан ёр асрамоқ,
Халойиқ бадномига қўйдинг мени.

Қизил-қизил олма тердим тепа шохидан эгиб,
Икки қиз уйдан чиқади ҳайдари ерга тегиб:
Ҳайдаридан ушласам ушлама ёrim деди-ё,
Жон омон бўлса келарман сарғайма ёrim деди-ё.

Сарғаярман, сарғаярман сариқ ипакнинг ғангидек,
Эгиларман, букиларман қўш пичоқнинг бандидек.
Қўш пичоқнинг бандини асли ўзинг тўқибмидинг,
Овозингдан ўргилай мадрасада ўқибмидинг.
Мадрасанинг томида кўрдим сени,
Муҳаббат ишқи билан севдим сени.

Оқ сувдан оқиб келаман айланиб ҳам ўргилиб,
Эй ука, олгин қафасга сайрайин булбул бўлиб.
Кўзгиннингга кўринай жаннатдан чиққан ҳур бўлиб,
Пешаннингга тақилай боғда очилган гул бўлиб.

Оқсуводан оқиб келган оқ балиғим,
Пичоқсиз ҳалол бўлган жон балиғим,
Ўз юртимда йўқмиди ўз лойиғим,
Олдимдан тўсиб чиқди белойиғим.

Белойиғни олгунча танҳо юрган яхшироқ,
Оқар-оқар сувга тушиб оқиб ўлган яхшироқ.
Оқар сувинг қурисин, пешанамга битилган
Тақдир отинг қурисин, кўкарган толинг сурулсан.

Оқсудан оқиб келаман тутма мени,
Олдимдан оғам чиқиб тутсин мени.
Гул билан гунафшага ювсин мени,
Докадан кафан қилиб қўмсан мени.

* * *

Кўча-кўйинг лой бўлипти,
Ўтгани жой бормикин.
Оқ юзингга хол тушипти,
Ўпгани жой бормикин?

Саҳарлар булбул ўтар,
Мен ҳам булбулдан баттар.
Савдога кетган Қамбар.
Келиб саломсиз ўтар.

Чархим бор, чалмагим бор,
Мушугим бор, омборим бор.
Ҳошимбой ёрим бўлса,
Ёнимда гумбазим бор.

Том бошида ўлтирибдир,
Бўтакўзлик бир жувон.
Олма берсам ноз қиласидир,
Бўйни олтинлик жувон.

Бўйни олтиндек жувонни,
Сумбати сultonча бор.
Ўнг бетига хол тушибдир,
Янги тўлган ойча бор.

Далада якка терак яйдоғаси,
Мен бўлай ёлғиз оғам садағаси.
Қўй бўлсин, қўчқор бўлсин садағаси,
Мен бўлай бошидаги саржиғаси.

Чархимнинг қулоғида қуш оласи,
Менинг оғам қуралайнинг боласи.
Овга чиқса овчиларнинг сараси,
Үйга кирса улуғ уйнинг тўраси.

Зар тўнингни нега кийдинг,
Зарварақ тўнинг туриб
Киши ёрин нега сўйдинг,
Гул гунчадек ёринг туриб.

Томга чиқдим туртилиб,
Тортсанг этагим сўкилиб,
Сочи йўқ деб хўрлама,
Терламада тўкилиб.

Дарёдан оқиб келган оқ дастам-о,
Ҳеч воқеани билмаган хумдастам-о.
Ҳеч воқеа билмайди деб армон қилиб,
Кўча-кўй кезиб келган саргаштам-о.

Юқоридан келаман кумуш миљтиқ ярқиратиб,
Икки қиз мушкул тикар ёр-ёр айтиб.
Эй қизлар, уришманглар, юмдалашиб,
Бераман пулгинамни шилқиллатиб.

Юқоридан келади муллачалар,
Белида белбоги йўқ бойваччалар.
Белингга белбог берсам боғлармисан,
Онангнинг юрагини доғлармисан.

Қўлимдаги қўш узук қўлим, узук,
Қўзим сенга тушибдир қўзи сузук!
Ҳасратингда қовургам қайишади,
Қўлимда қўш узугим майишади.

Томга чиқдим туртиниб, тортманг этагим сўкилур,
Ҳайдаримга тегманглар, туморчаси тўкилур.
Гулнор очилур баҳоро, ёrim келар саҳаро,
Уларни ёrim десам турган бўлгани заҳаро.

Қиэларжон қилиққинанг қил ёради,
Лабгинангнинг шакари тил ёради.
Қошларинг қози бўлиб юрт сўраса,
Кипригинг жаллод бўлиб бош олади.

Катта уйнинг туйнугидан қўша тушган юлдузо,
Мен сенга олиб берайин осмондаги ойниё.
Рўмолингга нусха солай зориё,
Рўмолингни ерга қўйма, ураг ернинг гардиё,
Обло ишқни панди, ё, обло ишқни дардиё.

Қора тоғнинг бошида қоралашим,
Үндами, ўн бирдами қалам қошим.
Үндай бўлса дунёдан
Ўтсин менинг ёлғиз бошим.

Қизил гулни бойладим билагимга,
Ёр бўлиб ярамадинг тилагимга.
Ёр бўлиб ярамасанг тилагимга,
Алининг ўқи тегсин юрагингга.

Эшигингдан сув оқади облонинг шаршараси,
Эшигингга ҳужра солдим кипригим панжараси.
Кипригим панжараси, оқ қоғозни гардиман.
Олтин пичоқни бандиман,
Ёр десанг ўзимга келгин, яхши ёр гадойиман.

Қўчадан ўтиб боради Алихон гул ёрима,
Эгнида қалами яктак, ёқаси зardonима.
Олти ойда келаман деб, етти йил кетганима,
Ўзим оламан дебон, ваъдасидан қайтганима.

Шартидан қайтганга лаънат бошда дўплиси билан,
Мен ўзим шартимдаман бошимда рўмолим билан.
Бошда рўмол, танда жон, туйнукка келди тўлган ой,
Сен ётиб уйқуни ур, мен илондай тўлғонай!..

Кичкина гул хирмони совурдилар,
Танамни ўтга солиб қовурдилар.
Бағрим билан қонимга тўймадилар,
Қизил гул очилгунча қўймадилар.

Зебихон отланди кетди сой билан,
Қўлида чинни пиёла чой билан.
Чиннини сойларга урмай синдирур,
Бевафо кўнгилни қачоң тиндирур.

Товуш қўйдим товушқоннинг ўзига,
Хуштор бўлдим шу йигитнинг қўзига.
Бизни кўрди парда тутди юзига,
Жон тасаддуқ ҳар бир айтган сўзига.

Дарёning нарёғида минора қўш,
Эгнида чит яктағи боғичи бўш.

Чит яктак бөгичинг биз қадайлик кўнгилга хуш,
Бирорга ошкора қилманг, эй оғзи бўш.

Дарёдан оқиб келган тилла чилимнинг найиман,
Мадрасада ўқиган мулла йигитнинг ёриман.
Мадрасада ўқиган мулла йигит олгаймикан,
Қўлида чинни пиёла бир қиё боққаймикан.

Ёрминан далага чиқдим қарчигай овлагани,
Қизил гулдан новда кесдим ёр қўлин бойлагани.
Қизил гулнинг новдаси ёрдан гинам
Югуриб чиқмасмиди уйдан илдам.

Ой тушибдири жийда майдон устига,
Ер келибдири пахса девор устига.
Еш эдим, нодон эдим, билмас эдим,
Энди келса нури дийдам устига.

Қизил гулинг ҳовлингда,
Мен тақмадим даврингда.
Мен тақмасам даврингда,
Сабил қолсин ҳовлингда.

* * *

Борди дейди, келди дейди, ёрим менинг
Бош қиёдан ошиди дейди, ёрим менинг.
Бош қиёдан ошмагунча қаралар, кўринимас,
Кора йўрга минмагунча чўллар кезилмас.

Кора йўрга йўрғалатган алодан аргамчи,
Эгар, тўқум йўлда қолди белимда қамчи.
Эгар, тўқум қолган ерда қамчи қолибдири,
Қамчи бўйли шу ёримдан кўнглим қолибдири.

* * *

Ғамим кўрганларим менинг ёруғ дунёда
Сочларимнинг сонларидан зиёда.
Агар ундан қутулмоққа уринсам,
Ғаним отлиқ: қочолмайман пиёда.

Юриб бордим булоқнинг боши бирлан,
Дараҳт эқдим қўзимнинг ёши бирлан,
Шамол келди дараҳтимни қўпорди,
Мени урди фалакнинг тоши бирлан.

Деворингга қарға қўнди, ўқ ясадим отгани,
Элданам номус қиласман сени ёр деб айтгани.
Ой әмасман, кун әмасман әшигингдан боққани,
Чашма суви мен әмасман әшигингдан оққани.

Мунча ҳам қора бўлурми қўзингиз,
Асалдин ширин бўлурми сўзингиз.
Мен сизни қарғай десам, жоним ака,
Шу кеча меҳмон әкансиз ўзингиз.

Эй боғларни сел уриб, қизлар чиқади тутга-ё
Онаси чақирадур, барг олиб кел қуртга-ё.
Жон онам, жоним онам қуртинг қурсин,
Олдимдан ёрим чиқиб шарманда қилди юртга-ё.

Эй боғларни сел уриб гул қоқ этар,
Яхшини кўрсам томоғим тақ этар.
Яхши-ёмон бир худонинг бандаси,
Эгнида ҳазрат Сулаймон жандаси.

Қошимда марқа қўзининг териси,
Шу акам икки қўзимнинг бириси.
Мен агар шу акамни ёр демасам,
Ситилиб оқсин қўзимнинг бириси.

Қирқ қулоч сочингни ёйдинг дорга-ё,
Банда бўлай сиздаккина ёрга-ё.
Банда бўлсан сиздаккина ёрга-ё,
Сиз туринг мен осилайндорга-ё.

Юқоридан келаман, бўёқчиман,
Тошкент йўли қайда деб сўроқчиман.
Тошкент йўли Чирчиқдан нари дейди,
Қизнинг сўзи йигитга дори дейди.

Явонда якка терак, ҳилвон терак,
Мен ёримни сотаман кимга керак.
Қизил гул билан асраган ёрим эди,
Ўзига ўзи қилди жазо керак.

Қиз деган қип-қизил гул әмасми,
Ой деганинг бир ўттиз кун әмасми.
Қиз қизил гул бўлганда йигит булбул,
Авлиёдек қизларни тунамасми?

Қизгина кетаргинангни англадим,
Сен кетар деб дарвозангни пойладим.
Орқангдан элчи юбордим келмадинг,
Оқибат йўлингга боқиб йиғладим.

Акажон кетар бўлсанг йўл бошгина,
Кетарингда мени қил йўлдошгина.
Кетарингда мени қилсанг йўлдошгина
Охир сўзим, бўламана ўйнашгина.

Кокилингга қора мунчоқ тоқайин,
Сизнингдек гулёрни қайдин топайин,
Сизнинг билан бизни аро қирқ қадам
Кунда бир совчини қайдин топайин.

Кокилим бурам-бурам бурма йигит,
Рўпарамда буралиб турма йигит.
Мен ўзим ошиқликда қўйгандирман,
Ёрлигимда ёлбориб турма йигит.

Кокилимни ўрда шамол ўраган,
Арзини чўлларда айтиб йиғлаган.
Арза етар ошиқ билмайин,
Беақл молини барбод айлаган.

Сув ичида сабзининг ҳолати бор,
Ўз тенгига тушганинг давлати бор.
Ўз тенгига тушганини мирза деманг,
Мирзаликка ярашур меҳнати бор.

Кўчадин ўтиб бородир бир киши.
Белидан тўкилди қолди кишлиши.
Кишлишини терай деб ҳавасдаман,
Қайрилиб қаҳ-қаҳ уродур бир киши.

Эшигингдин сув оқодур кўбалаб,
Кўксингга бир гул битибdir кўрпалаб.
Укамжон кетиб борасиз ўпкалаб,
Энди келсанг, эшик очай эркалаб.

* * *

Шафтоли пишди тўкилди, терайин деб келдимо,
Ёрим солган оқ саройни кўрайин деб келдимо.
Ёрим солган оқ саройни тўйнуги тилла эмиш,
Кечаги ўлган жувоннинг қайлиғи мулла эмиш.

* * *

Дарёning ул юзида кўрдим сени,
Муҳаббат ишқим билан суйдим сени.
Муҳаббат ишқим билан суймай найлай,
Кичкинамда кўз очиб кўрдим сени.

Эй боғларни сел уриб селанда қолган бошима,
Яхшиларни ёр деб армонда қолган бошима.
Яхшиларни ёр десам яхшилар мендан қочара,
Толеимнинг йўғидан ёнган чирогим ўчара.

Қизил гул ҳарчанд очилса норча бор,
Яхшини босган изи хурмонча бор.
Яхши билан бир лаҳза ўйнаб кулсанг,
Ёмон билан қирқ йилги умрча бор.

Қизлар гул чўлда битибди қони йўқ,
Ул гулдан узган одамнинг сони йўқ.
Яхшилар бир гул узипти ўзига,
Ёмонлағ узган гулининг сони йўқ.

Қизил гулни бойладим аргамчига,
Қайдин ҳам кўнгил бердим ёлғончига.
Ёлғончи, ёринг бўлай демабидинг,
Бешёғочда беш олма емабидинг.

Шунча жўрам ичиди чектим чилим,
Бу чилимнинг ичиди кўйди тилим.
Шу укамни ўзида жони таним,
Йигилишиб олиб бер оға-иним.

Номданакнинг каклиги қил бойлапти,
Бизни ёр кетарига бел боғлапти.
Кетса кетсин бизни ёр эсон бўлсин,
Ёр эсига тушганда асир бўлсин.

Номданакнинг усти дала, ости дала,
Кўклам бўлса очилар тарғил лола.
Сен ўзинг яхши йигитни хушлайсан
Кўзингга кўринмайдир биздек бола.

Иигит: Юқоридан келаман ёлғиз ўзим, ёр-ёр,
Қўлимда кўк қарчигай сариқ юзим, ёр-ёр.
Ўлан айтиб ўтирган, бўтакўзим, ёр-ёр,
Бари қиздан яхисан, ёлғиз ўзинг, ёр-ёр.

Киз: Боғда очилган баҳорда гул бўлади, ёр-ёр,
Бу жаннатда ғулмон билан ҳур бўлади, ёр-ёр,
Охун қизга осилмай тўғри айтинг, ёр-ёр,
Қиз боланинг бариси бир бўлади, ёр-ёр.

Иигит: Серкаларнинг бошида шохи бордир, ёр-ёр,
Ҳар бозорнинг ўзининг нархи бордир, ёр-ёр.
Қиз боланинг бариси бирдай дема, ёр-ёр,
Қиз бола билан қиз бола фарқи бордир, ёр-ёр.

Киз: Саратонда тоғдаги қордай бўлар, ёр-ёр,
Ярашиқли қаторда нордай бўлар, ёр-ёр.
Синчи бўлсанг айтиб ўт, охун ака, ёр-ёр,
Яхши, ёмон фарқлари қандай бўлар, ёр-ёр.

Иигит: Тошкентнинг бир бозори ўймоқ бозор, ёр-ёр,
Йигитлик жўмард элга қўй боқтирас, ёр-ёр.
Қиз боланинг яхиси тушиб қолса, ёр-ёр,
Отинг бойлаб олдингда ўйнаб турас, ёр-ёр.

Ўроқчининг қўлида бовлиқ турас, ёр-ёр,
Қўй ичида иргалиб совлиқ турас, ёр-ёр.
Қиз боланинг ёмони тушиб қолса, ёр-ёр,
«Ота, бирор келди!» деб ҳовлиқтирас, ёр-ёр.

Йилқи ичида минганим жийрон чубар, ёр-ёр,
Кайқайдаги шумликлар бийдан чиқар, ёр-ёр.
Қиз боланинг яхиси тушиб қолса, ёр-ёр,
Тол чивиқдай буралиб уйдан чиқар, ёр-ёр.

Яхисини излаган таниб олар, ёр-ёр,
От олганлар яхисин топиб олар, ёр-ёр.
Қиз боланинг ёмони тушиб қолса, ёр-ёр,
Ёмон итдай бетингдан қопиб олар, ёр-ёр.

Авлиёнинг сараси Қора мозор, ёр-ёр,
Сочингнинг чигилини тароқ ёзар, ёр-ёр.
Яхши билан ўйнасанг кунда бозор, ёр-ёр,
Ёмон билан ўйнасанг кўнглинг озар, ёр-ёр.

Йилқини ҳайдай солдим Қурисойга, ёр-ёр,
Қалмоқи эгар ярашар тўриқ тойга, ёр-ёр.
Қалмоқи эгар ургунча яйдоқ яхши, ёр-ёр,
Ёмон қизни олгунча бўйдоқ яхши, ёр-ёр.

Сир бўйини ёқалаб топдим қайроқ, ёр-ёр,
Олчанглаган сариқ отга миндим яйдоқ, ёр-ёр.
Ёмон қизга мол бериб ялингунча, ёр-ёр,
Икки қўлим селкиллатиб юрай бўйдоқ, ёр-ёр.

Анов тоғ билан манав тоғ әгиз әкан, ёр-ёр,
Жами қиздан охун қиз текис әкан, ёр-ёр.
Насиб қилиб охун қиз менга тушса, ёр-ёр,
Қуволашиб ўйнашга не қиз әкан, ёр-ёр.

Киз: От ёлини бештадан ўрибмидинг, ёр-ёр,
Бизнинг әлни оралаб юрибмидинг, ёр-ёр.
Охун қизга осилиб бўйтиб қолдинг, ёр-ёр,
Охун қизни бир ерда кўрибмидинг, ёр-ёр.

Йигит: Тақир ерга ўрмагинг қургучи әдинг, ёр-ёр,
«Чарчадим» деб бўйнингни бургучи әдинг, ёр-ёр.
Мен кўрганда кичкина бола әдинг, ёр-ёр,
Тепа сочинг тўрт тутам тургучи әдинг, ёр-ёр.

Киз: Сув бўйида кўкарган толдай бўпман, ёр-ёр,
Кўланкаси қийма олчин жардай бўпман, ёр-ёр.
Сиз кўрганда кичкина бола бўлсан, ёр-ёр,
Охун ака, шу вақтда қандай бўпман, ёр-ёр.

Йигит: Овулингнинг оқсоқоли Эшим ориқ, ёр-ёр,
Тонг отарда ёруғ юлдуз, пешин бориб, ёр-ёр.
Мен кўрганда кичкина бола әдинг, ёр-ёр,
Қўш аноринг чиқипти тўшинг ёриб, ёр-ёр.

* * *

Икки сандиқ рўбарў рўй беради, ёр-ёр,
Икки қуда тенг туриб қўй беради, ёр-ёр.
Араванинг ичидя учгина қиз, ёр-ёр,
Юрагимни ўртади кичкина қиз, ёр-ёр.

Олтин билан босилган уйинг бўлсин, ёр-ёр,
Сулаймоннинг қизидай баҳтинг бўлсин, ёр-ёр.
Қизил-қизил хўрозвлар хирмон сочар, ёр-ёр,
Уйланмаган йигитлар танга сочар, ёр-ёр.

Бахту давлат әшигини очиб келди, ёр-ёр,
Дуру гавҳар оғзидан сочиб келди, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан сарви равон, ёр-ёр,
Писта-бодом қўйнидан сочиб келди, ёр-ёр.

Куёв йигит қиз билан қучиб келди, ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан қиз меҳрибон, ёр-ёр,
Қўша қариб иккаласи сурсин даврон, ёр-ёр.
Қиз ойимнинг васфини қиласай қалам, ёр-ёр.


Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан келин салом, ёр-ёр.
Барча ўтган арвоҳларга қиласай салом, ёр-ёр,
Қайнатаси билсангиз сизга салом, ёр-ёр,
Қайнанаси билсангиз сизга салом, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан сарви равон, ёр-ёр,
Ота-она борида сургин даврон, ёр-ёр.

КЕЛИН САЛОМ

Тўлиб оққан сойдек,
Ўн тўрт кунлик ойдек,
Куёв болага салом!
Боғ орқасидан йўл берган,
Ҳамёнидан пул берган,
Қуда бувамга салом.
Одам келса хуш деган,
Меҳмонхона бўш деган,
Акасига салом.
Сувдан чиққан мушукдай,
Бурнилари тувакдай,
Қайн синглисига салом.
Сувдан чиққан зулукдай,
Қоши кўзи пиликдай,
Келин пошишога салом.
Қопни кўрса лоп деган,
Бўхчадагини топ деган,
Маҳалла одамларига салом.
Томи томига улашган,
Учак бағри буришган,
Қўни-қўшнига салом.
Экканлари садойи,
Деҳқонларнинг бобойи,

Аҳмадбойга бир салом!
 Пиширган нон наввойи,
 Келинчакларнинг мамойи,
 Дибором онамга бир салом.
 Кундузи әлни аролаган,
 Кечаси уйни мўралаган,
 Муҳаммадқулга бир салом.
 Бурни деҳқоннинг омочидай,
 Оғзи ўроқчининг санасидай,
 Носирбойга бир салом.
 Қўйга чопган бўридек,
 Оғзи аллаким гўридек,
 Ўрловойга бир салом.
 Боқувдан чиқсан отдек,
 Икки бети манотдек,
 Ҳабибуллога бир салом.
 Маъракани ушатган,
 Тўққиз товоқни бўшатган
 Тўлабойга бир салом.
 Ётайнин деса ўрни йўқ,
 Сипирайин деса бурни йўқ,
 Кўёнбонбойга бир салом.





УЛАНЛАР

* * *

Оқ олма, қизил олма, бўйинг толма,
Тўққиз ўғлинг бўлгунча тўйдан қолма.
Тўққиз ўғлинг бўлгунча тўйдан қолсанг,
Яхши-ёмон сўйласам кўнглинга олма.

Ҳорма ака, десанг-чи таниганда,
Яхшигина жоним қолар ялинганда.
Беролсанг-чи узугингни қўлингдаги
Кўриб-кўриб юрайин соғингданда.

Учади бағри қора оч билан тўқ,
Ииқитган хилвасини бир босим ўқ.
Ўзини кўрмасидан мен сўрабман,
Кўлингда узук тугул, сумбулам йўқ.

Олмақдайин
Менга бер бир олмангни салмақдайин¹,
Сиртингдан сени янганг мақтар эди,
Кесиб бер сен олмангни бармоқдайин.

¹ Салмоқлайин.

**Чилим қилдим йилқининг тезагидан,
Сумба қилдим иргайнинг ўзагидан.
Вўйингдан тол чивиқдай бир мининг йўқ
Сочингнинг чаккангдаги гажжагидан.**

**Тезгир бўлса устанинг тешасидан,
Ткир бўлса миљтиқнинг нишасидан.
Чаманг келса ўланни чиқиб айтгии,
Кўзвингнинг пар-пар ёнган косасидан.**

**Бовор бориб, бозорда узум ейсан,
Собоғидан сарғайиб уэиб ейсан,
Тожик қизин оласан нонин ейсан,
«Инжобиёл» деганда нима дейсан.**

**Манов тоғнинг бошида увлар ўтган,
Бу увларни мерган отса қулаб кетган.
Сен өсимига тушганда арпдошим,
Сени кўрсам мен ўзим йиглаб кетган.**

**Гумбир-гумбир
Иигитни гумбирлатган йигирма бир.
Тўй тўйлаб өсонликда айтгин ўлан.
Қайтиб келмай бу дунёга келишинг бир.**

**Келади ҳазроил¹ жон оламан деб,
Ийнига олмос қилич соламан деб.
Жон олгич ҳазроил келса етиб,
Қандай номард айтади қоламан деб.**

**Бир худойди
Осмонда қор, ерда чанг бурқирайди,
Жон олгич ҳазроил келса етиб,
Бошингда ота-онанг чирқирайди.**

**Кизил-қизил рўмоллар қизда бўлур,
Кизни суйган бандаси мирза бўлур.
Калампирнинг хуш иси қизда бўлур,
Тери, тезак ислари биэда бўлур.**

**Каттамасман кичкина дувораман,
Сенга маъқул ўланни юбораман.**

Афоризм

Онангга айтгии бозордан атлас олсин,
Уйинг пули етмаса мес бераман.

Йўнгичқа йўл устида бор экан-да,
Ернинг бели ингичка тор экан-да.
Олдингга келган йигит кетолмайди,
Сизларда бирор ҳикмат бор экан-да.

Ҳавода учиб юрган қанот бўлсам,
Бозорда ярқираган банот бўлсам.
Асло менинг ҳовурим босилмайди,
Бетингдан тишлаб олиб қонатмасам.

Қиз бола, ҳасратингда мен қуйганман,
Бошинг ерга тегмайди әнкайганман.
Юзингни мен қарасам бекитасан,
Қай чиройинг қолганди, мен кўрмаган.

Қизил-қизил олмани қиз отади,
Дарёни қишки чилла музлатади.
Қизларнинг ўн тўртида тўйини берса,
Ўн олтига кирганди узатади.

Тури тўхтин,
Туяман деб келидан тариф тўқдинг,
Ихгиёринг агар кўнглинг бўлса менга.
Меҳмон қилиб овулингга олиб кетгин.

Хонаватди¹
Қовуни хонаватга фалак отди.
Мен кўрганда кичкина бола эдинг,
Ажабтавур, бўлибсан салавотли.

Чор кесарнинг этаги човур-човур,
Ўрга қараб учади қорабовур.
Ҳайдаб келган молимни ориқ дема,
Тўқсонингга бераман қуириқ — бовур.

Сирдарёдан ўтаман исириқ солиб,
Асов отни минаман қўруқ солиб.
Кўрган ерда икковинг бир куйдирдинг,
Бўйнингни қурқум ёйдай буриб солиб.

¹ Хонобод

**Юқоридан келаман оғнай тушиб,
Қамиш ўрган юради боғлай тушиб,
Сен әсимга тушганингда тол бўйингдан,
Етолмайман уйқумда оғнай тушиб.**

**Жийрон ола,
Тўқайда ўтин қолмас суйраб ола,
Катта-катта йигитга кўз соласан.
Кўзингга кўринмайми биздай бола.**

**Қагор толди
Ҳайдайди хўжандликлар ҳайдар солди
Энангга сени ўстирган баракалла,
Йигитлар ўстирганга ҳайрон қолди.**

**Уланни бошла десанг биз бошлаймиз,
Хатга чизиб қўймабмиз шу бошданоқ,
Ясов тортмоқ ёвдан ҳам қаттиқ экан,
Чорсу йифини ичиди сўза бошламоқ.**

**Уланлар айта-айта адo бўлди,
Юраклар энди айтмоққа зада бўлди.
Илгарисининг қалини қўй ҳам йилки,
Эндинининг қалини пода бўлди.**

**Йигирмада ёшим бор, йилим товуқ,
Йигитимда юраман отдай чопиб.
Эсонликда давр суриб ўйна-да, кул,
Улгандан кейин қоласан тупроқ ёпиб.**

**Адир-адир ерларда адир ошаман,
Оқ қалпоғим бошимда яланѓбошман.
Қарасанг қарамасанг қалам қошман,
Чоркесар йигитига ўзим бошман.**

**Қўлим ёзиб бораман Иргайлига,
Ҳавасдаман сочи узун чиройлига.
Бер деганда бермаган отанг сени,
Сени сотиб есин, у минг қўйлига.**

**Мерган сайин
Сочинг майда ўрилар ўрган сайин,
Сенинг отанг бирорга бериб қўяди,
Ичим ўтдай қайнайди кўрган сайин.**

Қизил-қизил ерларнинг қиёғи бор,
Серканинг қуилиб тушган түёғи бор.
Чирам отиб турибман-ку танимайман,
Ўхшаган янги арпдош сиёғинг бор.

Тоғ бошида қорлар қас әмасми,
Жарқўтан Чоркесардан паст әмасми.
Эрта келиб бу кунлар кеч бўлиб қолди,
Мумкин бўлса бу ўлан бас әмасми.

Ҳавэда учиб юрган оқсармикан,
Боласини отиб олсанг қақшармикан.
Сен бир элнинг боласи, биз бир элнинг,
Овозингиз овозимга ўхшармикан.

Қайрилган қарчигайнинг қанотисиз,
Андижоннинг ярқираган банотисиз.
Сиртинг сулув кийикнинг тасмасидек.
Огулда ким деганинг боласисиз.

Қиз айтади қизилни киймадим деб,
Йигит айтар жийронни минмадим деб.
Вояга етганда қиз йиглайди,
Ўзим суйган йигитга тиймадим¹ деб.

Боради ўлан кетиб боқмаганга,
Қўйвордим зеҳнимга ёқмаганга.
Ўландан от минмадим, тўн киймадим,
Чақачалик фойдасин ҳеч билмадим.

Оғочи қураманинг толдай-толдай,
Ўлатирар уйда қизлар тўлган ойдай.
Тўлган ойнинг ишини тўқиб беринг,
Ўланни интизомман ўқиб беринг.

Газмолдан бор белбогим бўғадиган,
Бир отим бор бияни қувадиган.
Беш туя, олти арава ўланим бор,
Тенг ярмиси баҳорда туғадиган.

Каклик тоғда сайрайди тош устида,
Саллачангиз келишиган беш устида.

¹ Тегмадим.

**Олар ёrim мол бериб олиб қўйғанман,
Сени сира олмайман ёр устига.**

**Кизлар сергак,
Ариқда сув қуриса қолар кўлмак.
Кишининг ёри бирорвга ёр бўлмайди,
Тўйхонадан чиқунча бўлар әрмак.**

**Душан дейман,
Кизлар ёқсан ўтига куйсам дейман,
Қумирсқадай белингдан қимтиб олиб,
Оидай тўлган юзингдан суйсам дейман.**

**Далада қўй боқаман оққина қўй,
Чайқалган қуируклари чоққина қўй.
Бизлар билан сен ўланни айтиб-айтиб,
Әрта бориб янганга мақтаниб қўй.**

**Огулингни оқсоқоли мулла Фозил,
Үлтирап бек олдида икки вазир.
Ўланни бизлар билан айтиб-айтиб,
Әнди кетиб борасан хайр-маъзир.**

**Сувга бординг қўлингда челягинг йўқ,
Суянарга орқангда терагинг йўқ.
Олар ёrim мол бериб олиб қўйдим,
Бойнинг қизи бўлсанг ҳам керагинг йўқ.**

**Карға дейман,
Карға уя солади жарга дейман,
Кун, ойни кўрмаганга анча бўлди
Сўрайман ўланман «ҳорма!» дейман,**

**Абулқосим
Айт, ўланнинг қолини бузилмасин,
Ўланни қайтариб айт, ҳарпдошим,
Билган билиб, билмаганлар ҳайрон қолсин.**

**Оқ олма, қизил олма пишмайдикан,
Икки яхши бир ерга тушмайдикан.
Икки яхши бир ерга тушиб қолса,
Утган дунёсини сира билмайдикан.**

**Капшира кет,
Расмингни шу ерга яшира кет.
Айтиб юрган Охуннинг боласиман,
Сен келиб оёгимга бош ура кет.**

Үланни бисмиллодан мен бошладим,
Олдингга кела солиб ёнбошладим.
Сизларга ўлан савақ керак бўлса,
Ўландан мен бир савақ об ташладим.

Ўлан эсга келмайди ўйламасам,
Қора суви бўй бермайди бўйламасам.
Ички армоним боради ичда кетиб,
Ўзларингдай яхши билан ўйнамасам.

Кизи сулув келади Санчиқлини,
Қуволашиб ўйнайди ёш қулини.
Киз товушин соғиниб юрганимда
Товуши қайдан чиқади Тошгулини.

Аввал олиб,
Савлатидан айлансан қизинг бари.
Суратингни қоғозга ёзиб олиб,
Софигандан қарасам қўлга олиб.

Кизи сулув келади Қирсадоқнинг
Ювса сири кетмайди мис товоқнинг.
Киз товушин соғиниб юрганимда,
Товуши қайдан келади оқ томоқнинг.

Муратали,
Собоғидан қурийди Сирнинг толи,
Ўлан айтган қалам қош кимнинг ёри.
Савлатидан айлансан қизнинг бари.

Отанг қийиқ, ҳай қизлар, онанг қийиқ.
Ола итингни алладим суюк йигиб.
Отанг билан онангни эси паст-да.
Бермади суйганига никоҳ қилиб.

Кўли Суйиқ,
Кўлдан ўрдак учирдим добил туйиб.
Айтаверсам далангда қиз қуриптими
Айтиб эдим икковингни кўнглим суйиб.

Ўйсин, дуйсин,
Адраснинг тозасини қизлар кийсин.
Айтиб юрган йигитни кўнглинг суйсин
Айтолмаган йигитнинг ичи куйсин.

Бизнинг овул Дилварзин, даласи бор,
Еқасиндан очилган лоласи бор.
Эрга тексанг бизнинг әлга бориб теккир,
Энг гадойин икки минг подаси бор.

Қорақўйли атайди халқимизни,
Хос тақачи атайди сартимизни.
Улан айтиб ўлтирган бойнинг қизи,
Энди бугун синайман мардингизни.

Белбогим бор белимда бир бойлаган,
Қўйи семиз Дилварзини сир жойлаган
Жойимни сен билмасанг ким билади,
Сен эдинг овулда бирга ўйнаган.

Үрмак қурса бўлади қузув деган,
Тасил билан тўқиса узилмаган.
Жойимни сен билмасанг ким билади
Сен эдинг овулдаги тузув деган.

Бўлган ариш,
Бетинг оппоқ, манглайнинг кери қариш.
Кўрганингча хайр энди, қизлар жонон
Бориб келиб турмакка элинг олис.

Не мунглуғ бу дунёда қизлар мунглуғ,
Бошида тумоғаси бургут мунглуғ.
Йўқ экан ўйлаб турсам қиздай мунглуғ
Боради ота-онадан тирик айрилиғ.

Овулимнинг оқсоқоли Бойир эди,
Ўланим тўйга борсам тайин эди.
Ўйлаб турсам йўқ экан қиздай мунглуғ,
Киши элига борасан хайр энди.

Оқ ғумайнинг ичиди қизил ғумайӣ,
Қиз кетади узоққа йиғлай-йиғлай.
Тупроқдан ташқари қўйса худай
Хайрлашиб юрайик мундан булай.

Бўпалайман
Сандиқ ортиб сариқ отни еталайман.
Сенга оғир бўлса ҳам менга енгил,
Қўлингдаги болангни бер, кўтарай ман.

Кемачилар дарёга солар қайиқ,
Қишлоғингда қиз борми бизга лойиқ.
Қишлоғингда қиз бўлса бизга лойиқ,
Борамиз куёв бўлиб чип-чиройлик.

Тоғда арча гуллайди, пастда терак,
Уланга майлинг бўлса ўлтири берак.
Қошинг билан кўзингни на қиласман,
Бизларга беш-олтита сўзинг керак.

Чоркесарнинг этаги жилға-жилға,
Қўш пақириңг кўтариб сувга жўна.
Биз адирдан қўй боқиб келиб қолсак,
Ерга қўй қўш челагинг қўлинг булға.

Оting Сучик,
Сени қўриб келаман отдан тушиб.
Мен кўрганда кичкина бола эдинг,
Катта бўлиб қолибсан қимиз ичиб.

Ҳавода учиб юрган бўз туводоқ,
Ҳираланиб ёнади қийқумалоқ.
Кўрмагандай ёрингни кўп мақтама
Сувдан қолган тарвуздай юм-юмалоқ.

Ўрик-ўрик,
Куяман, ўртанаман сени қўриб,
Куйганда, ўртанганда сени қўриб,
Кетибсан сен бировга кўнгил бериб.

Бўриқ турган,
Бўриқни жайҳун балиқ сўриб турган.
Сени ўстирган болангга баракалла.
Сизларни аллақайдан йўлиқтирган.

Беданавоз юради тўри билан,
Қишлоқда-чи, ётади сўри билан.
Тўйингизга олис-олис ердан келдик,
Улан айтишайлик қизларнинг зўри **Салом**.

Киз эканинг биламан қирғонгингдан,
Хина қўйсанг кетмайди тирноғингдан.
Уз куйганим ўзимга етмасмиди,
Сен куйдириб борасан бир ёгимдан.

Чиқиб турсанг, яхши экан эсган елга,
Пўта белбоғ ярашади хипча белга.
Тол чивиқдай бўйингда бир мининг¹ йўқ,
Келин бўлиб борсанг-чи бизнинг әлга.

Тоғда арча гуллайди олмурутман.
Пастда терак гуллайди эркак тутман.
Қовоғи ҳам челягини қўлга олиб
Бизнинг сойнинг сувини қиз қуритган.

Аеввал боши ўланни аввал олган,
Туяни бериб тўқайда бошин чолган.
Пайғамбарнинг қизини Али олган,
Тўй-тўйлаб ўлан айтиш шундан қолган.

Агана бўб,
Семиз ийлқи, қўй ўлади тегана бўб,
Ҳазраил жон олғич келса етиб,
Олган ёрининг қолади бегона бўб.

Шу қишлоқнинг томида мўриси бор,
Етиш ернинг салқинида бўриси бор.
Олар ёрим мол бериб об қўйганман,
Сандақадан иккита чўриси бор.

Кўк лунги,
Кўтарғин ўлан билан кўнглимни,
Кўтарсанг ўлан билан кўнглимни,
Узундан узоқ қиласин умрингни.

Сўйласак қалай, қалай кетагандай,
Тилинг билан жағингни матағандай.
Айтмас бўлсанг бу тўйга нега келдинг,
Үйингда ёрма ичиб ёта қолмай?!

Бир ой чиқар Қоратов елкасиман,
Қўй савлатли кўринар серкасиман.
Бир ўнгланса ишимиз яна ўнглансин,
Айтишамиз қизларнинг эркасиман.

Доим менинг минганим сулув жийрон,
Сув ичмайди жонивор сутга ўрганган.

¹ Ухашинг.

**Ўлтираман, тураман, зор қақшайман,
Ёмон өкан ёшлиқда қизга ўрганган.**

**Намангандан чиққан от уринмайди,
Яхши қизлар әтагини буринмайди.
Соқоли йўқ, мурти йўқ әрка қизлар,
Қаригани ўзига билинмайди.**

**Доим менинг минганим жийрон қашқа
Томогимдан ўтмайди чойдан бошқа,
Томогимдан ўтмаса чойдан бошқа
Уй әгаси мен әмас, мендан бошқа.**

**Доим менинг минганим бўз бўлса-чи,
Їўртоғидан йўргаси тез бўлса-чи.
Макка тугул Мадинага борар әдим,
Йўлдошимнинг биттаси қиз бўлса-чи.**

**Олти қизнинг ичиде отинг Туйма,
Туймажон тия бойлаб тунда юрма,
Туймажон тия бойлаб тунда юрсанг,
Оқ әтингга кўз тегар қора кийма.
Тол бўйингга кўз тегса мендан кўрма.**

**Овушингдан, кўзингдан, овушингдан.
Оёғингда нўғойча ковушингдан,
Кунғира тоққан қийғирдай шийпанг ~~мадор~~,
Акагинанг айлансин товушингдан.**

**Бағрида Чоркесарнинг тонг отибди,
Икки тан пайванд бўлиб қадалибди.
Сен икковинг бизларга ўлан айтсанг,
Яна иккинг ўлан излаб дам олиб тур.**

**Эшигингнинг кўзида бир туп макка,
Кайрағочда сайдайди ёлғиз ҳакка.
Енгаман деб ўзингга бино қўйма,
Тўқсонингга тотийман ўзим якка.**

**Ўрмагингни кўтарсанг бақам бўлур,
Ўзинг билан туғилган опанг бўлур.
Оталарим қолди деб ғам емагин,
Яхши бўлсанг қайинотанг отанг ~~фуор~~.**

Кесканда жуворни поя бўлур,
Бошингга битта рўмон соя бўлур.
Силаб-сийпаб ўстирган чилвир сочинг
Бир ёмоннинг қўлида зоя бўлур.

Киз бола, овулинг қайди, Қуғолида,
Чоркесар маҳкамаси юқорида,
Мен ўзим насияга кўп алдатдим,
Сен ҳам алдаб кетмасанг бўлгани-да.

Бу тоғларнинг бошида ялпоқ арча,
Тўй бўлганда курашади икки новча.
Уч полвонни бошига чаман ёпиб,
Урчуқ-урчуқ ўйнайди бола новча.

Кўк улогим йўқотдим кўрдингми, қиз?
Кеча ювган сочингни ўрдингми, қиз?
Оқар сувнинг бўйида кир ювибсан,
Қўйчиларга танатар бердингми, қиз?

Кераганинг кўзидан қил ўтади,
Қизлар ўлан айтгунча йил ўтади.
Бир ўзингга қолганда енгар эдим,
Олдингдаги янгачанг ўргатади.

Керагани кўзидан топиб бераман,
Бозорга борсанг бойлагич оббераман.
Бозор бориб бойлагич оббермасам,
Қўлингга беш юз сўмни нақд бераман.

Тошкентнинг бир бозори узук туар,
Уланни шоир йигит қизиқтирас.
Эр йигитнинг олгани бўлса яхши,
Қошини қоқиб, кўзини сузиб туар.

Тошкентнинг бир бозори кунда савдо,
Суви бор Чирчиқ деган боши тоғда.
Яхши билан турмуш қиласанг умринг фойда,
Ёмон билан турмуш қиласанг кунда ғавго.

Тоғларнинг кийик кўяр бузугини,
Еб тўймайсан шербознинг жизифини.
Тўйга келган қизларай қулоқ солинг,
Ўланнинг биз айтамиз қизифини.

Қоратав бизнинг овул ковоқлайди,
Үланни шоир йигит савақлайди.
Жарқўтанинг йигити бари бўри
Нечангни ушлаб, нечангни чавақлайди.

Қайрағочни кесганда мўлтоқ бўлур,
Беданани қўйруғи чўлтоқ бўлур.
Киши ёри биронга ёр бўлмайди,
Тўйхонадан кетгунча ўртоқ бўлур.

Керагани бошида элак турар,
Бу элакни ичида кепак турар.
Мен айтгунча билмайсан, ойим янга,
Бешигингни ичида бувак турар.

Дарё тубан оқади ошдай бўлиб,
Сув қурсиса тош қолар мoshдай бўлиб.
Ўзим ёмон бўлсан ҳам ёrim яхши.
Билинмайди серқатиқ ошдай бўлиб.

Қўқонингнинг бўз даласи қум бўлади,
Булгоридан лироққа қин бўлади.
Охун бўлсанг олдингга ташлай савол
Подачининг муллалари ким бўлади.

Қизиб-қизиб қўяман қизин қўрсам,
Қиз оламан дер эдим йилқи минсам,
Йигирма беш жийронча ҳайдаб бориб,
Уяламан овулингда бўйдоқ юрсам.

Адир-адир далаларда йўртар қарсак,
Дуо билан дарёнгга қўпrik солсак.
Шу дунёдан беармон ўтар эдик,
Қураманинг беш кокил қизин олсак.

Жийрон келди деганда жийрон келди,
Тевотойни чеккага кийган келди.
Теватойни чеккага кийиб олиб,
Ошиқ ёрнинг уйига куйган келди.

Рўмолингни бошингга ўрай солдинг,
Боши тубан кетади кесган толнинг.
Ойдай, кундай бетингга яра солиб,
Бормикан хосияти қўйган холнинг.

Жеэми қумғон,
Балога йўлиқади сўзни қувган,
Кўрмаганга юзингни кўп ой бўлди
Ёр айлансин, кўзингдан очиб юмган.

Отландим Теловдан Балғалига,
Ҳайрон қолдим шамолнинг бўлганига.
Ёрим, ёмон дейсан-да, сен куймайсан,
Кўнмайсанми худонинг соганига.

Айт деганда ўланни охун айтар,
Ўланни охун йигит маъқул айтар.
Билайн охунилигинг, Умидойим,
Ўланга бўлсанг охун қарши, қайтар.

Юз бўламиз
Сизлардай мунчоқ тақсак қиз бўламиз,
Мен ўзимни танимасанг танитайин,
Охуни Қорабоғинг биз бўламиз.

Бўлади тишинг ўйнаш тишқали билан,
Бўлади ипак ўйнаш мисқоли билан,
Бўлади қўлим ўйнаш қамчи билан,
Бўлади бойвучча ўйна ёлчи билан.

Кўкни дейман,
Ғазалим айтаверсам кўпdir дейман.
Бери сол қулоғингни, Умидойим,
Олдима Умидойим кепти дейман.

Майда гулбоғ,
Үлтирибман гулбоғингда ғоздай қурлаб,
Қийшайиб «Қизов!» десам қарамайсан,
Багрингни боланг эмсин итдай тирнаб.

Қорабоғнинг бир сойи бор онгқиллаган,
Бошида қарғалари қангиллаган,
Ўланни айтгин десам айтолмайсан,
Боғдаги бир қиз эдинг танқиллаган.

Улан айтсан ўланчи дейди мени,
Оч бўри йўлда ётсан ейди мени.
Учар қанот менда бор сен деганга,
Умидой, сен қолгайсан биз деганга.

Кўлдарёси
Олиб еган Кўлдарёдан ғоз боласи.
Дувламаган ўланни дувлатади,
Қорабоғнинг дуо теккан бўз боласи.

Худойнинг куни кўпми, туни кўпми,
Тулкининг тескай бетда ини кўпми.
Умидой, «Қизов!» десам қарамайсан,
Менинг қақшаб юрганим худойга эпми.

Овулинг кўчак-кўчак бўлди,
Уланни Алига айтсак ўшак бўлди.
Сол бери қулоғинг, Умидойим,
Енгим ёстуқ, ўнгирим тўшак бўлди.

Сермас эдим,
Бу тўйга сен келмасанг келмас эдим.
Худойим сенгинани қўлга берса,
Келса ҳам етиб ажалим ўлмас эдим.

Душан дейман
Ўйига Умидойни қўйсам дейман,
Худойим Умидойни қўлга берса,
Шунинг билан қўша қариб юрсам дейман.

Маъмур бўлиб,
Юради гоҳи девона Шомир бўлиб.
Бери сол қулоғингни Умидойим,
Юрайлик ўлан айтиб томир бўлиб.

Охунлашиб
Чавандозлар кетади тақимлашиб.
Бери сол қулоғингни Умидойим,
Юрайлик сизлар билан яқинлашиб.

Жийда дейман,
Қизларга мол бермасанг тегма дейман.
Худойим Умидойни қўлга берса,
Ё худо деб тураман ўйда дейман.

Солим соғин,
Айтаман сенга ўланни сўлқилдоғин
Кетма-кет сени енгиш нима эмиш.
Қолмаса йўлда тушиб тилман жофим.

Саригликдан,
Хайдадим йилакимни ўтар ариқликдан,
Гапига душманларнинг кираман деб,
Айрилдим мен сизлардай ёруғликдан.

Умидой, кўзгинангдан,
Тенг тортдим тангларни сўзгинангдан.
Чор тарафнинг қизини йигиб келиб,
Юбордим айлантириб ўзгинангдан.

Ой Умидой деганда инграйтириднинг
Қийғоч қора қошингни кимга олдиридинг.
Тўрида тўйхсанни тўлғонтиридинг,
Бошингни қай муллага айлантиридинг.

Қорабогни
Қизига Қорабогни ўлан айтсанг,
Ташлайди тўққиз узук қўнғироғли.

Икки бирдай тўр отнинг ем егани,
Табибларнинг хато кетмас эмлагани,
Бери сол қулогингни, Умидойим,
Умидойнинг кет дегани кел дегани.

Кўл бўлмаса,
Юради ким етаклаб кўз бўлмаса.
Кафансиз ўлган одам кетар эди,
Саралаб сарт тўқиган бўз бўлмаса.

Омонмисан-эсонмисан,
Қўйдаги оқ қорабош кўсамисан.
Қийшайиб «Умид!» десам қарамайсан
Бир чиққан Қорабогдан чечамисан.

Каклик, капитар сайрайди хирмон жойда
Булбул йўқ сайрагани тоза боғда.

Сариқ мунсак,
Умидойни сарғайганда юзин кўрсак.
Бир бола суюнчи деб етиб келса,
Белбоғимни белимдаги шунга берсак.

Кўлми дейман,
Үлтирган кўл ёқалаб элми дейман.

Тўрт оғиз бизни сийлаб ўлан айтсанг,
Қўша қари олган билан ўлма дейман.

Умидой Ирисгулман ўртоқ экан,
Бир сиқим йўлда ётган тупроқ экан.
Уланга Умидойим бостирик экан,
Уланга Ирисгулой қўрқоқ экан.

Сен хумор кўз, мен қайнар кўз.
Хумор кўз қайнар кўзга келмадингиз.
Бери сол қулоғингни ойнам қизлаар,
Олиб бер Умидойдан бир оғиз сўз.

Усмонқул кўч-кўч деса кўч бошлайди,
Ортидан Нурмон aka юқ ташлайди.
Отини Абдуқодир олиб келиб
Бошига латта рўмол ёлпушлайди.

Омонласин,
Худойим кўриб яхши-ёмонласин.
Кўй кўзинг ўлан айтиб кўп термулди,
Кўтаргин рўмолингни шамолласин.

Қўлимдаги беш бармоқ бирови тоқ,
Охунликдир элнинг кўнглини хушламоқ.
Аввалларда тўйда ўлан айтганим йўқ,
Энди айтиб келаман не дейди халқ.

Ҳорибсан ҳорма десам, бор бўлгайсан,
Бир қатор олма ичра нор бўлгайсан.
Ҳар ерда бизни мақтаб айтсанг ўлан,
Донг чиқарган ўланчига ёр бўлгайсан.

Қоратогнинг бошида қори бордир,
Нуротада яхшиларнинг боғи бордир,
Мени қандай енгасан, ҳай охуним,
Танглайимда ўлланнинг доги бордир.

Тогда бўлар тулкининг туёқсизи,
Арzon бўлар чакмоннинг жияксизи.
Мени қандай енгарсан, ҳай охуним,
Мен ҳам сендаи бировнинг ияксизи.

Мен бир ўланни айтай бундай қилиб,
Тегирмондан чиқарган ундей қилиб.
Сени тукъсан онангга баракалла,
Бетинг ойдай белингни қилдай қилиб.

Қарши олдимда ўлтирган камол малак,
Бўйинг мунча ўсади шохсиз терак.
Шохсиз терак бўйингни кераги йўқ,
Ипак бўлиб эшилган сўзинг керак.

Анав қирнинг бағрида тарлон бўри,
Босиб емас бўларми орлон бўри
Тунов куни бир сўзинг әшитиб эдим,
Үпкам қора қозондай шундан бери.

Ол бедана деганда чол югурап,
Ўтли ерни кўрганда мол югурап.
Ҳар ерда бизни мақтаб айтсанг сўзни,
Оқ қуббадай юзингга қон югурап.

Қаршимда ўлтирган қай қиши экан,
Сўзлари сўзимга шай қиши экан.
Уланни қайдан билар деб ўйласам,
Уланни сувга чайиб ичган экан.

Тўйма-тўй ўлан айтар ўлан билган,
Оқ киравка совут кияр ёвга теккан.
Бу дунёдан беармон ўтар экан,
Ширин сўзли вафодор ёрга теккан.

Қўлимда бир узугим ғумдона бос,
Ошиқ бўлсанг оёғинг мардона бос.
Ошиқлик қиз-йигитнинг иши экан,
Ошиқликка тенг келмас зару олмос.

Тўй-тўй бугун, тўй бугун тўйлай келдик,
Қўша рўмол қўлга олиб ўйнай келдик.
Тўйингизга келармидик, келмасмидик,
Ширин-ширин ўланлар тинглай келдик.

Рўмолимнинг учида сен марваридим,
Сенинг бундай юрганинг менинг дардим.
Менсиз сенинг бир бошинг, дардли бошдири.
Икков етсак муродга қолмас дардим.

Олти қизнинг ичида отинг қофоз,
Мунча ҳам кўп қизларда ғамзаю ноз.

Тенгинг йўқдири бу ўртада, қуралай кўз,
Билмайман сени туққан қандай таниоз.

Ез бўлса қовун пишар тўр олишиб,
Палаги палагига ўралишиб.
Қиз, келинлар ўйнайди тўй бўлганда
Беллари тол чивиқдай буралишиб.

Қишининг боши қирғияк, уч ой тўқсон
Сувнинг музи сўлқиллар болта суқсам.
Қоши кўзинг қийилган бир санамсан,
Сўрасам отанг бермас, олиб қочсам.

Тоққа чиққан кўради тоғ кийигин,
Чекмасин ҳеч бир киши ёр куйигин.
Қамишдай дол бўйингда бир мининг йўқ,
Отанг моли камаймас бир ўпайин.

Айтасанми, ўланни, қайтасанми,
Епилмасдан совуққа қотасанми?
Тўйда айтмаган ўланни уйда айтиб,
Кўзи, улоққа баҳолаб сотасанми.

Аввалам боқ,
Санасам беш қўлимнинг бирори тоқ.
Чирам отиб¹ турибман танимайсан,
Сен танисанг сулув қиз, қошингни қоқ.

Оғанаман кўзингдан, оғанаман,
Пўлат чақмоқ ёнимга тақинаман.
Бундан кейин узоқда қўй боқмайман,
Ўзим тенги қизларни соғинаман.

Айт эй жоним, айт жоним, ўлан билсанг,
Дунёда не қўрмайсан ўлмай юрсанг.
Бу дунёдан беармон ўтар эдим,
Қулоқлари тўрт әллик тулпор минсам.

Сенинг чиноринг, бўйингдан, сенинг чиноринг,
Селкиллайди бўйнингда бўй туморинг.

¹ Боқиб.

**Саккиз қия, чор дала кезиб келсам,
Бунда экан, ҳарпдош, кўз хуморинг.**

**Ўзи бўлсам, кўзингдан, ўзи бўлсам,
Йилқи ичидаги юргурган бўзи бўлсам.
Ҳеч армоним ичимда қолмас эди
Қиз боланинг оғзида сўзи бўлсам.**

**Ўзи бўлсам, кўзидан, ўзи бўлсам,
Маъраб турган чайлада қўзи бўлсам,
Ҳеч армоним ичимда қолмас эди
Сулув қизнинг олдида ўзим бўлсам.**

**Тўй деганда бораман тўйлай-тўйлай,
Олтин соққа қўлимда ўйнай-ўйнай.
Қўлимдаги соққани мўрти синсин
Бизга ўланийтганнинг кўнгли тинсин.**

* * *

**Қиз деб юраман,
Қизни кўрган жойимда сизни деб юраман.
Қиз болага зарарим тегмасин деб,
Далаларда насиба излаб юраман.**

**Ола экан-да,
Ўланни айтар эдик бола экан-да.
Қизил-қизил нарсага югурувчи эдинг,
Энди ўйласам қизғалдоқ лола экан-да.**

**Овдасидай,
Қизларни узатади савдосидай.
Сени ўстирган энангга баракалла,
Тоғда битган сувтолнинг новдасидай.**

**Үринбойди,
Шолиси заҳоб ернинг ўрилмайди.
Тўйхонани қидириб ўлан айтиб,
Сендан бошқа кўзимга кўринмайди.**

**Кўнишбойми
Қиз ўн бешга кирганда тўлишмайми.
Бизларман бирга-бирга кетаверсанг,
Орқангдан хўжайининг уришмасми.**

Менга қараб юзингиз бурманг, қизлар,
Буралишиб йўлимда тўрманг, қизлар.
Ошиқликнинг йўлида куйган қулман
Тутунимга ис бўлиб турманг, қизлар!

Қирдан қирга қир ошиб юрганимда,
Ог ўйнатиб қияда турганимда.
Ҳеч нарсани билмаган бўз бола әдим.
Сен ўргатдинг ўшанда кўрганимда.

Тўриқ отимни минаман толмайди деб,
Қизлар атлас кияди ўнгмайди деб,
Мен бу ёқдан чақириб қўл булғасам,
Бошин чайқаб кулади «Бўлмайди!» деб.

Кўй ичиди сўйганим қўнғир совлиқ,
Ипагингдан берсанг-чи тўнга бовлиқ,
Ипагингдан бермасанг тўнга бовлиқ,
Маҳаллангга соламан чала довруқ.





БАЙТ-ҒАЗАЛЛАР

Югурганда югурдик ҳайинчакка,
Күлпі күйлак ярашар келинчакка.
Келинчакнинг неси ортиқ — лотибаси,
Қиз болага ярашар она-отаси.

Байт аймоқни сабаби саккиз ёшдан айтаман,
Құлғинамда чинни пиёла субхидамдан қайтаман.
Субхидамнинг салқини сұлдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафо ёр дардини.

* * *

Эй ақа, мунча қарайсан ой билдингми мени,
Шаҳрингизга янги келдим, бой билдингми мени?
Лайли бўлма, лайли бўлган
Мен сени шайдо қилай,
Еру жўранг олдида бир даста гул пайдо қилай,

Эшик очиб тўрга боқсам, тўрда бир ой ўлтиур,
Салом берсам алик олмас, гамзаси жон куйдирур.
Ғамзадор ўхшайсано, бегамзадор ўхшайсано,
Кечаги айтган сўзим ёдингда бор ўхшайсано.

Эшик очиб тўрга боқсам,
Қадди шамшод ўлтирур.
Қошлиари гўё қаламдек
Бир паризод ўлтирур.

Сочлари ерга тушадир
Беллари бир қилча йўқ.
Ишқимиз сизга тушибдур
Ўзгалар бир пулча йўқ.

Дунёга келиб ранжи аламларни кўриб ўтдим,
Бу ранжи алам шиддатидин айланиб ўтдим.

Тоғлар бошида ўйнайди бир кийикнинг боласи,
Онасиға ўхшар әкан кўзларининг қораси.

Тоғлар бошида арпа, қўноқ бош чиқарибдир,
Ёр ёрни кўриб кўзларидан ёш чиқарибдир.

Дарёда балиқ илонни қувалаб келадир,
От олдида, қўй кетида маъраб келадир.

Эшигингда ариғинг, шалпираб ўтарми балиғинг
Қайси кўчадан келадир барча косиб ғарибинг.

Саройнингга кирганман, айвонингни билмасман,
Қачон келасан, ёrim, қарорингни билмасман.

* * *

Ҳар кимнинг ёри бўлса мухтасар,
Кўксини қўксига қўйса гулкесар.
Яхшини ёrim десанг кўнглинг ўсар,
Емон билан рўзғор қилсанг дардисар.

Боғда юрсанг гул ичида гул турар
Гул шохини булбул босиб ўлтирас.
Сайрасанг сен сайра булбули гўё
Сен сайрасанг ошиқ ўзини ўлдирас.

Боғ оралаб бир гул уздим ўзимга
Ихтиматли¹ ёр бўлсанг, қулоқ солгин сўзимга.

¹ Эътимодли

Чироқнинг қоронгисида кўринмайсан қўзимга,
Лайли-Мажнун бўлиб қайтиб келасан ўзимга.

Сим-сим ёқалаб қор ёғади
Тоғда бўралаб,
Икки қўзим кўчада бўлди ёрга мўралаб.

Қора йўрга йўргалатган алладин аргамчи
Эгар, тўқим йўлда қолди белда қамчи.
Эгар қолган жойда наилай қамчи қолибди,
Қамчи бўйлик шу ёримдан кўнглим қолибди.

Югуриб чиқдим Жалойирнинг қирига,
Ҳар ошиқ ялинадир бир ўзининг ёрига.
Қудратингдан ўргулай яратувчи,
Чин ошиқни қўшмадинг бир-бирига.

Қоши қора барно жувон, қошингда бир йил қишиласам
Толдек бўйингни кўриб томдан ўзимни ташласам.
Ота-онанг рози бўлса ўнг қўлингдан ушласам,
Олмазор боғда юриб шакар лабингдан тишласам.

Қизил гулнинг ичидаги қайрилдим сизга,
Қизил гулнинг новдасидек эгилдим сизга.
Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ошиқман сизга,
Хушторликда ўлиб кетсан уволим сизга.

Сув ичинда сув борадир мош ранглиқ туроликкинам
Халқ ичинда сўз борадир қарчигай бўйликкинам.
Карчигай бўйликкинам, ювгин юзингни гулминан
Яхшига кўнгил бериб, ёмонни алда тил минан¹.

Қизил гул боғда битар, қўлда кетар,
Дард менинг кўнглимдадир табиб нетар,
Ҳиндистон табиблари келар кетар,
Сен ўзинг табиб бўлиб боқсанг нетар.

Қош минан қовоқ ораси нордир,
Йигитнинг икки муроди бордир:
Бир муроди яхши оту яхши тўн,
Бир муроди кўнгил суйган ёрдир.

¹ Билан.

Ошиқ бўлдим бўйингнинг новчасига,
Гул экиб гулзор қиласай кўчасига.
Кундузи ҳарбоб билан кўрар эдим,
Қандай тоқат қиламан кечасига.

Қизил гулнинг ичида бир гули бор,
Шохидагай сайдиган булбули бор.
Сизга жазман сира ҳам бўлмас әдим,
Сўзингизнинг бир жойида ширини бор.

Кун чиқишига қарайди айвонингиз.
Кўклам бўлса ниш уар майдонингиз.
Юртингизга келибман хўрламангиз,
Ахир ўзим бўларман қурбонингиз.

Эй навжувон, боқсан-а,
Куйган юракка доғсан-а.
Боқишингга жумлайи жонона тасаддуқ,
Шаҳло кўзингга ошиқи девона тасаддуқ.

Қошлиари қора, соchlари узун ёрим бўлса-чи,
Йшдан чарчаб келганингда «Ҳорманг!» деса-чи.
Сим калаватга пар тўшак солиб қўйса-чи,
Қўлларида рўмолчаси елпиб турса-чи.

Оқсувда оқиб боради оқ ёғоч,
Устида қўниб боради қалдирғоч.
Қалдирғоч қанотига қил боғлади,
Аноржон ўқимоққа бел боғлади.

Эшик олди машпора,
Барги бошимга соя.
Имлагани билмадинг,
Чақириб олдим ошкора.

Терак учидаги ҳакка,
Оқшом бўлса ётмайди,
Емон ёрнинг қўйнида,
Дод десанг тонғ отмайди.



МЕХНАТ ҚУШИҚЛАРИ

Ҳаводаги ҳулкарман,
Бадавлатга навкарман.
Үң күнликча ишим бор,
Тўрт кунликда бекорман.

Майманоқда макони,
Таги тимда дўкони.
Ўроқ ўргани кетди
Кизил сойнинг дехқони.

Қиё-қиё юринглар,
Қийилиб қолсин пояси.
Тўқраб-тўқраб юринглар,
Тўқсон қоп чиқсин донаси.

Шохларинг бор чамбарак,
Кўзларинг ёнган чироқ.
Орқаларинг орқавул,
Чўққиларинг қоравул,
Қоравулдан қарасам
Кўринади кўп овул.

Кўп овулнинг қизлари
Этагида тузлари.
Онаси овул кетганда,
Куёв қарар ўзлари.

Айри туёғинг олмосдир,
Майда қилмай қўймасдир.
Сени боққан бу энанг
Меҳнатидан қолмасдир.

Майдам ўзи гала гов
Суянгани қуриган тав.
Бири ағнаб йиқилса,
Қолганлари жаббажов.

Майда қилсанг шундай қил,
Элаб қўйган ундан қил.
Кизилини қирдай қил,
Сомонини сойдай қил.

Майда-майда мойбосар,
От ўринини той босар.
Отадан ўғил қолса,
Ўлмаса ўрнин босар.

Тоғларда бор новшатир,
Уни варгар ушатир.
Қўлимдаги тол химча,
Қовургангни қақшатир.

Майда десам ярашар,
Халойиқлар қараашар.
Соврингдаги терингга,
Чармгарлар талашар.

Майдам ўзи яхши қиз,
Ошга қатиқ, нонга туз.
Пиёвонга пиёз қиз,
Хўжасига ниёз қиз.

Қийғир ётар қиёда
Болалари уёда.

Дондан айрилди сомон
Шу хизматинг зиёда.

Чомаргинанг чақичдан,
Улмай чиқдинг шу қишдан.
Қутулсанг шундай ишдан,
Каминг йўқдир юришдан.

Майдада, майдада бор,
Сендаиде майдада қайдада бор.
Шу майдани бўлган сўнг
Үтли, сувли жойга бор.

Думларинг бор қамчидаӣ,
Учи қиэзнинг сочидай.
Қиндигингдан томган тер,
Томдан томган томчидаӣ.

Айри-айри туёққа
Айри наҳал ярашар.
Жимирлаган қулоққа,
Тилло сирға ярашар.

Шохларинг бор шомиён,
Кўзларинг бор ойнадай.
Сендан бўлган болалар,
Тўти билан майнадай.

Қорни катта бели бўш,
Майдада қилсанг кўнгил хуш.
Қийма-қийма қилгин-да,
Майдадан сўнг тахтдан туш.

Майдада, майдада деб,
Гаврон урдим чўқингга.
Ун икки ой ишладинг,
Сомон қолди ҳаққингга.

Орқангдан қочган қулон,
Қулонлар эмас булон.
Бу майдани бўлган сўнг,
Бўй қиздайин бир сулан.

Галагавда тўрт ҳўқиз,
Тўрттоби ҳам йўрт ҳўқиз.
Ўзи ишини тиндириб,
Салманглаган мард ҳўқиз.

Майдада-майдада парисин,
Дон сомондан арисин.
Чорисини олган сўнг,
Қайтараман қарисин.

Майдажон овозаси
Пўлатдин дарвозаси.
Бир боғ похол бўлади,
Майдажоннинг ғавзаси.

Қорнингнинг катталиги,
Маъракадаги қозондай.
Кипригинг йўғонлиги,
Усталар санчган сузондай.
Ангиллаган обозинг
Сўфи айтган аzonдай.

Майдада-майдада, майдада гул,
Эринг ўлиб қолдинг тул.
Соч бозоринг чулғаниб,
Ўз бозоринг ўзинг қил.

Қоракўл қўй қавчини.
Чўлда кўрдим овчини.
Овчи ака, кўрдингми,
Майдада гулнинг кучини.

Шохларинг бор қиёвон,
Ариқда сувлар равон.
Биринг бўлсанг безувон
Ешқаларинг соявон.

Шох ёқалаб ўтлаган,
Ўтлар қорнин тўқлаган.
Бирори ўла кетса,
Қўпайлашиб йўқлаган.

Майда қилсанг туздай қил,
Сочини ювган қиздай қил.
Майда жонивор майдар,
Сомони сенга фойда.

* * *

Қора молим қобилим,
Үзи ишга тобиним.
Қора жойни қоқ ёрган,
Меҳнатининг зўридан,
Тепасидан шох ёрган.
Жўяк олиб экканда,
Қовунлари лаб ёрган.
Майда молим мол топар,
Орқангдан қолмас чопар.

Майда қилсанг кўрайин,
Бўйнингга гуллар ўрайин,
Бўйнингга гуллар ярашса,
Бўйдашлар олиб берайин.

Қизил-қизил қиёлар,
Қийғир инда уёлар.
Шаҳид бўлган бандалар,
Қизил қонга бўёлар.

Майдада майдада босавер,
Майдада йўлин тўсавер.
Майдада дедим, хўп дедим,
Хўпга майлим йўқ дедим.

Эрта бўлар бозорда,
Харидорим кўп дединг.
Харидор келар қошингга,
Тангалар ёғар бошингга.

Шохларинг бор шотидай,
Турқинг тўриқ отидай.
Танглайнингнинг чебари,
Муллаларнинг хатидай.

Паст-пастгина тепалар,

Унга ҳаво сепалар.
Қадрингни билмаганлар,
Қовурғангга тепалар.

Майдам кетди яйлоққа,
Юкин ортиб тайлоққа.
Бир тайлоги кам бўлди,
Ултириди йигфламоққа.

* * *

Қирда қийғир қиёлар,
Қиёда қийғир уёлар,
Қийғир қаноти қийиқ
Болалари қўқ мийиқ.

Кўкгина қуш боласи,
Кўлда бўлар уёси.
Сойлар тўлиб сел келса,
Сарганиб йиглар онаси.

* * *

Майда ўзи хўптирган,
Уйда хамир кўптирган.
Бойни бозор жўнатиб
Новчасига ўптирган.

Тоғда қулон изи бор,
Қумда қуён изи бор.
Бойбуванинг уйида
Нортуядек қизи бор.

Сийналари пахтадай,
Яғринлари тахтадай.
Уни кўрган новчалар,
Тикилишади ахтадай.

* * *

Майда деган биз эдик,
Отадан олти қиз эдик.
Шум фалакнинг дастидан
Бош-бошимизга тўвидик.

Ёргинчоқ тортмас эдим,
Оч қолганимдан тортаман.

Ҳасратим айтмас эдим,
Куйганимдан айтаман.

* * *

Қамчисини қозиқ қилиб от бойлаган,
Телпагини ерга қўйиб қиз танлаган.
Бир гапим бор айтаман кир келтигманг,
Иккимиз дўст бўлайлик сир билдириманг.

* * *

Ола сигир ол дейди,
Иссиқ жойга сол дейди.
Ола сигир сутини
Асал билан бол дейди.
Зоти бобо боққаним
Момо ҳаво соққаним
Емишинг кўп бўлгин, хўш,
Говмиш молим хўш, хўш.
Сенинг сутинг эл хайр,
Эганг сен била бойир.
Тўрттовидан тирқираб,
Эмчакларинг сирқираб,
Сен келибсан айни туш,
Говмиш молим хўш, хўш.

* * *

Қатавадан келган ҳаво,
Ўз кетини ҳўллатар.
Боботоғдан келган ҳаво
Ҳамма ёқни қўллатар.

* * *

Сомонини кўп дединг
Майда, ҳе, майда.
Майда қилсанг ярашар,
Жами ҳайвон қарашар.
Жами ҳайвон ичидা
Мехнатинг сени ярашар.
Майдада, ҳе, майда.
Қайириб, қайириб босинглар,
Қолмасдан бўлсин жонивор.

Ўраб бир ўраб босинглар,
Уралар тўлсин, жонивор.
Майда, ҳе, майда.

Майда кўчди Айлаққа
Юкни ортар тайлоққа.
Тайлоқнинг юки оққан сўнг,
Ялинади бўйдоққа.
Майда, ҳе, майда.

* * *

Узун бир сенинг қуириғинг,
Йўлдошинг бўлсин тайлогим.
Подадаги ғунажин,
Ўйнашинг бўлсин тайлогим.
Тайлоққинам майда қил.
Майда, ҳе, майда.

Қора бир сенинг қулагинг,
Хонларда йўқдир сиёғинг.
Айри бир сенинг туёғинг,
Ойимда йўқдир сиёғинг.
Тайлоққинам, майда қил.
Майда, ҳе, майда.

Сенинг әнанг сийирди,
Сувларда бурнин жийирди.
Сени деб хўпга қўшсин деб,
Бобои деҳқон буюрди.
Тайлоққинам майда қил.
Майда, ҳе, майда.

Майда деган эл тери,
Ишланмаган хом тери.
Майда гулни айтмагин,
Ҳам жин урсин, ҳам пари.
Майда, ҳе майда.

Қизилингни қирдай қил,
Саманингни тоғдай қил.
Туёғингдан майда қил,
Майда, ҳе майда.

Майда бир дедим, хўп дедим,
Хўпга майлим йўқ дединг.
Ол шеригим деганда,
Қизилини оз дединг.

* * *

Эшагим жар бошида,
Тўқимлари ёнбошида.
Барча мужаррад қошида
Дўлана терган эшагим.

Эшагимнинг ўзлари,
Ширин-шакар сўзлари.
Хумор-хумор кўзлари
Армонда ўлган эшагим.

Эшагим оқсоқ эди,
Күшначга қоқтирсам эди.
Тўмор олиб тақсам эди.
Армонда ўлган эшагим.

Эшагимнинг изини,
Кўнчиликда кўрдим ўзини.
Кошки ҳалол ўлса эди,
Бизнинг эшонлар еса эди.
Дуойи такбир қилса эди.





АЛЛАЛАР

Сўйса сўйсин деб берган,
Меҳри қонсин деб берган.
Араби хуржунни солиб
Майизу кишишини олиб
Шаҳарлар борсин деб берган.
Алла, болам, аллаё, кўзим аллаё.

* * *

Ўчирма чироғимни,
Ушлама билагимни.
Ушласанг билагимни,
Куйдирма юрагимни.
Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла.

Мен сени алла дейин,
Аллангда ором олиб,
Ухлаб катта бўлгин.
Шавкатжоним алла.

Бетимнинг қизили, болам,

Тилимнинг узуни, болам,
Алла, болам, алла.

* * *

Алла, аллайй, отинг яхши,
Минг қайғу ғамдан шодлик яхши,
Қадринг билмаган қариндошдан,
Қадрингни билган ёт яхши.

Ҳўйдин, ҳўйдин тонглар отар,
Тонгда ғофил банданг ётар.
Саҳар вақти булбул ўтар,
Мен ҳам булбуллардан баттар.

Шу ердан булбул ўтдими,
Нолам аллага етдими?
Боғимнинг гули учгина,
Учгинаси ҳам кичкина.

Ҳўйдин, ҳўйдин ҳўйланди
Дарёда балиқ лойланди.
Балиқмикин деб қарасам,
Илон бўлиб товланди.

Қўзи боққанлар қўй этган,
Топганини тўй этгай.
Тўйдан-тўйга улашгай,
Давлат бошингга ўрнашгай.

* * *

Алла, деб чиқсан чўллара,
Алла, қўзим, алла.
Солиглар солиб эллара,
Алла, болам, алла.
Алла айтиб ухлатаман,
Алла, қўзим, алла.
Қандай сени юпатаман.
Алла, болам, алла.
Кичкинасан, лоласан,
Алла, болам, алла.
Қачон катта бўласан,
Алла, болам, алла.
Алла, алла, орастасан,

Алла, қўзим, алла.
Гуноҳи йўқ норастасан,
Алла, қўзим, алла.
Боғ ичида чаман гуллар,
Алла, қўзим, алла.
Сайрайди шайдо булбуллар,
Алла, қўзим, алла.
Сендан келар гул иси,
Алла, болам, алла.
Ота-онамнинг бириси,
Алла, болам, алла.
Ўймали тунлар бўйингга,
Алла, қўзим, алла.
Қўйдан қўчқор тўйингга,
Алла, болам, алла.
Сенга аллалар айтаман,
Алла, қўзим, алла.
Сояларингда ётаман,
Алла, болам, алла.

* * *

Тол ичидан танлаб олган,
Тол човканим болам, алла.
Гул ичида исказ олган,
Гулу райхоним болам, алла.
Зарга тўлди билагим,
Зардобга тўлди юрагим.
Даданг ўлсин, аянг куйсин.
Маъфиратхон алла.

Ой чиқиб туйнукка келди
Мен худодан айланай,
Суйганим олдимга келди,
Мен бўйинингдан ўргилай.
Даданг ўлсин, аянг куйсин, алла.

Саргайиб турган дарахтнинг,
Соябони бормикини.
Термилииб турган йигитнинг,
Меҳрибони бормикини.

Юр кетайну бўлмасам,
Юргин кетайну бўлмасам.

Иккаламиз бир бўлиб,
Ҳажга кетайну бўлмасам.

* * *

Алла, болам, алла,
Жоним болам, алла.
Икки кўзим, алла,
Ширин сўзим, алла.

Бопаману, бопаман,
Устингга кўрпа ёпаман.
Икки кўзим, алла.
Ширин сўзим, алла,
Эртаминаи турғизиб
Қай кўчадан топаман.

Юм кўзингни юлдузим,
Юмгин кўзингни юлдузим.
Алла, алла демасам
Йиглаб ўтар кундузим.

Жоним болам они,
Оқ бугдойнинг нони.
Ҳамма ёмон кўрсаям,
Онасининг жони.

Айлансиининг айвони бор,
Томга чиқса нарвони бор.
Уйқуси келса алласи бор,
Эмгиси келса маммаси бор.
Алла, жоним, аллаё.





ИИГИ-ЙЎҚЛОВЛАР

Үлим қурсин адo қилди,
Юракларим зада қилди.
Зада қилмай нима қилди,
Меҳрибонлардан жудо қилди.

Эшиклар олди чиядир,
Чияга ёним тиядир.
Үлтириб онамни ёдласам,
Юраклар багрим куядир.

Кўчама-кўча юраман,
Ҳеч қайси кўча гулзор эмас.
Сизнинг фариштадай жамолингизга,
Ҳеч ким бизингдек зор эмас.

Эксам битмас майдоним, онам,
Чақирсам келмас меҳмоним, онам,
Кечасига сирдошим, онам.
Кундузига йўлдошим, онам.

Боролмайман уйингизга,
Чиқолмайман тўрингизга.

Чиққанимда тўрингизга,
Киролмайман гўрингизга.

Тут ёғочдай мевали, онам,
Қайрағочдай сояли, онам,
Мевасидан еганим, онам,
Соясида ётганим, онам.

Қора мозор андадир,
Тупроқлари майдадир.
Меҳрибон онамдан айрилдим,
Энди кўрмоқ қайдадир.

Аёзлик кун айланган, онам,
Булатлик кун буралган, онам,
Кундузи келган меҳмонни,
Хон тўрадай кутган, онам.
Кечаси келган меҳмонни,
Кундузгидаи кутган, онам!

От бошидай юрагим
Қўй бошидай қолмади.
Қўй болича юрагим,
Қўроғошибай қолмади.

Бекасам тўнингиз бормиди,
Енгининг оғзи тормиди.
Сиздан бизни худойим жудо қилди,
Қайғурмас кунимиз бормиди.

Бўз тўргайлар бўлсангиз-чи,
Бўсағамизга қўнсангиз-чи.
Бўзлаблар қолди уч қизингиз
Ҳолидан хабар олсангиз-чи.

Заргалдоқлар бўлсангиз-чи,
Сарҳарамга қўнсангиз-чи.
Сарғайиб қопти учта мунглиғингиз
Ҳолидан хабар олсангиз-чи.

Ҳолимни билган ҳалдоим, онам,
Дардимни билган табибим, онам.

Бўш белларимни боғлаган, онам,
Абгор юрагимни овлаган, онам.
Яхши кунимда салтанатлик, онам,
Ёмон кунимда ҳимоятлик, онам.

Онам эдилар менинг бағри бутуним,
Онамдан айрилиб чиқди тутуним.
Онам эдилар боби эрамим,
Онамдан айрилиб чиқди фифоним.

Чинмиди, ёғонмиди
Чинни пиёла сингани.
Чин бўлганга ўшайди.
Каъбам онамнинг ўлгани.

Чақирсам чарбоғ ичидаги бормисиз,
Бир товоқ олма ичидаги нормисиз.

Ойлар қиялаб ботарми,
Олтин ҳам ерда ётарми.
Олтин сиёқ меҳрибон, онам,
Қора бир ерда ётарми.

Қапи мёнинг куйганим,
Куйганлар билан ўлганим.
Ёнингизга ҳужралар солиб
Посбонингиз бўлганим.

Заргалдоқ учар сой билан,
Иморат битар лой билан.
Сиздан қолган куним на бўлар,
Ўтар оҳувой билан.

Ҳаводаги қирқ юлдуз,
Ҳаволаб кетди ботгани.
Шундай арзанда онам,
Қиёмат кетдилар ётгани.

Қиёмат қачон бўлади,
Паймонам қачон тўлади.
Менинг паймонам тўлгунча,
Кийин ишлар бўлади.

Үйма бахмал қирғоним,
Үғилдан йўқдир туғим.

Кизиллар баҳмал қирғоғим,
Қиздан ҳам йўқдир чирғоғим.

Үлтирган ўрним ўринисиз,
Юрган йўлим ўринисиз.
Қани менинг куйғаним,
Куйған билан ўлғаним.

Ендим-а десам чўғим йўқ,
Куйдим-а десам кулим йўқ.
Айтсам аламим ошади,
Ўпкам қозондай тошади.
Жоним онам ёдимга тушса,
Аламим ундан ошади.

Юрагим куйиб келади наридан,
Бир хабар борми онамнинг шаҳридан.
Бир хабар бўлсайди онамнинг шаҳридан,
Мен кечардим бу дунёниг баҳридан.

Куймаган жоним бормиди,
Парчалар жойим қонимида.
Парчалар жойим қонини
Сувларга ювдим кетмади.
Пешонэмминг шўрига
Болталар урсам ботмади.

Айри тоғдай айланчим, онам,
Сурилар тоғдай суюнчим, онам.
Сури-сури тоғларга
Суюниб тургим келади.
Меҳрибон онамни ёдласам
Кундалар кўргим келади.

* * *

Қор ёрмаган учак йўқ,
Доғланмаган юрак йўқ,вой болам!
Айвоннинг ўрасиё
Болаларимнинг сараси,вой болам!
Боққинамнинг багбони.
Ўйгинамнинг султони.

Бўз уйимни бўшатиб кетган, болам,
Онасини қақшатиб кетган, болам.
Боғинг боғбонсиз бўлмагай, дўст-ёrim,
Уйинг султонсиз бўлмагай, дўст-ёrim.

Тахти равоним, болам,
Мулки жаҳоним, болам.

Ҳеч ким айрилмагай қўзисидан, қўйидан,
Мен айрилдим ёлғизгина шеримдан.
Бешиклари чинорми,
Еқалари садаф дуймами.
Кийганлари ўзига ярашган,вой болам,
Қаторидан хато бўлган,вой болам.
Жўраларидан жудо бўлган,вой болам.

Йўлдошлари олдида,
Ширин-шакар сўзи қолган.
Юрак ёғим,вой болам
Дардга дармоним,вой болам!

Баланд тоғлар бошини
Сен учун пастга солдилар.
Баланд тоғлар ўртаси,
Болаларимнинг сараси, болам.

Қора кўзи маржоним
Ҳар бир сўзи шакар болим!
Ўз мақсадига етолмаган,
Чаман гулзорларда ўйнолмаган.

Ҳеч кимнинг уйи бўшаб қолмагай
Ҳеч ким ўз шеридан айрилмагай.
Тахта қўпир устидан ўтолмаган,
Бу ўлимнинг давосини тополмаган, болам!

* * *

Хат битиб нома юборай,
Сенинг ўша маконингга.
Сен олиб ёшингни тўк.
Менинг нола-фигонимга.

Кеча-кундуз йигламоқдин,
Бўлак иш йўқдир менга.

Бу менинг йиғлаганимни,
Ким бориб айтур сенга.

Гул тагида ўлтирган
Гулдек онамга бу салом.
Бу салом бормайдими
У салом келмайдими?

Бағри тош, күнгли қаттиқни
Күргиси келмайдими?

Онам бор эди әгиз боғдай,
Отам бор эди әгиз тоғдай,
Ҳар бир сўзи сарғе ёғдай,
Ўлим синдириди бўйнимни.
Отанг ўлса әгиз тоғинг қуларкан,
Онанг ўлса әгиз боғинг қуруркан.

Қорани солдинг бошимга
Заҳарни қўйдинг ошимга,
Сарғе рўмол қўлимда,
Сарғайиб қолдим йўлингда.
Қора рўмол қўлимда,
Қараблар қолдим йўлингда.

Минган отинг тўпичоқ,
Ели, думи бир қучоқ.
Сиздан қолган болалар
Кимга бўлар ялинчоқ.

Эй фалак чархинг бузулсин,
Кимга хор этдинг мени.
Майли борни майли йўққа
Интизор эттинг мени.

Оталилар, оналилар,
Йўлда машраб ўйнашар.
Отасизлар, онасизлар
Деворни тагида йиғлашар.

Абдураҳмоним келур,
Үйларга меҳмоним келур.
Бояги ўтган кунимга,
Энди пушаймоним келур.

Бедавою бераҳм,
Ғунчам, гулимни уэди.
Бемаҳал келган ўлим,
Хонумонимни бузди.

Оқ әди билакларим,
Кўп әди тилакларим.
Тилакларимга етолмай
Қайрилди билакларим.

Сен менинг жоним әдинг,
Ойсултоним, болам!
Тахт уза хоним әдинг,
Ойсултоним, болам.

Бир ажаб ғунча әдинг
Очилмайин урди хазон.
Энди мен доғинг чекай,
Ойсултоним, болам.

Найлайн қора кўзингни
Софиниб қўзим сени.
Тахта тобутлар сенга,
Тахти равон бўлди, болам.

Дарди ҳасратингда қолдим,
Ойсултоним, болам.
Шод бўлиб бешгина кун,
Дунёда юролмадинг.

Юрагингда кетди армон,
Ойсултоним, болам.
Кошки сендан бурунроқ
Бўлгай эрдим хоксор.
Хок бўлди гулбаданинг
Ойсултоним, болам.

Үтинг тушдӣ юрагимга,
Чақириб олсан бўлмас.
Энди сени тополмайман
Энди сени кўриб бўлмас.
Ойсултоним, болам.

* * *

Қулоқ уриб қуруқ кетган,вой момам,
Бола боқиб ҳузурини кўрмаган,вой момам.
Баҳорнинг ёмғиридай ёғиб ўтган,вой момам,
Подшонинг қўшинидай қўниб ўтган,вой
МОМАМ.

Бел бойлайман пўтасиз,
Қандай боқаман отасиз.
Оқ, оққина қўзилар,
Яйлов ўти тилайди.
Етим қолган болалар
Ота қўнгли тилайди.
Воій уйим, ва куним, во даврон...

* * *

Хотини: Аргумоқ эди мингани¹
Киравка эди кийгани.
Маҳси кийди совурдан,
Ута берди давурдан.
Чайқалиб енгин ташлади,
Бешгина кун даврига,
Ўлтирамай кулги бошлади.
Оқ буғдойнинг нонини,
Ёпмас эдим эриниб,
Бул кунимнинг даврида,
Ишшак қўйнинг гўштини
Емас эдим жерикиб.
Ҳовлимда бозор юргузди,
Дашт парчаси ёмон деб.
Бухоро парча кийгизди,
Тўримдан ойна қаратди.
Тол тароги ёмон деб,
Шамшод тароқ таратди.

¹ Бойвачча ўлган, унинг яхши оти бор. Оғайнилари, онаси, хотини, синглиси, янгаси отни тузаб йигитнинг кийимларини отга ташлаб, отни қозиққа боғлайди, отнинг атрофида айланиб, отга қараб йигитнинг қилган ишлари, ҳуснини айтиси йиглайдилар. Шунда отнинг кўзидан ёш келади. Қисқаси, отга давир солади.

Минган отинг кўқмиди,
Кўк бедаси йўқмиди,
Болаларинг мунгфайтириб
Ҳеч армонинг йўқмиди.

Онаси: Билагим синди саридан,
Чиноримдан айрилиб.
Юрагим чиқди қопидан,
Шунқоримдан айрилиб.
Бултурги йили шу кунда,
Ипак эди ўрмагим,
Кулги эди эрмагим.
Бу йилги йили шу кунда
Индан бўлди ўрмагим,
Чиноримдан айрилиб
Йиги бўлди эрмагим.
Тенг-тенг чинор тенг чиқар.
Тепсинган отдан тер чиқар.
Тенгқурларинг келганда,
Тенг солиб уйдан ким чиқар.
Қора бир наиза ушатдим,
Келбатинг ерга тўшатдим.
Сирли бир наиза ушатдим
Сумбатинг ерга тўшатдим.

Опаси: Конқогин топсанг очакўр,
Хайрон қолгур қаттиқ ер,
Қора ерда ҳалқа йўқ.
Опаси куйсин ўтига.
Қора ернинг бағрида
Танаси ётар, жони йўқ.
Чоройнанинг кўзида
Опаси куйсин ўтига.
Чарх урган мирза ўзидир
Гул ойнанинг кўзидир.
Улганга мақтаб айтмайин
Айтувли мирза ўзидир.
Отларга минса ойнадай,
Ерларда юрса наизадай,
Манглайды туқсан ҳулкардай,
Опаси куйсин, айнамнииг,
Қантариб қўйган тулпордай.

Синглиси: Камчисини қай урди,
Элдан ҳақин айирди.
Қозиқдан отни қочирдик,
Эллардан отини ўчирдик.
Чорси белбог белида,
Кўринмайди элида.
Минган отинг олма кўз
Олма кўзни минганда,
Тегдимикан ёмон кўз.
Суқсур эди суқ тегди,
Югурек эди ўқ тегди.
Қармоқлар солдим қўлларга
Дараклар солдим элларга,
Қармоғим сувга ботмади,
Дарагим элга ўтмади.
Эшиклар олди гулхайир,
Меваси йўқдир бехайир,
Синглиси ўлсин, айнамнинг.

Болаларини мунгайтириб,
Бу ишингга ким қойил.
Эшиклар олди зигирдир,
Зигирни пулга жубирди.
Тўй қиласман дегани
Ёмонига буюрди.
Сандигимнинг сири эди,
Оқ юзимнинг нури эди.
Бўлар-бўлмас дард учун
Бўтадай кўзин сўндириди,
Синглиси ўлсин, айнамнинг.

Осилганда осмоним,
Учар бўлсан қанотим,
Чарх урганда чарбогим,
Айланганда ҳаётим,
Қўнар бўлса равотим,
Тортинмай кирап маконим,
Синглиси ўлсин, айнамнинг.

Қизгалдоқдай очилиб,
Ерларга зиё бўлганим.
Бойчечакдай очилиб,

Гулида хазон урганим,
Новдада совуқ чолганим,
Баргода совуқ урганим.
Экин жойда эгилиб,
Бир коса сувдай тўклилиб,
Синглиси ўлсин, айнамнинг.

Янгаси: Қиёдан туқсан қирқ юлдуз,
Қиялай борди ботгани,
Янгаси кўйсин норимнинг
Қиёмат борди ётгани.

Үйдан туқсан ўн юлдуз,
Үйнақлай борди ботгани.
Янгаси ўлсин норимнинг,
У дунё борди ётгани.

У дунё борсанг кўп ётма
Оч арвоҳ билан сўз қотма.
Оч арвоҳ сени оздирап,
Үй-жойингдан беэдирап.
Қирларга чиқиб қарайди,
Қирқовулдан сўрайди.
Қирқовул жавоб бермаса,
Орқангда қолган болаларинг
Хирмонга бориб йиглайди.

Томга қўйган нарвондай,
Курашга тушган полвондай,
Қўш кетмонни пешлатди,
Қўш новчани ишлатди.

Олмамикан, нормикан,
Шу орада бормикан,
Келар куни бормикан.
Қора бир найза толмикан
Ҳеч бир юртда бормикан?
Шу юртларда бор бўлса,
Хабарини топған бормикан.
Хабарини топған бандага
Бойловда моли суюнчи,
Дарагин топған бандага
Дордаги тўни суюнчи.

Эшиклар олди қумғондир
Қумғонда қўлин ювгандир.
Болаларим қайтди деб,
Зўрдан бир кўзин юмгандир.
Янгаси куйсин, айнамнинг.

Опаси: Қурисин жулнинг ийрағи,
Сурилсин отнинг туёғи.
Тақиялар тикдим газ оғиз.
Опаси куйсин ўтига
Сўйлашмадим бир оғиз.

Келиб әдим соғиниб,
Олтин боргак тақиниб,
Опаси куйсин, айнамнинг,
Қани бир сенинг турганинг
Усти бошинг қоқиниб.

Зигирлар гулин ташлади,
Бевафо әкан бу дунё
Кимга вафо айлади.
Тақдирда бўлган сўнг
Ҳар бир banda ўлади.





БАХШИ СОЗЛАРИ

ДҮМБИРАМ

Бўёғинг зардолу қопқоғинг тутдан,
Улфатинг бор юртдан бўлган, дўмбирам.
Сени менга қилиб берган устакам,
Елим минан қилған экан мустаҳкам,
Чергандада берасан булбулдай муқом,
Товушим қапоти бўлган дўмбирам.

Ериб ёқсам бирор чойдиш қайнамас,
Гоҳи келса әганг гапни ўйламас.
Боғ ичинда қумри сенча сўйламас,
Ҳар мажлиснинг гули бўлган дўмбирам.

Бошқа ишқинг сира бўлмас поёни,
Сенинг ҳам ишингнинг йўқдир зиёни.
Иккөвимиз қидирдик ёқти дунёни,
Қаршидан об қайтдинг икки туяни,
Аргамчи, қоп юкинг бўлган дўмбирам.

Устодим айтгин деб менга буюрди,
Эганг айтиб юрган катта шоирди,
Тушган пули билан олдим говмиш сийорди,
Қатиқ, айрон, сутим бўлган дўмбирам.

Бўёғинг зардоли, қулогинг арча,
Чулдираб сўйласанг файзли кеча.
Орқангдан эргашар ҳалойиқ барча,
Катта менинг сийим бўлган дўмбирам.

Сен йўқ ерда менинг йўқдир иложим
Қўлимға олғондан келади авжим.
Худойим берган сени, ёрлигим тожим,
Доимо бўлганкан сен кисса ҳаржим,
Баъзи вақтлар ҳамроҳ бўлган.
дўмбирам.

Эганг очиб ўқимасди китобни
Тусмол билан бари бир-бирига бопти.
Баъзилар айтади мунча гапни қаердан топти,
Сен шогирд, мен устод бўлган
дўмбирам.

Йигирма тўртимда бордим Қаршига,
Қайтишда бир қўндим Бегламушига,
Доим мажлис бердинг сап терилган яхшига,
Ҳар элатнинг сийин кўрган дўмбирам.

Эганг борар доим чақирган жойга,
Пойгада қолмайман ўтаман тўрга.
Уч марта бориб айтдим Ҳазрати Нурга,
Мени билан улфат бўлган дўмбирам.

* * *

Арчаларнинг остидан,
Арчиб олган дўмбирам.
Писталарнинг остидан
Бичиб олган дўмбирам.
Ирғайларнинг остидан,
Ирғиб олган дўмбирам.
Бодомларнинг остидан,
Бориб олган дўмбирам.
Зарангларнинг тагидан,
Ёриб олган дўмбирам.
Беш қўй билан ўн отга,
Сотиб олган дўмбирам.

* * *

Дўмбирам сени боқайин,
Бошгинангга пўпак тақайин.
Яхши сўйлаб чиқмасанг.
Учоққа қўйиб ёқайин.
Учоқдан чиқмайди ҳидинг,
Бир сиқим бўлмайди кулинг.
Сота кетсам бозорга,
Нос пули бўлмайди пулинг.

* * *

Сени миниб доим тўдага чопдим,
Яхши улфатларнинг кўнглини топдим.
Душманлар жонига ўтларни ёқдим,
Душманнинг бағрини тешган дўмбирам.

Қўлга олса тиниқ сувдай оқарсан,
Булбулдай суханинг, халқа ёқарсан.
Дўстларнинг кўнглини яхши топарсан,
Шундай булбул сухан бўлган
дўмбирам.

Таърифингни айтиб ҳаддан оширдим,
Душманга сиригни айтмай яширдим.
Йигитларнинг юрагини тоширдим,
Эшитгани ботир қилган дўмбирам.

* * *

Созанданинг сози келар соз билан,
Ҳиндистондан турна келар гоз билан.
Баъзи савдо бўлар экан боз билан,
Йигитнинг савдоси келар қиз билан.
Сўйла, дўмбирам, қувигач,
Ҳар шохларнинг қулоч-қулоч.
Йигилганинг кўнглин оч.
Элда юрган дўмбирам.

Сўйла дўмбирам бир майдон,
Жамолларнинг ёруғ ойдан.
Дўмбирамнинг боши тешик,
Ишқнинг билан айтай қўшиқ.

Дўмбирамнинг нағмасига,
Қишлоқларнинг бари ошиқ.
Сўйла, дўмбирам, боқайин,
Бўйнингга маржон тақайин,
Ултирганлар кўнглин очмасанг.
Уриб ўтларга ёқайин,
Тошкентни кўрган дўмбирам.

Сўйла-сўйла, дўмбирам тори,
Уйлар қолди бу ердан нари.
Оғаюнус Мисқол пари,
Гўрўғлиниңг суйган ёри,
Сўйламасанг ундан нари.

* * *

Чамбилбелнинг катта тоги палабан,
Оlamга машҳурдир Гўрўғли Султон.
Гўрўғлидан айтайнми бир сухан.
Чамбилбелда оти бўлди намоён,
Мулла бачча эрди ҳофизи Қурон,
Суянган ўғлиниңг оти Авазхон,
Авазхондан айтайнми бир сухан.

Чамбилда бек бўлиб ўтганди Дархон,
Овозаси кетган эди Ҳасанхон,
Душман кўрган ерда ўчини олган,
Ҳасанхондан айтайнми бир сухан.

Эр йигитлар ёвдан олар ўчини,
Евни кўрса тўқар борини, кучини,
Холдор дейди йигитларнинг норини,
Холдорхондан айтайнми бир сухан.

Авазнинг бир йўли Гулихиромон,
Шунга ҳам буюрди Гўрўғли Султон,
Қабул қилди ўн олтида Авазхон,
Хиромондан айтайнми қадрдон.

От чопганда мардлар олар орини,
Алп атайди полвонларнинг зўрини.
Ё айтами Зулфизардай парини,
Зулфизардан айтайнми бир сўзни.

Югурик от даркордир дољнинг белига,
Майдонда ўйнатади дирка-дирка.

Зангор элда ўйнаб ўсган Холбика,
Холбикадан айтайнми бир сўзни.

Ақлдорга олло берар давлатни,
Тўпон қилиб ўтган олқор элатни.
Қиймавутга ўтган якка Аҳмадни,
Аҳмадхондан айтайнми бир сўзни.

Ҳақ ўзидири бандаларга меҳрибон,
Олтмиш икки ёшгача кўрмади ўғлон
Бир достоннинг оти әди Одилхон,
Одилхондан айтайнми бир достон.

«Ҳасхона» дер асл уни ерини,
Ўқишиминан бурро қилган тилини,
Таъриф берсам ундаи Орзугулини,
Орзигулдан айтайнми бир сухан.

Қорахоннинг борди учта бувиши
Олтмиш тўртта ҳаққа етти нолиши,
Дуо қилди келиб бир сойил киши,
Ундан кейин бўлди иккита ёши,
Эр ўғил, Шер ўғлидан айтайнми бир
сухан.

Равшанхон жаҳонда бўлди бир ўғлон,
Қизига лойиқ кўрмади Авазхон,
Зангор элга талаб қилган Равшанхон,
Равшанхондан айтайнми бир сухан.

Айтган достонларим барин биламан,
Маслаҳатни мен сизларга қиласман.
Қайсисини хоҳлассангиз айтиб бераман,
Семизидан ушлангиzlар, шаввозлар.
Оригини яна боқиб келаман.

* * *

Кел, дуторим, сўз бошлайин дил билан,
Булбулнинг ҳаваси келсин гул билан,
Биродарлар хурсандлиги биз билан,
Ҳамма ерда сўз бўлади дуторим.

Уч-тўрт оғиз мақтаб қўйай мен сани,
Қовурғангдан қириб солган рандани,
Ҳониш қилсан ёлғиз қўймайсан мани,
Ҳонишимга ёрдам берган дуторим.

Айтмаган жойларга сира бормайсан,
Айтган жойларга бормай қолмайсан,
Нафсинг ёмон қора елимга тўймайсан,
Ҳаво ёғса уйда айнир дуторим.

Кўрган одам бир қўлига олади
Ишқибозлар тиззасида чалади,
Шинаванда сенга қулоқ солади,
Улфатнинг кўнглини олган дуторим.

Белбогингни беш еридан боғларман,
Фасонига садаф тугма қадарман,
Ёмғир ёғса, қуруқ ерда сақларман,
Қайга борсам бирга борган дуторим.

Сен бўлмасанг бари шоир сўзламас,
Райхон гулда булбул санга сайрамас.
Бориб ёқсам бир чойнак чой қайнамас,
Қорни катта, ичи кавак дуторим.

* * *

Баланд тоғлар паст кўринар
Тескайида қори бўлса.
Қуш қиёга учолмайди,
Сайёдларнинг тўри бўлса.
Қўй ёйилиб чиқолмайди,
Чобутида бўри бўлса.
Ерда гиё тебранмайди,
Шохосида дони бўлса.
Ёш болалар етим қолар
Пешонада шўри бўлса.
Қиз болалар куйиб ўтар,
Олган ёри қари бўлса.
Ҳангомаси соз келмасми,
Ҳар кимнинг тенгқури бўлса.
Йигит кўнгли шод бўлмасми,
Олган ёри ёш бўлса.

Сулувларга ярашмасми,
Оқ юзининг холи бўлса,
Йигит халқи хушрў бўлар
Қизил юзда холи бўлса.
Чўпонларга гудук бўлар,
Тўрвасида иони бўлса.
Абзал солсак ярашмасми,
Минган оғи тўриқ бўлса.
Бойбиччалар тўйда турар,
Хизматинда чўри бўлса.
Фуқаролар тинч бўлмасми,
Бош раҳбари одил бўлса.
Сулув қизлар чиголмайди,
Кўнгил берган ёри бўлса.
Оқ ўтовга ярашмасми,
Оқ ипакдан боғи бўлса.
Карвонлар ҳам шод бўлмасми,
Етовида нори бўлса.
Йигит вақти хуш бўлмасми,
Олган ёри пари бўлса.
Пошшо золим тортар дорга,
Уч ёғочдан дори бўлса.

* * *

Олабош ўрдаклар кўлларда сузар,
Мўминнинг савдосини баҳиллар бузар.
Айтмаган гапинингни айтди деб ёзар,
Икки баҳил соясига мавж учган.

Дарё қурир, ҳаво ёғар пишибирлаб,
Қўшин келағ дубирлаб,
Сиёсатдан гапирса,
Лативаси қимиirlаб.
Уни кўрган йигитлар,
Олтой ётар тибирлаб.

* * *

Икки хотин хотин эмас,
Билсанг овқатин ит емас,
Ош қил, десанг, суюқ қилар,

Нон қил, десанг, куюк қилар,
Кўйдим хотиннинг дастидан.

* * *

От билан юришни осон деманглар,
Ҳар замон ҳавоси бордир билганга.
Эшак миниб узоқ йўлни кўзлама.
Қадамда қайғуси бордир билганга.
Югуруман, деб узоқ йўлни кўзлама,
Йўлларнинг томири бордир билганга.
Чаққонман, деб ёлғиз юраман дема,
Алпнинг заволи бордир билганга.

* * *

Дам шу дамдир ўзга дамни дам дема,
Одам бўлган билан барин тенг дема.
Е мактабни, ё мажлисни кўрмаса,
Тия бўлган билан бари нор дема,
Икки ботмон устида юки бўлмаса.
Бей бўлганман барини бирдай бой дема,
Унинг қўлида хайри саховат бўлмаса.
Хотин бўлган билан барин тенг дема,
Лабда боли, бетда холи бўлмаса.

Оч қолганда зогора нон қанд бўлар,
Чарчаганда эшак ҳам бўлса от бўлар.
Мулла бўлсанг қалам билан хат бўлар,
Меҳр қочса қариндош ҳам ёт бўлар.

Пўлат, темир ер тагида ётарми,
Эгов солмай ёмон темир ўтарми.
Шерик бўлсанг бир мард билан бирга юр,
Ўзи ўлмай сени ташлаб кетарми.

Хира бўлиб туққан ойдан,
Сув оқмаган катта сойдан,
Безакот хайрсиз бойдан,
Ўтсиз, сувсиз қолган тилла саройдан,
Кир демаган узрли том яхшидир.

Оға-ининг қадрингга етмаса,
«Сен оғол!» деб жиловингдан тутмаса,

Элинг сенинг иззатингни этмаса,
Бир бошингни олиб кетган яхшидир.

Дунёнинг аслини билгин қўҳнадир,
Ақллини билган одам донодир,
Заркокилли мисли ўтдай ёнадир.
Йигитнинг устози ота-онаидир.
Бу дунёси бир каптархонадир.
Бири учса, бири келиб қўнадир.

Бир от олсанг назаркарда бойдан ол,
Қўйруқ кесди бир ўспирин тойдан ол.
Каттаргунча феълин синаб минарсан.
Бир ёр олсанг қизнинг сарасини ол.
Усма қўйса ярашади кўрарсан,
Тан маҳраминг кўрган сари суюрсан.
Сира олма ёрнинг беқобилини
Кўра-била ҳўл тезакдай куярсан.

* * *

Қўлингдаги урган созни
Қўкрагида тор келтирап.
Ҳаво бўйлаб сўйламоқда,
Бу ёғида бор келтирап.
Бемеъёр оғир юкни
Бўривойли нор келтирап.
Бошингдаги мушкул ишни
Олтин, кумуш зар келтирап,
Рўзгорингда бўлса заиф
Давлат кетмай сендан тойиб,
Дастурхонинг турса ёйиб.
Келинг, кетинг мундай ишни
Соҳиб ақл ёр келтирап.
Сўзни сўзга уламоқни
Кўмакайда тил келтирап.
Пешонангда бўлса холинг.
Ўғлинг бўлса энди олим
Мактабга берсанг еталаб,
Устозидан олиб таълим,
Бир қогозга хат келтирап.
Кўкракдан келган овозни

Қўлимдаги соз келтирап.
Ёмонга берсанг омонаг,
Ярмини еб оз келтирап.
Олган ёринг яхши бўлса,
Ноз устига ноз келтирап.
Қаҳраниб бўлсанг хафа,
Магар қилса сенга вафо,
Мийигида секин кулиб,
Аччиғингни паст келтирап.
Қамиш қулоқ бедов отни,
Туркман элдан юз келтирап.
Бир мард билан юрсанг бирга,
Қатор тую зар келтирап.
Ёмон билан бирга юрсанг,
Доим сенга ор келтирап.
Қўрқоқ билан сира юрма,
Кенг далани тор келтирап.

* * *

Қизил қўйиб юзиага,
Сурмани тортиб қўзиага.
Кимхоб хитой кийдирди,
Турди-да канизиага.

Осмонга учган қўп капитар,
Қўлда сувзган сўна, ўрдак,
Маст бўлиб ерга йиқилди
— Ойим қизлар! — деб чиққан
Ойимнинг овозиага,
Биби шайланаётир,
Ойим безанаётир.
Ойимнинг ўзи саркор,
Үнг кифтида бир гул бор.
Баҳоси бор минг динор,
Шайланди шоҳнинг қизи.

Тилладан қўйлак тугмаси,
Офтоб текса ярқ этди,
Зар чочбоқнинг қуббаси.
Биби шайланаётир.

Олти қизи олдида,
Етти қизи кейннида,

Ҳай қизлар, етиб юр,
Бир-бирингдан ўтиб юр.
Қўбизингни биянглатиб тортиб юр.

Гапим айб этмасин,
Тилим тойиб кетмасин.
Ҳой, гул билан елпиб юр,
Бетимни қавартмасин.
Завқим келиб кулганда,
Белим синиб кетмасин.
Шайланди шоҳнинг қизи.

Ҳой, узилиб-узилиб,
Наргис кўзи сузилиб.
Бадандан чиққан терига
Упа, қизиллар эзилиб.
Мулладан олди адаб,
Бўйнида нуқра садаф.
Тилла ўқчани ерга қадаб,
Биби шайланаётир.

Уйинг олди нов терак,
Яхши барчага керак.
Қулоғида ярқ әтди.
Заргар суққан заҳпарак¹.
Биби шайланаётир.

Ҳой, алғаниб-алғаниб,
Қора зулфи тўлганиб.
Тўққиз тутам зар сочбоғ,
Товонига чулғаниб,
Ҳайла биби жўнади.

Ойим чиқди ўтдай бўп,
Оқ бадани сутдай бўп.
Ҳар сийнаси туймаси
Баҳорда пишган тутдай бўп.

Ойим чиқди минорга,
Қўл кўтарди диноғга.
Динорларни қўйилди,

¹ Заҳпарак — зирақ, сирга.

Беш юз турган чинорга.
Шайланди шоҳнинг қизи.

Юаро бўлса эриниб,
Тегарагини терминиб.
Ичкан суви гилт этди
Ҳалқумидан кўриниб.
Биби шайланаётири.

Сувай қўйдек дирк этди,
Маҳси кенглиқдан гирқ этди.
Тилла ковуш ўқчаси
Ғиштга тегиб ширқ этди,
Ҳайла Биби жўнади.

Ойим ўзи ойимча,
Қадди-бели тол химча.
Эгилиб салом бергунча,
Ҳар зулфининг тугмаси,
Бухор тошга бир нимча.
Ҳайла Биби жўнади.

Ҳай, ҳимиллаб-ҳимиллаб,
Баданда тери жимиллаб.
— Аста қизлар! — деганда,
Тилло латваси қимиirlаб.
Биби шайланаётири.

Гули сурхни яратди,
Гули сурхнинг юртига,
Эллик тилло харж бўпти
Бўйнида хафа бантига.
Ойим созланаётири.

Гапим айб кетмасин,
Тилим тойиб кетмасин.
Гўшворимни кўтар, қиз,
Қулоғим синиб кетмасин.

Гапим айб кетмасин
Тилим тойиб кетмасин
Ҳар зулфимни кўтар қиз!
Ой юзимга ботмасин.

* * *

Ул бўлсин, қизлар ул бўлсин,
Олган харжингиз мўл бўлсин.
Тўпланишиб юрган қизлар,
Сизларга энди йўл бўлсин.

Алпинчоқли, талпинчоқли,
Бўйни тўла зар мунчоқли,
Хипча миён кенг қучоқли,
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Нозик ўзинг, белинг хипча¹
Энгнингга ярашиб нимча,
Қизларнинг тозаси сенча,
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Үн тўрт ёшдадир камолинг,
Ойдан равшандир жамолинг.
Бошингда қиммат рўмолинг,
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Қўлларингда қўша узук,
Билагингда билагузук.
Бир-бирингдан биринг тузук.
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Томогингда қора нозик,
Хоназодсан бўйнинг ўзик.
Лабзинг ширин, кўзинг сузик,
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Үйингизда бордир хурма
Кийган кўйлакларинг бурма.
Сизга мунча ярашибди,
Кўзингизга қўйган сурма.
Қизларим, сизга йўл бўлсин.

Эсон бўлсин бу бошлиринг,
Оқмай кўзингдан ёшларинг,
Ўсма қўйсанг ярашади,
Чаккангга етган қошлиринг.
Қора қош қизлар, йўл бўлсин.

¹ Шевада химча.

* * *

Йигитнинг бўлса оши,
Бирор кўзи, бирор қоши.
Эр йигитдан қайтса давлат,
Душман бўлар эмгакдоши.
Маъқул сўзли кенг қучоқли,
Дилбар ёр даркор йигитга.

Уйининг олди якка терак,
Кийганингиз адрес ипак.
Тўшдан оққан қўшабулоқ,
Эга даркордир йигитга.

Ота деган давлат боши,
Хотин деган кўнгил хуши.
Оғса тарозининг боши,
Бир онадан эмгакдоши,
Ака ҳам даркор йигитга.

Қирқ кун боқсанг бир кун ярап
Қайгудан бошингни қутқарар
Отдири ҳам йигит йўлдоши.
Қўриб-қўриб қувонмоққа,
Таёқдайин суюнмоққа,
Үлсанг изингни босмоққа,
Ўғил даркордир йигитга.

* * *

Аввал-аввал, аввал бошдан.
Қузгин айрилмайди лошдан.
Бегона даркор ўртоқлар,
Қадрини билмаган қариндошдан.
Аввал бошлаб худойимдан,
Давлат керакдир йигитга.
Давлат мусассар бўлган сўнг,
Гайрат ҳам керакдир йигитга.
Йигит шулдир хатосидан,
Тавба қиласа гуносидин.

* * *

Шойигулнинг ўзи асли ҳаёли,
Шоирнинг кетибдир шунга ҳаёли.
Паризода менгзар ҳусни жамоли
Мен деганлар Шойигулдан айлансин.

Анои бўлмайди шоирнинг сўзи,
Ақлимни олибди қош билан кўзи.
Абдирашид тоға деганинг қизи,
Мен деганлар Шойигулдан айлансин.

Шойигулга ўзим бўлайин банда,
Уни кўриб тоқат қолмади танда.
Лаби болга менгзар, тиллари қанда,
Мақтанчоқлар Шойигулдан айлансин.

Шоирнинг ҳаёли қочибдир чақи,
Кошки бўлсам эди мен шунга соқи.
Ақлимни олибди кўксининг оқи,
Бир кўрганлар Шойигулдан айлансин.

Кўрасим келади кунда минг йўла,
Тангадан узуклар солипти қўла.
Сочбоги гардандан тўкилган бела
Ҳамма ошиқ Шойигулдан айлансин.

Шоир деган бўлар одамнинг масти,
Узатса қўлини етмайди дасти.
Кўкрагида бордир кумуш қуббаси,
Ҳамма қизлар Шойигулдан айлансин.

Шоир уни кўриб бўлди девона,
Лаблари маржондаи, тиши дурдона.
Ана унда сақоқ, ана пешона,
Ҳамма қизлар Шойигулдан айлансин.

Үлгунча қул бўлсанг шундай дилбара,
Юзи ойга менгзар қошлари ёя.
Бу юрган қизларнинг баридан сара,
Шундай қиздан ёлғиз жоним айлансин.

Қўшилибмиз қозоқларнинг элига,
Ақлим кетди гарданига, белига.

Ўзи ўхшар паризоднинг хилига,
Ҳамма кўрган Шойигулдан айлансин.

Зулфи анбардайин бўйлари чоқли,
Қоши, кўзи бирдек бодом қовоқли.
Уни кўриб кетди шоирнинг ақли,
Менинг жоним Шойигулдан айлансин.

Ҳар замон келади манглайнин ёзиқ,
Чит кўйлак ичидаги беллари нозик.
Бир муччиси бўлар қирқ кунлик озиқ,
Битта жоним Шойигулдан айлансан.



МУНДАРИЖА

Терма қўшиқлар	9
Хоразм қўшиқлари	115
Лапарлар	135
Ёр-ёрлар	154
Ўланлар	165
Байт-ғазаллар	186
Меҳнат қўшиқлари	190
Аллаалар	199
Йиги-йўқловлар	203
Бахши созлари	215